



6 • 2020

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

*Ижтимоий-сиёсий, илмий-баддий,
маданий-маърифий, безакли журнал*

УШБУ СОНДА:

*2021 йилда жонажон Ватанимиз давлат
мустақиллигига 30 йил тўлади.*

* * *

*Ўзбекистон Республикаси маданият
вазирининг ўринбосари Камола Оқилова
тарихий-моддий ва маданий меросимизни
асраш йўлида олиб борилаётган ишлар
хусусида сўзлайди.*

* * *

*Ёдгор Саъдиев Миллий театримиз ўз
мухлисларига янги йилда қандай
спектакллар тақдим этиши ҳақида
гапиради.*

* * *

*Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги олдидан.*

* * *

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор
таваллудининг 100 йиллиги. Шогирдлар
устозни хотирлайди.*

* * *

Ёзувчи Хайриддин Султон ҳикояси.

* * *

*Шоир Ғайрат Мажид шеърларидан бир
даста.*

* * *

*Ўзбекистон халқ рассоми
Баҳодир Жалолов билан суҳбат.*

* * *

*Анна Германнинг ашулаларини
тинглаганмисиз? Унга нима армон бўлиб
қолган эди?*

МУҚОВАДА:

1-бет: «Ниҳол» мукофоти соевиндори Илём Арабов
Аҳмад Тўра фотоси

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазирлиги

Бош муҳаррир ўринбосари:
Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Рустам АБДУЛЛАЕВ
Мирза АЗИЗОВ
Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ
Минҳожиддин МИРЗО
Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ
Озодбек НАЗАРБЕКОВ
Акмал НУР
Сирожиддин САЙИД
Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ

Масъул котиб:
Комил ЖОНТОЕВ
Саҳифаловчи:
Нигина ИСМОИЛОВА
Навбатчи муҳаррир:
Манзура ШАМСИЕВА
Мусаҳҳиҳ:
Анора ҲОЖИМАТОВА

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 30 сентябрда рўйхатга олинган, гувоҳнома рақами 897719. Журнал икки ойда бир марта нашр этилади. Таҳририят ва муаллифлар фикри фарқланиши мумкин. «Guliston» журналидан материаллар олинганда манба кўрсатилиши шарт. Хатларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Таҳририят барча ижодий ишларни таҳрир этишга ҳақли. Обуна ва журналнинг етказилиши билан боғлиқ масалалар бўйича 71-244-45-34 рақамига кўнғироқ қилишингиз мумкин.

Бичими 70x100. 1/8. Ҳажми 6 босма табоқ.
Буюртма № 64. Адади 1000 нусха.
Босмахонага 2020 йил 30 декабрда топширилди.
Босишга 2021 йил 5 январда рухсат этилди.
Таҳририят манзили: Тошкент — 100129,
Навоий кўчаси, 30-уй. Тел.: 71-244-45-34,
факс: 71-244-45-34.

Журнал «SILVER STAR PRINT» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
22-мавзе, 17-уй.

Web-site: Gulistonjurnali.uz
gulistonjurnali@mail.ru

КАТТА КАРВОН ЙЎЛИ БЕХАТАР

**Янги йил баҳона кудратимизнинг,
Бир йиллик мазмунин қилсак сарҳисоб.**

Ҳар доим йил якунида академик шоиримиз Ғафур Ғуломнинг ушбу сатрлари эсга тушади. Зеро, ҳар бир мамлакат, вилоят, туман, шаҳар, ташкилот, оила ва ҳатто ҳар бир инсон йил охирида йил давомида амалга оширган ишларини сарҳисоб қилади: йил бошида режалаштирган қайси ишларини бажарди, қайсиларини бажара олмади, қандай ютуқларга эришди-ю қанақа камчиликларга йўл қўйди ва ҳоказо. Ютуқлар таҳлил қилинади, камчиликлардан тегишли хулоса чиқарилади. Бу навбатдаги йилга қадам қўйишда, янги режалар белгилаб олишда муҳим аҳамиятга эга.

Ана шундай кайфият билан 2020 йилни кузатдик.

Хўш, бу йил нимаси билан эсимизда қолди? Қандай ютуқларга эришдик, нималарни бажаришга улгурмадик?

Авалло, шуни айтиш керакки, бу йил XXI аср учинчи ўн йиллигининг биринчи йили сифатида тарихга муҳрланди. 2020 йил бутун

инсониятнинг, шу жумладан, Ўзбекистонимиз халқининг матонати, салоҳияти, сабр-қаноати ва жасоратини синовдан ўтказди. Коронавирус пандемияси дунё аҳлини саросимага солди, энг тараққий этган, унча-мунчани менсимайдиган қудратли давлатлар ҳам кўзга кўринмас бу офат олдида довдираб қолди. Фақат заррабин орқали кўриш мумкин бўлган бу ёвга қарши қандай курашиш лозимлигини энг қудратли давлатлар ҳам билолмай ҳайрон бармоғини тишлади: гоҳ у дорини ишлатди, гоҳ бу дорини, гоҳ ундай усул билан, гоҳ бундай усул билан «жанг» қилди. Бу «жангда» бирда ғолиб, бирда мағлуб бўлди. Умуман олганда, бу кўз илғамас ёвга қарши самарали кураш олиб борилган бўлса-да, қурбонлар, йўқотишлар кўп бўлгани ҳам бор гап.

Вазни бир мисқол ҳам чиқмайдиган бу «душман» бутун ер юзини оғир юк билан, ваҳимаю саросима билан қоплаб олди. Ана шундай шароитда қандай йўл тутиш, ишни қандай ташкил этиш ниҳоятда оғир, масъулиятли вазифа бўлиб, гап бутун мамлакат, унинг аҳолиси саломатлиги, демак, тақдири ҳақида борар эди. Албатта, бундай ҳолда давлатлар ўзаро маслаҳатлашади, аммо амалиётга келганда қайси йўлни, қанақа усулни танлашни ҳар бир давлат ўзи ҳал қилади, ўзининг иқлим шароити, табиати, халқининг менталитетидан келиб чиқиб қарор қабул қилади. Шу маънода ушбу кўзга кўринмас «душман»га қарши курашда Ўзбекистонимиз тўғри йўл танлаганини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Бу нималарда кўринди? Аввалло, бошқа давлатларга қиёслаганда мамлакатимизда коронавирус билан касалланганлар аҳоли сонига нисбатан анча кам бўлди (Худого шукур), ўлим кўрсаткичи ундан-да кам (беадад шукурлар бўлсин). Мамлакатимизда қўлланган даволаш усули кўплаб давлатлар томонидан эътироф этилди.

Хўш, бунга қандай эришилди? Юртимизда коронавирусга чалинган илк бемор аниқланган (2020 йил 15 март) қундан эътиборан мамлакатимизда карантин жорий этилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу вазиятни шахсан назоратга олди. Махсус жамғарма ташкил этилди, қанча маблағ керак бўлса аямади. Ҳар бир инсон саломатлиги учун кураш олиб борилди, бирон кишини эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилинди. Зарур дори-дармонлар келтирилди. Мавжуд шифохоналардан ташқари қўшимча жойлар ташкил этилди. Бу хайрли иш бутун мамлакат бўйича амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари кунда-кунора йиғилиш ўтказиб, вазиятни таҳлил қилиб борди, бир неча бор халқимизга мурожаат қилди. Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Бугун қўшимча бунёд этилган саралаш марказлари ўз фаолиятини тўхтатгани, асосий фаолиятдан коронавирусга чалинган беморларни даволашга мослаштирилган шифохоналар асосий фаолиятига қайтгани, соғайиш даражаси 97 фоиздан ошгани бундан далолатдир.

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

Шу ўринда яна бир нарсани қайд этиш жоиз. Пандемияни бартараф этишда тиббиёт ходимлари қанчалар ҳаракат қилмасин, қанчалик дори-дармонлар ишлатилмасин, одамлар ўзининг соғлиги учун аввало ўзи масъулият сезмаса, ҳар ким ўзини, оиласини ихота қилмаса, мутахассисларнинг кўрсатмаларига амал қилмаса кутилган натижага эришиш қийин эди. Бинобарин, ҳар қандай касалликка қарши курашда бемор шифокор томонида бўлмоғи муваффақиятнинг ярмидир. Шу маънода коронавирус пандемиясини бартараф этишда шифокорлар ва аҳоли ҳамкорлиги муҳим омил бўлди. Тўғри, ҳамма ҳам мутахассислар кўрсатмасига тўлиқ риоя қилди, дея олмаймиз. Элчилик, бу касалликни менсимаганлар ҳам, булар бари ёлгон, ўйлаб топилган гаплар деганлар ҳам, пашшадан фил ясаб ваҳима қилганлар ҳам, касалликка чалинганда ўз билганича ёки кимларнингдир айтгани бўйича «даволанганлар» ҳам бўлди. Энг олий ҳакам вақт деганларидек, ҳаёт ҳаммасини жой-жойига қўйди, қўймоқда. Кишини хурсанд қиладиган нарса шуки, халқимиз масаланинг моҳиятини тўғри тушунди, пандемияга қарши курашда мутахассис ва шифокорлар билан

ҳамқадам бўлди. Бунинг самарасида бугун «душман» чекинди.

Афсуски, 2020 йилда халқимиз бошига тушган ташвиш фақат коронавирус пандемияси билан чекланмади. Баҳорда бир неча вилоятларимизда, хусусан, Бухоро вилоятида рўй берган табиий офат, Сирдарёдаги «Сардоба» сув омборида содир бўлган техноген ҳалокат юзлаб-минглаб аҳолини бошпанасиз қолдирди, неча минг

гектар ерни сув босди. Оқибатда уй-жойлар, ижтимоий объектлар, экинзорлар вайрон бўлди. Бу фожеаларни кўриш, одамларнинг ўша пайтдаги аҳволини тасаввур қилиш нақадар оғир эди.

Давлатимиз раҳбари Бухорога ҳам, Сардобага ҳам офат рўй берган кунидеъ етиб борди. Вазиятни атрофлича ўрганиб, таҳлил қилиб мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди ва ижросини назоратга олди. Натижада офат тезда бартараф этилди, табиий ва техноген ҳалокатлардан зарар кўрган одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш чоралари кўрилди. Ана шу саъй-ҳаракатлар туфайли Сардобада ўнлаб кўп қаватли уйлар бунёд этилди. Бугун бошпанасиз қолган сардобаликларнинг аксарияти янги уйларга кўчиб ўтди. Булар халқимиз бошига ташвиш тушган қўшнисини, қишлоқдоши, маҳалладоши, умуман, ватандоши тақдирига бефарқ эмаслигини янада ёрқин намоён этди. Давлатимиз мадҳиясининг «Улуғ халқ қудрати жўш урган замон» мисраси маъно-мазмунини тўла ўз исботини кўрсатди. Халқимиз нақадар қудратли, ҳар қандай оғир шароитда ҳам тушкунликка тушмай ўз вазифасини адо этишга қодир эканини амалда исботлади. Бу ўринда ёшларнинг ташаббускорлигини, шижоатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, ёшлар – келажакимиз бунёдкорларидир.

Ҳа, 2020 йилда кўп синовларни бошимиздан ўтказдик. Аммо ҳаёт ўз измида давом этмоқда. Оғир шароит бўлишига қарамай мамлакатимизда ишлаб чиқариш тўхтагани йўқ. Саноатда, қишлоқ хўжалигида юксак марраларга эришилди. Мамлакатимизда экспорт ҳажми ошиб бораётгани ҳам бунинг далилидир. Хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, хусусан, халқаро молия муассасалари билан ҳамкорлигимиз изчил ривожланмоқда. Энг муҳими, ҳаёт карвони ўз йўлида гоҳ силкиниб, гоҳ сал депсиниб, гоҳ шиддат билан давом этди. Шукурки, бугун ўша силкинишлар, қийналиб юришлар ортда қолди. Олпоҳнинг марҳаматию давлатимизнинг доно сиёсати, оқилона олиб борган саъй-ҳаракатлари натижасида ҳаётимиз ўз ўзанига қайтмоқда. Катта карвонимиз йўли беҳатар, иншооллоҳ. Насиб этса, янги – 2021 йилга мураккаб шароитларда ҳам ишни бир маромда давом эттира олиш тажрибаси билан, касалликлардан фориғ бўлиб, яхши кайфият, кўтаринки руҳ билан кириб бормоқдамиз. Бинобарин, 2021 йил халқимиз учун алоҳида йил бўлади. Шу йилда мустақиллигимизнинг 30 йиллиги кенг нишонланади. Бу ҳақда Президентимизнинг махсус қарори эълон қилинди.

Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Маълумки, 2021 йилда халқимиз неча юз йиллик тарихи давомида орзу қилиб, интилиб яшаган ва XX аср сўнггида эришган, мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк, оламшумул воқеа – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганга ўттиз йил тўлади.

Мустақиллик йилларида кўп миллатли Ўзбекистон халқи ўзининг буюк салоҳияти, мустақкам иродаси ва матонатини намоён этди, оғир синов ва машаққатларни мардона енгиб, катта тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Юртимиз илгариги иқтисодиёти бир томонлама шаклланган, қоқ республикадан барча соҳаларда жадал ривожланиб, фуқароларнинг ҳаёт даражаси, сиёсий-ижтимоий фаоллиги, онгу тафаккури тобора юксалиб бораётган, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида узоқ-яқиндаги барча мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини кенг миқёсда олиб бораётган замонавий, очик ва демократик давлатга айланди.

Сўнги йилларда амалга оширилган ислохотларимиз натижасида, айниқса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга жорий этиш асосида мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётини тубдан янгилаш, «**Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари**» ғоясини реал воқеликка айлантириш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Жаҳон миқёсида давом этаётган коронавирус пандемияси ва иқтисодий инқирозга, шунингдек, бошқа турли таҳдид ва хатарларга қарамасдан, халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги амалий ҳаракатлари изчил давом эттирилмоқда.

Жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳити мустақкамланмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги босиб ўтган ривожланиш йўлимизни сарҳисоб қилиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилиш орқали олдимизда турган устувор вазифа – Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври учун пойдевор яратишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтиришда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг улкан сиёсий, тарихий ва маънавий-маърифий аҳамиятини инobatга олиб, истиқлол йўлининг асосий мақсад ва вазифаларини янги босқичда оғишмай, самарали давом эттириш, бу қутлуғ санани давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги тараққиёт даражаси, халқаро майдондаги обрў-эътиборига муносиб юксак савияда, умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича республика комиссияси** (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) ташкил қилинсин ва унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда қуйидаги устувор йўналишларни атрофлича ёритишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда «**Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!**» ғоясини ўзида

муҳасам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирлари дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) тасдиқласин:

жамиятда қонун устуворлиги ва судларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарларининг вакиллик органлари ва жамоатчилик олдида ҳисобот бериш тизимининг йўлга қўйилгани, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган туб ислохотлар;

мамлакатимизни модернизация қилиш, давлат ва жамият бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини янада ошириш, коррупцияга қарши курашиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар;

«Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун» ва «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» тамойиллари асосида фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича эришилаётган натижалар;

иқтисодиётни либераллаштириш, иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирларни қисқартириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини кучайтириш, валюта бозорини эркинлаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш дастурлари, камбағалликни қисқартириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси;

«Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади» тамойилини ҳаётга жорий этиш орқали аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, бизнес юритиш шартларини энгиллаштириш, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик, хунармандчиликни рағбатлантириш учун яратилган янги имкониятлар;

«Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Беш муҳим ташаббус», «Бир миллион дастурчи» каби ижтимоий лойиҳаларнинг жорий этилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг реал даромадларини изчил ошириб бориш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт, спорт соҳаларини тубдан ривожлантириш;

жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, ёш қизларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши учун кўмак ва ёрдам бериш, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар;

ёшларга оид давлат сиёсатини самарали олиб бориш, жумладан, ёшларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, уларни муносиб иш билан таъминлаш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарларга тайёрлаш, ёш тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган дастурлар;

аҳолини тураржой билан таъминлаш, хусусан, намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш, кекса авлод вакилларини, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёрдам ва кўмакка муҳтож фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар;

буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини барпо этиш борасида белгилаб берилган узоқ муддатли стратегик вазифалар доирасида миллий ғояни ривожлантириш, жумладан, давлат тилининг ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган амалий ҳаракатлар;

халқимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга муносабати ўзгариб, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда

давлат ва фуқаролик институтлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни кенгайтириш борасида амалга ошириладиган ишлар;

жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чет эллардаги фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, қўшни мамлакатлар билан дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатларининг тубдан яхшилангани, минтақавий ва халқаро муаммоларни биргаликда ҳал этиш саъй-ҳаракатлари;

мамлакатимизда диний-маърифий соҳага бериладиган катта эътибор, хусусан Ўзбекистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияси қабул қилингани, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, ҳадис ва калом мактабларини ташкил этиш билан боғлиқ амалий ишлар;

халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли таъминлаш мақсадида Қуролли Кучлар тизимида олиб бориладиган кенг миқёсдаги иш-лохотлар, жумладан, миллий армияни модернизация қилиш, ҳарбий саноат комплексини яратиш, ҳарбий таълим тизими ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ улкан ўзгаришлар;

жаҳон миқёсида турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олиб, экстремизм, терроризм, наркотрафик, одам савдоси, глобал пандемия каби таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги таҳликали замонда ҳаётнинг ўзи талаб қиладиган мезонлар асосида доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича амалга ошириладиган муҳим ишлар.

3. Республика комиссияси (А.Н.Арипов):

Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ишлари ва Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарининг фаолиятини мувофиқлаштириб босин;

жойларда таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маданий-маърифий тадбирлар ва бадий кечалар ўтказилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган илмий ва ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат арбоблари, жумладан, мақом ва бахшичилик санъати вакиллари, истеъдодли ёш ижрочилардан иборат ижодий гуруҳларни шартнома асосида жалб этиш чораларини кўрсин.

4. Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Бадий академия, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда кенг жамоатчиликнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги санаси муносабати билан:

пойтахтимизда «**Истиқлол**» мажмуасини ташкил этиш ва у ерда мустақиллигимизнинг мазмун-моҳияти ва тарихий аҳамиятини акс эттирадиган ёдгорлик композициясини барпо этиш;

Тошкент шаҳрида барпо этиладиган ер усти метро халқа йўлини «**Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз йиллиги**» деб номлаш;

«**Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври ва ривожланиш истиқболлари**» мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияни ташкил этиш;

ўтган даврда эришилган ютуқларга бағишланган «**Янги Ўзбекистон**» китоб-альбомини ҳамда ҳар бир соҳада амалга оширилган иш-лохотлар натижаларини ёритиб берувчи китоб-альбом ва тўпламларни нашр этиш;

2021 йилда юртимизда ўтказилиши режалаштирилган барча халқаро маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, илмий конференциялар, аждодларимиз юбилей саналарини мустақилликнинг ўттиз йиллиги гоёси ва руҳи билан уйғун ва ҳамоҳанг ҳолда ташкил этиш;

маданият ва санъатнинг барча йўналишлари (муסיқа, театр, кино, тасвирий ва амалий санъат, цирк, халқ ижодиёти) бўйича республика миқёсида фестивалъ ва кўргазмаларни ташкил этиш;

юртимиз мустақиллигини тараннум этадиган энг яхши қўшиқ ва муסיқа асарлари ҳамда тарихий ва замонамиз қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги пьесалар танловларини ташкил этиш;

мустақиллик йилларида эришилган илмий ютуқлар асосида яратилган инновацион лойиҳа ва технологиялар кўргазмаларини ўтказиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Ҳукумат қарорини

қабул қилсин.

5. Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков):

а) масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбирларини замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда юқори бадий савияда ўтказиш учун мамлакатимиз ва хориждан малакали мутахассисларни жалб этиш чораларини кўрсин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.У.Маджидов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х.Шерматов), Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси (Р.Д.Қурбонов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М.Ходжиматов) ва Ёзувчилар уюшмаси (С.С.Саидов) билан биргаликда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юртимизда фаолият юритаётган миллий маданият марказларини кенг жалб этган ҳолда байрам тантаналари ва халқ сайилларини ташкил қилсин;

маданият ва истироҳат боғларида шартнома асосида таниқли санъат намояндалари, бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида концерт дастурлари намойиш этилишини таъминласин;

кейинги йилларда юртимизда олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлар, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини яратишга бағишланган публицистик мақолалар ва шеърлардан иборат китобни республика бюджетни маблағлари ҳисобидан чоп этсин.

6. Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х.Камилов) Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков), «Ўзбеккино» Миллий агентлиги (Ф.Ф.Абдухаликов), Бадий академия (А.В.Нуриддинов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М.Ходжиматов) билан биргаликда хорижий мамлакатларда давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий мамлакатларда яшаётган ватандошларимизни жалб қилган ҳолда «Ўзбекистон кунлари»ни ўтказсин ва унинг доирасида маданий-маърифий тадбирларни амалга оширсин.

7. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги (Ф.Ф.Абдухаликов) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Хаджаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрами муносабати билан фильмлар яратиш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2021 йил давомида барча туман (шаҳар)лар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, миллий телеканалларда мустақиллик йилларида яратилган энг яхши бадий ва ҳужжатли фильмларнинг кенг намойишини ташкил этсин.

8. Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков) Бадий академия (А.В.Нуриддинов), Ёзувчилар уюшмаси (С.С.Саидов), Журналистлар ижодий уюшмаси (Х.Х.Салимов) ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда «**Энг улуғ, энг азиз**», «**Ранглар жилосида – она диёр**», «**Ватан учун яшайлик!**» каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида – Республика комиссияси томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ республика бюджетини ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К.Кўчимов), «Дунё» ахборот агентлиги (С.Л.Суяров) ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 17 декабрь



Камола ОҚИЛОВА,
Ўзбекистон Республикаси
маданият вазири ўринбосари,
санъатшунослик доктори

ТАРИХИЙ-МОДДИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗНИ АСРАШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФАМИЗ

Хар бир халқнинг маданий мероси мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги ўрни ва мавқеини белгиловчи муҳим омиллардандир. Жамиятимизнинг барча жабҳаларида туб ижтимоий, иқтисодий, маънавий ўзгаришлар рўй бераётган бугунги кунда маданий ривожланиш ва тарихий-маданий меросни сақлаш муаммолари ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда. Хусусан, тарихий-маданий мерос доимий ўзгаришларнинг муҳим қисмига айланган. Маданий мерос объектлари авлодларга ўтмишдан сўзлаб турадиган қадриятлар ҳисобланади.

Самарқанд шаҳрида 2019 йил 26 август куни ЮНЕСКО шафелигида ўтган «Моддий ва номоддий меросни сақлаш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш стратегияси» мавзусидаги халқаро конференцияда бу масалада муҳим тезислар баён қилинди.

Маданий меросни сақлаш янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида маданий мерос объектларини асраб-авайлаш масалалари кўриб чиқилди. Бунинг учун мавжуд қарорлар, қонуности ҳужжатларини таҳлил қилиш, мерос объектларини кадастрга киритиш, археологик ёдгорликларнинг ягона электрон каталогини яратиш, тадбиркорларга ноқонуний топширилган объектларни маданий мерос объектларига қайтариш сингари масалаларни ҳал этиш лозимлиги аниқланди.

Мерос мамлакатнинг сайёҳлик салоҳияти ва шу билан бирга, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатадиган омил ҳисобланади. Чунки у кўплаб соҳаларни қамраб олади, хусусан, маданият, маърифат, инсонпарварликка хизмат қилишидан ташқари кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Ўзбекистоннинг тарихий-маданий меросини сақлаш аънъанаси бир неча асрлик тарихга эга. 1920-80 йиллар давомида махсус қонунлар ишлаб чиқилди. Давлат томонидан муҳофаза тизимлари тузилди, ёдгорликларни ҳимоялашнинг асосий принциплари бел-

гиланди, реставрация мактаблари шаклланди. Бироқ бу хайрли ишлар изчил давом этмади, муайян узилишлар, эътиборсизликлар оқибатида соҳада ўзгаришлар деярли бўлмади. Бу тарихий ва маданий ёдгорликларга анча зарар етказди. Тарихий-маданий-мероснинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш орқали биз уларнинг емирилиши ва бузилиши сабабларини аниқладик. Бунда асосий сабаб моддий ва маданий мерос объектларининг вақт таъсирида эскириши ва емирилиши бўлса, иккинчи сабаб маданий объектларга табиий иқлимий муҳитнинг таъсири ҳисобланади. Бунга мисол қилиб, табиий иқлимий муҳитни кескин ўзгартириб юборган, Қорақалпоғистон ҳамда Хоразмдаги қадимий кўрғон ва ёдгорликларга ўз таъсирини ўтказган Оролнинг қуришини кўрсатиш мумкин. Маданий меросга ўз таъсирини ўтказган учинчи омил маданий мерос соҳасида давлат сиёсатининг етарлича олиб борилмаганидир. Реставрация илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтининг ёпилиши, бир қатор муҳим объектларнинг рўйхатдан чиқарилиши ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин..

ЮНЕСКО томонидан маданий мерос рўйхатига киритилган шаҳарларнинг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган ЮНЕСКО конвенцияси қоидаларига амал қилинмаганлигидир. Бу-

нинг оқибатида жойларда бузиш, қайта тиклаш, ижарага бериш борасида нотўғри сиёсат юритилган.

Бугун ЮНЕСКО билан ҳамкорлик қилиш ҳар доимгидан ҳам долзарб бўлиб турибди. Тарихий шаҳарлар архитектура ёдгорликлари, археологик қазилмалар кўринишида бўлган моддий-тарихий ва маданий меросни кўриб чиқайлик. Ўзбекистон – ноёб тарихий-маданий меросга эга давлат. Бугунги кунда юртимизда моддий маданий меросга мансуб 8208 объект мавжуд. Хива, Бухоро, Шаҳрисабз ва Самарқанднинг тарихий марказлари ЮНЕСКОнинг «Маданиятлар чорраҳаси» номинацияси бўйича бутунжаҳон мерослар рўйхатига киритилган. Буюк аждоларимиз томонидан қолдирилган дурдоналарни кўриш учун дунёнинг барча бурчакларидан кўплаб сайёҳлар келади ва ҳайрат билан томоша қилади. «Бу дурдоналар даҳолар томонидан яратилган. Улар тақрорланмас», дейишмоқда хорижлик мутахассислар.

Бундай меросга эгаллик қилиш катта бахт бўлиши билан бирга, улкан масъулият ҳамдир. Шаҳарлардаги тарихий биноларнинг бузилиши, ЮНЕСКОнинг ноёб объектлар ва ҳудудларда керакли белгиларнинг йўқлиги, тартибсиз равишда янги бинолар қурилиши, Шаҳрисабз шаҳри тарихий марказининг ЮНЕСКОнинг «хавотирли рўйхат»ига тушиб қолиши, Бухоро, Самарқанд, Хивадаги мерос объектларининг жиддий синовдан ўтиши ва бошқалар зудлик билан чора кўриш талаб этадиган муаммолар сирасига киради.

Дунё бўйича аҳоли кескин кўпайиб бориши, айниқса, шаҳарлар нufусининг ошиши туфайли турар-жойлар кўпайишини тақозо этди. Албатта, ҳамма ҳам яхши шароитда яшашга интилади. Шунинг учун дунё бўйича марказий шаҳарларга интилиш кучли. Бу шаҳарларнинг тарихий қисмлари кўп ҳолларда ноқонуний бузилишига олиб келди. Лекин келажак авлод учун маданий меросни сақлаб қолиш керак. Дунёда кўплаб тарихий обидалар махсус кўриқланади. Масалан, Парижда тарихий аҳамиятга эга бинолар-

нинг ташқи фасадига ўзгартириш киритиш қатъиян ман қилинган. Бино ичида ўзгартириш киритилган тақдирда ҳам ташқи кўринишга шикаст етказилмайдиган. Франция ва Бельгияда лойдан бунёд бўлган биноларни сақлашга ихтисослашган фирмалар мавжуд.

Бугун биз тарихий биноларни асраш, реставрация ва консервация қилиш масаласида хорижий тажрибаларни ўзлаштиришимиз, бу соҳада мутахассислар етиштиришга алоҳида аҳамият беришимиз лозим.

Мамлакатимизда тарихий обидалар билан юзага келган муаммоларнинг асосий сабаби маҳаллий ҳокимликларнинг эътиборсизлигидадир. Баъзи ҳолларда маҳаллий ҳокимият вакиллари тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиб, шаҳарларнинг тарихий қиёфасига путур етишини унутиб қўйди. Бунда афсуски, коррупцион ҳолатлар ҳам учрайди. Айрим тарихий обидалар яқинида дўконлар, меҳмонхона ва бошқа даромад келтирувчи объектлар ўзбошимчалик билан қуриб ташланган. Шаҳар кўркига путур етказса ҳам даромад олиш биринчи ўринга чиқиб кетган. Аслида шаҳарларни қадимий ва замонавий қисмга ажратиш айнан Шарқда шаклланган. Бу икки томон шаҳарга яхлитлик бериши билан бирга сайёҳларни ҳам жалб этган. Бу анъана баъзи шаҳарларда ҳамон сақланиб қолган. Айни пайтда Самарқанд ва Хивада чет эллик машҳур қурилиш компаниялари томонидан кўп қаватли меҳмонхоналар қуриш бўйича таклифлар бор.

ЮНЕСКО конвенцияларини яхши билмаслигимиз ҳам кўп хатолар келтириб чиқарган. Агар йигирма йил олдин тарихий жойларимизга муносабатни ЮНЕСКО конвенцияларига мослаштирганимизда эди, эҳтимол биз бунчалик хатоларга йўл қўймаган бўлар эдик.

Энди хатоларимиздан тўғри хулоса чиқариб, маданий мерос объектларини тўғри асраш, реконструкция, реставрация ва консервация ишлари олиб боришда усталар меҳнати билан бирга мутахассислар кўмагига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Маданият вазирлиги Миллий телерадиокомпания билан ҳамкорликда ЮНЕСКО ҳақида, бутунжаҳон мероси рўйхати номоддий мерослар репрезентатив рўйхати биздаги объектларга қўлланиладиган тавсия ва конверциялар ҳақида кўрсатувлар туркумини тайёрлаш ташаббуси билан чиқди.

Тартибсиз хўжалик юритиш оқибатида асл ёдгорликлар ўрнини замонавий қурилиш материалларидан ясалган нусхалар эгаллади. Реставратор мутахассисларни жалб қилган ҳолда бажариладиган илмий-реставрация ўрнини асосланмаган реконструкция эгаллади. Мерос объекти атроф-муҳитини сақлаш талаблари инкор этилди, ёдгорлик ва қўриқланадиган ҳудудларда қурилиш қилиш тартиби бузилди. Мерос объекти атрофида янги қурилишлар олиб борилди. Шундай объектлар борки, улар қаровсиз қолиб, ўз ҳолига ташлаб қўйилган (фермер хўжаликлари ҳудудига тушиб қолган архетектура ва археологик объектлар ва бошқалар). Маданий меросни сақлаш соҳасидаги ушбу негатив жараёнлар соҳада аниқ давлат сиёсати олиб борилмаганлиги, идоралараро мувофиқликнинг йўқлиги, марказ билан баъзи ҳудудий бошқарув органларининг ўзаро келишмасдан ҳаракат қилишлари оқибатида юзага келди. Сўнгги йилларда жамоатчилик тарихий объектларга етказилаётган зарар тўғрисида хабар бера бошлади. Ҳозирги кунда маданий мерос департаменти ижтимоий тармоқларда берилаяётган салбий хабарлар юзасидан текширувлар олиб бориб, зарур чоралар кўрмоқда.

Булар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда тарихий-маданий меросни сақлаш борасида дунё андазаларига мос кескин чораларни кўришимиз лозим.

Бу борада қатор ишлар қилинди. 2018 йил 18 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Маданият вазирлиги қошида маданий мерос департаменти тузиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Моддий маданий бойликларнинг инвентаризацияси ўтказилди. Аввал бизда 7468 объект мавжуд бўлган, деб ҳисобланса, ҳозирги кунда ушбу объектлар 8205 экани аниқланди. 2020 йил

8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўчмас моддий мерос объектлари рўйхати тасдиқланди.

Маданият вазирлиги томонидан миллий қонунчиликка тарихий-маданий мерос объектларига зарар етказганлик юзасидан маъмурий ва жиноий жавобгарликни ошириш тўғрисида ўзгартиришлар киритилди. Бу борадаги тегишли қонун 2019 йил 30 август куни қабул қилинди.

Маданий мерос департаменти томонидан маданий мерос объектларини қисқа ва узоқ муддатга ижарага бериш тартиби ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Маданий мерос департаменти томонидан 2002 йилдаги «Тарихий-маданий меросни сақлаш тўғрисида»ги ва 2009 йилдаги «Археология тўғрисида»ги қонунлар асосида янги таҳрирдаги «Меросни сақлаш тўғрисида»ги қонун ишлаб чиқилди.

Жойларда ЮНЕСКО томонидан белгиланган ҳудудлардаги архитектура ёдгорликлари ва яшаш муҳитини назорат қилиш ва сақлаш бўйича жамоат инспекцияси тузилмоқда.

Олиб борилган ишларга қарамасдан, соҳада бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳали кўп. Шаҳарларимизда тарихий-маданий муҳитнинг ўзига хос томонлари сақланиб қолиниши шарт. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлар ўзларининг тарихий тузилиши, шакли, архитектура биноларига эга. Ушбу ўзига хослик ҳам маданий, ҳам яшаш жойлар архитектура иншоотларига тааллуқли. Миллий ўзлигимизни таъминлайдиган, сайёҳларни жалб қиладиган ушбу бойликларни сақлаб қолиш зарур.

XIX-XX асрлар давомида Шарқ шаҳарларида қуйидаги одат шаклланган: эски шаҳар ёнида янги шаҳар пайдо бўлиши ва унинг мегаполисга айланиши. Мерос ёдгорликлари замонавий шаҳарлар интеграцияси билан чамбарчас боғланиб кетиши керак. Бунда асосий муаммо шаҳарни ривожлантиришни меросни сақлаб қолиш билан мувофиқликда олиб боришга эришиш ҳисобланади.

Тарихий ва маданий мероснинг кадр-қимматини жамоатчилик, айниқса ўсиб келаётган ёшлар онгига болаликдан синдириш тизимини ҳам яратиш муҳимдир. Шу муносабат билан биз болалар, талабалар ва кенг жамоатчилик учун аниқ услубий адабиётлар яратишимиз лозим.

Маданий мерос – Ўзбекистон сиёсатининг ўзига хос бир бўлагидир. Уни «брендлаш» халқаро майдонда миллий манфаатларни таъминлаш учун жуда зарур. Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи маълум жиҳатдан маданий меросимизга қандай муносабатда бўлишимизга ҳам боғлиқ.

Мамлакатимиздаги барча реставрация ишларини мувофиқлаштирувчи давлат илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти яратиш асосий вазифаларимиздан бўлиб турибди. Тарихий ва маданий меросни сақлаш муаммоларини ўрганиш жараёнида тарихий обидаларнинг замонавий шаҳарлар шароитида қолаётганини ҳисобга олиб, институт таркибида тарихий шаҳарларни бошқариш бўлимини ташкил этиш лозим. Айнан шу бўлим Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари учун стратегияларни, тарихий обидаларни сақлаш концепцияларини, шаҳарларни бошқариш режаларини ишлаб чиқиш, қурилишлар ва ўзгаришларнинг тарихий обидаларга таъсирини баҳолаб бориши керак.

Сўнгги тўрт йил барча соҳалар қатори тарихий ва маданий меросни сақлашга нисбатан жамиятнинг фуқаролик позицияси сезиларли даражада ошганини кўрсатди. Одамлар тарихий биноларнинг бузилиши, шаҳарларнинг тарихий қисмидаги қурилишларга муносабат билдирмоқда. Жамоатчилик назорати ошди.

Тарихий ва маданий меросни асраб-авайлаш бугунги кунда дунёдаги илғор мамлакатлар сиёсатининг муҳим мезонига айланган. Бу бизнинг мамлакатимизда ҳам амалга оширилаяётган сиёсат дейиш мумкин. Янги Ўзбекистон ўзининг инновацион ривожланишига ҳалақит берадиган барча муаммоларни ҳал қилиш қудратига эга.



Ёдгор САЪДИЕВ:

Мухлислар қувончи – бизнинг ютуғимиз



Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев Ўзбек миллий академик драма театрига директор этиб тайинланганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин айни кунларда театр ҳовлисига қадам қўйган одам бу даргоҳдаги ўзгаришларни пайқашни турган гап. «Ўй остонадан бошланади», деганларидек, маънавият, маърифат даргоҳи бўлган театрга бу таъриф икки қарра тегишли. Бугун Миллий театрда нафақат ҳовлида, балки саҳнада ҳам янги йилда янги ишлаш тараддуди кетмоқда. Бу ҳақда театр директори Ё.САЪДИЕВ қуйидагиларни гапириб берди:

– Умр бўйи ижод билан шуғулланиб юрган одамга раҳбарлик қилиш осон эмас. Айниқса, ўзимнинг театримга раҳбар бўламан, деб ҳеч қачон ўйламагандим. Лекин устозларнинг далдаси, жамоанинг ишончи менга куч берди. Ўйлаб кўрсам, қадрдон театримда қиладиган ишларим кўп экан. Айтайлик, театримиз шаклланган баъзи анъаналаридан чекинаётгандек, ўзани бироз бошқа томонга бурила бошлагандек кўринди. Истеъдодли ёшлар ҳар томонга кетиб қоляпти. Уларни тўғри йўлга солиш, дардини эшитиш, керак бўлса, тарбиялаш театрининг, шу жамоада ишлаётганларнинг вазифаси. Шуларни ўйлаб, устозларнинг ишончини оқлаш учун ҳам қўлимдан келганча қадрдон даргоҳимга фойда келтиришни ният қилиб ишга киришдим.

Театр остонасидан унинг маданият, маърифат маскани экани билиниб туриши керак. Шу сабаб ишни ташкилий ишлардан, яъни, театр ҳудудини тозалашдан бошладик – ҳашар уюштирдик. Бу ишда ёшлар фаол бўлгани мени жуда қувонтирди. Анча иш қилинди. Лекин ҳали ҳам ҳудудимиз чиқиндилардан тўла халос бўлгани йўқ, сув ва электр мосламаларини тартибга солиш давом этмоқда. Фойеда иситиш тизимида ҳам камчиликлар кўп. Бу камчиликларни тугатиб, ижодий ходимларнинг самарали ишлаши учун шарт-шароит яратиб берсак, кейин улардан иш талаб қилсак, инсофдан бўлади, деб ўйлайман.

Томошабин қалбига маънавий озиқ бериш, унга руҳий кўтаринкилик, маданият, маърифат нуруни бағишладек асосий вазифамизни бажариш йўлида қатор ишларни режалаштирганмиз. Биринчи навбатда театр Бадий кенгаши таркибини янгилашни мақсад қилганмиз. Кенгаш таркибини билимдон, саҳна санъатининг жонкуяри бўлган, спектаклнинг мағзини, йўналишини биладиган театр-шунос-мутахассислар билан мустаҳкамлаш ниятидамыз. Аввало, режа ортидан югуришни йиғиштириш лозим. Бугунги давр ҳар соҳада сифатни талаб қиляпти. Зеро, театр репертуарида сон эмас, салмоқ биринчи ўринда туриши керак. Ҳозир репертуаримизда 30га яқин спектакль бор. Улар орасида бугунги талабга жавоб беролмай қолганлари ҳам бор. Улардан воз кечиш давр талаби. Бугунги кун учун долзарб бўлган спектаклларни қайта саҳнага олиб чиқишни ўйлаб турибмиз. Шунингдек, чет эл классикасига жиддий эътибор бериш ҳам асосий вазифаларимиздан. Софоклнинг «Антигона» асарини саҳналаштиришни ре-

жалаштирганмиз.

Кези келганда бир гапни айтиб ўтишим керак. Илгари қўйилган спектаклларнинг замонавийлаштирилиши ҳақида ҳам жиддий ўйлаш лозим. Чунки ҳамма асарни ҳам замонга мослаштириб бўлмайди. Театрнинг ўз анъаналари бор. Уларни бузиш тўғри эмас. Театр томошабин ортидан югуришини эмас, томошабиннинг ўзи театрга келишини йўлга қўйишимиз зарур.

Шу кунгача амалга оширган ишларимиздан бири жамоамизнинг Қорақалпоғистонга ижодий сафари бўлди. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик музыкали театри саҳнасида репертуаримиздаги «Иймон» ва «Ўжарлар» спектаклларини намойиш этдик. Бу асарларни неча марта ўйнаган бўлсак, ҳар сафар томошабинлар олқишлар билан қарши олганидан кўнглимиз кўтарилди. Ҳар икки спектаклни бир вақтнинг ўзиде икки тилда ўзбек ва қорақалпоқ тилларида намойиш этдик. Ўзимиз учун ҳам, мухлислар учун ҳам жуда қизиқарли бўлди. Театримизнинг маҳоратли актёри, «Шухрат» медали соҳиби Толиб Мўминовнинг Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист унвони билан тақдирлангани барчамизни қувонтирди. Янги йилда Қорақалпоқ театри санъаткорлари бизда гастроль сафарида бўлади. Театр мухлисларини қизиқарли томоша ва учрашувлар кутмоқда.

Келгуси йилдаги режаларимиз катта. Асосий мақсадимиз Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини муносиб кутиб олишдир. Шунинг учун улуғ режиссёримиз Баҳодир Йўлдошев билан маслаҳатлашган ҳолда, буюк шоирнинг «Садди Искандарий» асарини саҳналаштиришни мақсад қилдик. Бу асар асосан ёшлар иштирокида намойиш этилади. Яна шу режиссёр билан «Аршин мол олон» спектаклини томошабинларга тақдим этмоқчимиз. Ўйлайманки, Баҳодир Йўлдошевдек режиссёр билан ишлаш ёш актёрлар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, драматург Нурилла Аббосхоннинг «Ўзгалар дарди», ёзувчи Назар Эшонқулнинг «Уруш одамлари» асарларини саҳнага олиб чиқишни мўлжаллаганмиз.

Яқинда устозимиз, бетақор санъаткор Олим Хўжаев таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонладик.

Олдинда кўп ижодий ишлар турибди. Уларнинг ҳаммаси ҳақида бир йўла айтиб қўйсак, қизиғи қолмайди. Асосий мақсадимиз – томошабинга юқори савияли саҳна асарларини тақдим қилиш. Театр томошабин билан тирик. Мухлисларимиз бизнинг театрни севса, спектаклларимизга баҳо берса, биз ҳам уларга беминнат хизмат қилишга доимо тайёрмиз. Зеро, мухлислар қувончи – бизнинг ютуғимиздир.

Гулчеҳра УМАРОВА ёзиб олди.

ДИЙДОР – БАЙРАМДИР

*Яхшининг юзи жаннатдир,
Они кўрмоқ саодатдир.*

Алишер Навоий

«Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш» шиори остида мамлакатимиз шаҳар ва туманларида ўтган маънавий-маърифий, маданий тадбирларнинг иштирокчисига айланганимдан ниҳоятда мамнунман.

Бу учрашувлар халққа, айниқса ёшларга нима беради?

Шу саволни ўзимга берар эканман, олис болалик хотираларим ёдимга тушади.

Самарқанднинг Нарпай туманидаги чекка қишлоқда оламни таний бошлаганимдан буён элнинг таниқли одамларини яқиндан кўриш орзуси билан яшар эдим. Кейин билсам Янги сарой қишлоғимиздаги дугоналаримнинг ҳам шундай ниятлари бор экан. Биз қишлоқ ёшлари дунёни фақат газета, журналлар, битта канални кўрсатувчи телевизор орқали билар эдик, холос. 14 ёшимда далага чиқиб дугоналарим билан чопиқ қилар эдим. Саратоннинг жазирама кунларидан бирида бирига-диригимиз Жўракул тоға келиб, «Қизлар, эртага даламизда «Пахтакор овози», яъни, туман газетасидан мухбир келади, иложи бўлса атлас кўйлақларингни кийиб келинглар, расмга тушасизлар. Расмларинг газетада чиқади», деди. Қишлоғимиз қизлари хурсандлигининг чеки йўқ эди. Ҳар бир уйда эртанги учрашув учун тайёргарлик бошланди. Оқшом сочимни ювиб, қирқта қилиб ўрдириганим, атлас кўйлагим ва шойи рўмолимни дазмоллаётганимдан оиламиздагилар мамнун эди. Эрталаб далага кетаётганимда кекса энажоним «Мени қизим ойдак бўлиб газетада чиқсин», деб, дуо қилдилар.

Эртаси куни газета мухбирини улкан адибни кутгандек кутиб олдик. Мухбир жуда ёқимтой ёш йигит экан. У аввал бизни роса суратга туширди. Кейин ишимиз юзасидан суҳбатлашди. Саратонда атлас кўйлақ кийиб суратга тушишни тасаввур қилинг. Мухбир кетгач, ўзимизни тутзор соясига «урдик».

Тассуротлар бир олам эди. Қўлига фотоаппарат ушлаган, ёнида чиройли чарм сумкаси бор, ҳаммамизга «Табассум қилинг», «Ўзалсиз, жуда ўзалсиз», «Кўзингиздан бахт кўриниб турсин», деб муомала қилаётган йигит, гўё ўзга бир оламдан келган зиёли инсон эди. Орадан қанчадир вақт ўтиб суратимиз газетада чиққани, бутун қишлоқ учун тарихий воқеага айланди. Қанча вақт мухбир ташрифини гапириб юрдик.

Бугунги кунда ташкил этилаётган тарғибот тадбирларида нуфузли олимлар: академиклар, фан докторлари, Ўзбекистон халқ шоирлари, Ўзбекистон халқ артистлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, таниқли сиёсатчилар борлиги, тадбирлар дастури ранг-баранглиги, кўлами кенг бўлиб маҳаллабай бўлгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Одамлар бундай ташрифларга ўрганиб

қолишди. Мен ҳам бир ижодкор сифатида юртимизни кезиб, вилоятларда бўлаётган юксалишларни кўзим билан кўриб олам-олам тассуротлар оламан. Асарларимга қаҳрамонлар топдим, шогирдлар орттирдим. Бу галги тадбирлар доирасида Қорақалпоғистон Республикасида бўлдим.

Бир-биридан мухташам санъат саройлари, мактаблар, маҳалла гузарлари, мусиқа ва санъат мактабларида учрашувлар бўлди.

Қорақалпоқ сафаримизда Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчехра Носирова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Женисбек Пиязов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Умида Абдуазимова, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир ва таржимон Музаффар Аҳмедов борлиги тадбирлар шуқуҳига шуқуҳ қўшди.

«Биз машҳур одамларни маҳалламизда кўришдан ғоят мамнунмиз, ёшларимиз ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Сизларнинг маърузаларингиз ва шеърларингиздан нафақат ёшлар, балки биз кексалар ҳам куч-қувват олдик. Бу шукроналик давраси десак бўлади. Масалан, Женисбек Пиязовнинг Тошкентдаги концертига боролмай армонда юрган эдик. Бугун катта концертни текинга кўриш бахтига мушарраф бўлдик. Сизларни бир кўриш орзуси кимда йўқ, дейсиз. Маърузалардан, шеърлардан ҳаяжонландик. Бирга кўшиқ айтдик, рақсларга тушдик», дейди Амударё тумани «Қиличбой» овул фуқаролар йиғини раисининг Кексалар ва фахрийлар бўйича маслаҳатчиси Амина Юсупова.

«Сизларни келади, деган хабар тарқалгандан буён ҳар кун фуқароларимиз қачон келишади, деб сўради. Саксон ёшли хожи оналар, тўқсон ёшли ёшуллар ҳам «Биз хабарсиз қолмайлик», дея эслатиб туришди. Ҳамма тадбирга чиқди. Айниқса, учрашувлар маҳаллабай бўлгани нур устига нур бўлди», дейди яна бир суҳбатдошимиз Амударё тумани «Дўрмон» овул фуқаролар йиғини профилактика инспектори, ҳуқуқ масалалари бўйича маҳалла раиси ўринбосари Омирбой Носиров.

Бу сафарги тадбирлардаги маърузам «Мамлакатимиздаги ислохотлар инсон манфаатлари учун хизмат қилмоғи лозим» мавзусида бўлиб, жойларда илиқ кутиб олинганидан, «Болага китоб беринг» ва давлатимиз раҳбарининг БМТнинг 75-сессиясида ўзбек тилида сўзлаган нутқларига бағишланган «БМТда янграр Навоий тили» номли шеърларимни ёшлар ёддан кўшилиб айтаётганини эшитишдан ортиқ бахт борми?!

«Қиличбой» маданият марказидаги тад-

бирдан сўнг кетаётган чоғимизда 11 ёшлар чамаси бир бола кўлида мусиқа асбобини кўтариб, маъюс бош эгиб кетаётганига кўзим тушди. Ҳайдовчи йигитга «Тўхтатинг, нега бу бола маъюс, бош эгиб кетяпти», дедим. Машинадан тушганимизни кўрган маданият маркази директори биз томон етиб келди. Мен ҳалиги болани ёнимга чақирдим. Бола шундай чиройли эдики, фаришта дейсиз. Ундан нега маъюслигини сўрасам, бола йиғлаб юборди. Шу пайт мактаб директори «Бу боланинг исми Рустам. Мана шу кўлидаги доира-таблақни чалади. «Тошкентдан меҳмонлар келса санъатимни намойиш этаман», дея, катта тайёргарлик кўриб юрган эди. Афсуски, бугун вақт тизиб бўлиб унга навбат етмади. Рустам шундан хафа», деди.

Мен Рустамнинг кўлидан ушлаб «Шундай чиройли боланинг санъатини кўрмасдан ҳеч қаерга кетмаймиз, қани ҳаммамиз орқага қайтамыз», дедим. Маданият марказига қайтиб кирдик. Саҳнага чиққан Рустамжоннинг чеҳраси қуёшдек чарақлар эди. У шундай берилиб доира-таблақни чалар эдики, барчамиз маҳлиё бўлиб қолдик.

Унинг устозига, ота-онасига миннатдорлик билдирдик. Рустамжон билан суратларга тушдик. Мамнун йўлга чиқар эканмиз, барча болалар бизга қўл силтаб қолишди. Албатта, энг кўп қўл силтаётган Рустамжон эди.

Биз ўн беш кунлик тадбирдан қайтдик. Қайтаётиб «Бундай тадбирлар халққа, айниқса ёшларга нима беради?», деган саволга жавоб топдим.

Қорақалпоқчасига айтганда авузбирчилик – ҳамжиҳатлик, меҳр ва садоқат туфайли гуллаб-яшнаётган Ватанимиздаги ислохотлар ҳақида фикрлашиш, халқимизни эшитиш, улар кураётган иншоотларни кўриш, кутубхоналар, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, замонавий шифохоналар, хусусий клиникалар ҳақида ёзиш кераклигини режалаштирдим.

Оилавий тадбиркорлик, оилавий ҳунармандлик, фермерлик ҳаракатларидаги ютуқларни кўриш ва дунё мусулмон оламини ҳайратга солаётган, ўзига чорлаётган миллий-исломий руҳда суғорилган безакларла ороланган масжидлар, қадимий қадриятлар тажассум топган зиёратгоҳлар, боғлар, янги-янги биноларни тўлиб-тошиб шеърга солишни мақсад қилдим.

Халқимиз бу тарғибот тадбирларига ўрганиб қолди. Улар энди бизни кутади. Худди «Дўрмон» овулининг саксон, тўқсон ёшли кексаларидек, худди мусиқачи бўлишни орзу қилган Рустамжондек кутишади.

Биз албатта яна борамиз.

Зулфия МҮМИНОВА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: ИСЛОҲОТЛАР БЎЙ КЎРСАТМОҚДА

Ушбу қутлуғ айёмда ризқ-рўзимиз бунёдкорлари – миришкор деҳқон ва фермерлар, заҳматқаш чорвадор ва пиллакорлар, моҳир сувчи ва ирригаторлар, ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган механизатор ва агрономлар, соҳанинг жонқуяр олимлари ва мутахассисларимизга чуқур ҳурмат бажо келтириб, чин дилдан таъзим қиламиз.

Дунёдаги энг қадимий ва олижаноб касб эгалари ҳисобланган, эл-юрт дастурхонини тўкин ва фаровон этадиган ғоят муҳим соҳанинг залворли юкини ўз елкасида кўтариб келаётган сизлар каби минглаб юртдошларимизнинг фидойи меҳнати ва жасорати ҳар қандай юксак эътирофга муносибдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Қишлоқ хўжалиги иқтисодийнинг энг қадимий, ҳеч қачон ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотмайдиган таянч тармоқларидан бири. Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий таъбири билан айтганда, ҳар эрта баҳорда ерга уруғ қадаб, ризқ йўлини очадиган, хонадонларимизга тўкинлик ва файзу барака сочадиган одамлар меҳнат қилади бу соҳада.

Сўнги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ҳам ислохотлар жадал амалга оширилмоқда. Тармоқда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, паст рентабелли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш, экиндан бўшаган майдонда юқори даромадли ва экспортбop маҳсулот етиштириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифага айланган. Хўжалик юритишнинг замонавий услуби, илғор шакли, жумладан, турли ихтисослашувдаги кластерлар, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ташкил этиш йўлга қўйилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, рақамлаштириш технологияларини қўллаш ва соҳада самарали бозор механизмини яратиб бўйича ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Шу йўлда 2017-2020 йилларда қишлоқ хўжалигига оид 13 қонун, Президентимизнинг 17 фармони ва 81 қарори, ҳукуматнинг 134 та қарори ҳамда 6 янги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат амалиётга жорий этилди.

Таъкидлаш жоиз, истиқлолимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган «Ветеринария тўғрисида»ги, «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги, «Уруғчилик тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги қонунлар жамиятдаги бугунги ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда янги таҳрирда қабул қилинди.

Маълумки, мамлакатимизда йиллар давомида ирригация ва мелиорация ҳолати ёмонлашуви оқибатида жуда катта миқдордаги ер майдони фойдаланишдан чиқиб кетган эди. Бу ерларни босқичма-босқич қайта фойдаланишга киритиш, ер ости сув захираларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жо-

рий этиш, салоҳиятли инвесторлар иштирокини таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан, Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатга кўра, 2020-2030 йилларда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган 1,1 миллион гектар ерни муомалага киритиш белгиланди. Қисқа муддатда амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар натижасида ўтган икки йилда жами 161 минг гектар ер қайта фойдаланишга киритилди.

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси» қабул қилиниши соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этди. Мазкур



ҳужжатда соҳани ривожлантиришнинг 9 устувор йўналиши, қисқа ва узоқ муддатли ислохотларни амалга ошириш тамойиллари белгилаб берилган.

Ушбу вазифалар ижросини ташкил этиш ҳамда соҳани бошқаришни тизимли мувофиқлаштириш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тузилмаси такомиллаштирилди. Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари билан қишлоқ хўжалиги вазирининг қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, ер мониторингини амалга ошириш ҳамда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича вазир ўринбосари лавозимлари жорий этилди, бир нечта бош бошқарма ташкил қилинди.

2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигида амалга оширилган муҳим ислохотлар сифатида бозор муносабати соҳага тизимли жорий этилиб, ишлаб чиқаришнинг замонавий ва самарали усули бўлган агрокластер ва кооперация тизими йўлга қўйилди.

Айни пайт республикада қарийб 1,5 миллион гектар майдонда жами 357 агрокластер ва кооперация фаолият юритмоқда. Тузилмаларнинг 97 таси пахта-тўқимачилик, 64 таси ғаллачилик, 152 таси мева-сабзавотчилик, 33 таси шолічилик, 5 таси доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган кластерлар, 11 таси пахта-тўқимачилик кооперацияларидир.

Пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари даромади ўсишини таъминлаш, давлат харидидан воз кечиш ва бозор механизми орқали тартибга солиш, етиштирилган маҳсулот қийматини талаб ва таклиф асосида шакллантириш мақсадида жорий йилдан бошлаб давлат томонидан пахта ва дон етиштириш режаси ҳамда харид нархини белгилаш амалиёти босқичма-босқич тўлиқ бекор қилиниши белгиланган.

Сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш мақсадида пахта майдонлари ҳамда янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхона хўжаликларига сув тежовчи технологиялар ўрнатиш харажатиининг бир қисми давлат томонидан қоплаб берилиши амалиёти ҳаётга татбиқ қилинди. Масалан, бугунги кунда субсидиянинг базавий ҳисоблаш миқдори экин майдонининг ҳар бир гектарини томчилатиб суғориш тизими учун 8 миллион сўм, ёмғирлатиб суғориш тизими

учун 4 миллион сўм, дискрет суғориш учун 1 миллион сўм миқдорида белгиланган. Майдони 35 гектардан зиёд боғ ва узумзорларга сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуғи, шунингдек, дарё, канал ва бошқа турдаги сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциялари қуришга 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда субсидия ажратиш кўзда тутилган. Натижада 2019 йилнинг ўзида қўшимча 33,2 минг, 2020 йил 10 ойи давомида эса 45,8 минг гектар майдонда сув тежовчи суғориш технологиялари ўрнатилди.

Юқорида қайд этилган тизимли тадбирлар қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштирувчиларнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлашга, озиқ-овқат хавфсизлигини мус-



Шухрат ТЕШАЕВ, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари

таҳкамлашга, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини оширишга, соҳага давлат аралашувини камайтиришга хизмат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилиш, паст рентабелли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2016-2020 йилларда жами 307 минг гектар суғориладиган экин майдони қисқартирилиб, 89,8 минг гектар ерга сабзавот, 23,3 минг гектар ерга картошка, 51,1 минг гектар ерга озуқа экин-



лари, 20,2 минг гектар ерга мойли экинлар, 19,9 минг гектар ерга полиз, 47,6 минг гектар ерга дуккакли ўсимликлар, 4 минг гектар ерга шולי ва 3,7 минг гектар ерга бошқа экинлар экилди, 32,6 минг гектар ерда интенсив боғ, 14,8 минг гектар жойда тоқзор барпо этилди.

Амалга оширилган тизимли тадбирлар натижасида жорий йилнинг 10 ойида 10,2 миллион тонна сабзавот, 2,6 миллион тонна мева, 1,6 миллион тонна узум, 2,1 миллион тонна полиз, 2,5 миллион тонна картошка ҳамда 594 минг тонна дуккакли, мойли экинлар ва 225 минг тонна шולי етиштирилди.

Меҳнат фаолиятим давомида дунёнинг кўп-лаб мамлакатларида бўлдим, лекин ҳеч жойда ўзимизникидек ширин мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини учратмадим. Бошқача таърифласам, бизнинг тупроғимиз тоза, кўёшимиз тафти бошқача. Шунинг учун юртимизда энг ширин, экологик жиҳатдан энг тоза мева ва сабзавотлар етиштирилади. Демокриманки, маҳсу-

лотларимизни дунё бозорига чиқара олсак, ҳам мамлакатимизга эътибор кучаяди, ҳам маҳсулотларни етиштираётган деҳқонлар даромади ошиб, иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлади.

Сўнги йилларда Президентимиз раҳбарлигида бу борада ҳам жиддий ишлар олиб борилмоқда. Ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажми анча ўсди.

Мисол учун, 2016 йил 560 миллион АҚШ долларига тенг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, 2019 йил якуни бўйича бу миқдор 2,3 марта ошиб, 1,3 миллиард долларга етди. Жорий йил давлатимиз раҳбарининг «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилиниб, 155 фермер хўжалиги ва корхонага халқаро Global G.A.P. стандарти жорий этилди.

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда ер ҳайдаш, экиш, экинга ишлов бериш, ҳосилни йиғиб-тегиб олиш техникаси ва агрегати билан таъминланиш даражаси ҳамда мавжуд техника паркни доимий равишда янгилаб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб, сўнги 4 йилда қиймати 6,7 триллион сўмлик 38,5 мингта қишлоқ хўжалиги техника воситаси ва агрегати фермер хўжаликлари, агрокластерлар томонидан харид қилинди. Техника паркни янгилаш даражаси 2017 йилгача ҳар йили ўртача 3-4 фоизни ташкил этган бўлса, сўнги 3 йилда биринчи марта йилгача 10-12 фоизга етди. Шунинг ҳисобига чигит экиш мавсумини 25 кундан 15 кунга, ғалла ўриш мавсумини 30 кундан 25 кунга қисқартириш ҳамда шудгорлашни 25-30 кунда якунлаш имко-

ни яратилди, ҳосилдорлик 10-15 фоиз ошишига эришилди.

Яна шунини таъкидлаш ўринлики, 2019-2020 йилларда техника сотиб олувчиларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилиб, республикада ишлаб чиқарилган техникаларни харид қилувчиларга банк кредити ва лизинг бўйича белгиланган фоиз ставкасининг 10 фоизини, техника харид қилинганда техника қийматининг 15 фоизи ҳамда пахта териш машиналари хизматидан фойдаланганлик учун харажатларнинг 30 фоизини субсидиялаш механизми жорий этилди.

Бизда узоқ йиллар қишлоқ хўжалигида ўқиган кадрлар ҳамма нарсани ҳал қилавермайди, тажрибали деҳқонга суянишимиз керак, деган тушунча мавжуд эди. Олий маълумотли агрономдан маълумоти йўқ бригадирнинг фикри устун қўйилганга ҳам гувоҳ бўлганмиз. Тўғри, ўз ишининг устаси бўлган, умри далада ўтган деҳқоннинг тажрибасига суянамиз. Бинобарин, бугун

ҳеч бир соҳада, жумладан, қишлоқ хўжалигида ҳам етук кадрларсиз муваффақиятга эришиб бўлмаслиги кундек равшан. Шу боис тармоқда олий маълумотли замонавий, рақобатбардош кадрларга бўлган талабни қондириш мақсадида вазирлик тизимидаги олий таълим муассасаларига талабалар қабули сўнги йилларда қарийб 2 марта оширилди. 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб янги 12 таълим йўналиши бўйича бакалавр ҳамда 12 мутахассислик бўйича магистратура очилди.

Соҳада маъмурий-бошқарув тизимидан агро хизмат кўрсатиш тизимига ўтиш, «фан – таълим – ишлаб чиқариш» занжири интеграциясини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги тараққий топган АҚШ, Нидерландия, Чили, Исроил, Хитой ва Туркия каби давлатлар тажрибаси асосида Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар – АКИС тизимини жорий этиш бўйича стратегия ишлаб чиқилди. Ушбу стратегия доирасида келгуси йилнинг март ойида Тошкент ва Фарғона вилоятларида Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар марказлари фаолиятга йўлга қўйилиб, 500 дан зиёд турдаги агро хизмат кўрсатила бошлайди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси доирасида белгиланган барча вазифаларни амалга ошириш учун илк бор давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 11 августдаги Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 500 миллион доллар маблағ ажратилиши белгиланди.

Жорий йилнинг 2-4 ноябрь кунлари БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти – ФАО Минтақавий конференциясининг Европа ва Марказий Осиё учун 32-сессияси илк бор Ўзбекистонда ташкил этилди. Мазкур видеоконференция шаклидаги йиғилишда Европа ва Марказий Осиёнинг ФАОга аъзо 53 давлати, Еврокомиссия делегатлари, халқаро ташкилотлардан 400 га яқин вакил иштирок этди.

Йиғилишда мамлакатимизда пандемия шароитида озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини ҳал этиш бўйича олиб борилган тизимли ва самарали саъй-ҳаракат дунё миқёсида ижобий эътироф этилиб, Ўзбекистон тажрибасини бошқа мамлакатларда кенг тарғиб қилиш мақсадида қишлоқ хўжалиги вазири Жамшид Хўжаев БМТ ФАО ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий конференцияга 2022 йилгача раис этиб сайланди.

Аграр соҳада олиб борилаётган устувор илохотлар халқимиз фаровонлигини ошириш, иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, аҳолини барқарор нарҳда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, соҳа меҳнаткашлари моддий манфатдорлигини ўстиришга хизмат қилмоқда.

Аҳоли дастурхонини қишлоқ хўжалиги ходимлари етиштирган маҳсулотларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис Президентимиз барча соҳалар қатори бизнинг соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан декабрь ойининг иккинчи ярмида қишлоқ хўжалиги ходимлари куни этиб белгиланган. Бу йил тўртинчи марта соҳа ходимлари касб байрамини нишонлайди.

Шу куни йил давомида қилинган ишлар сарҳисоб қилинади. Энг қувонарлиси, ҳар йили Президентимиз соҳа ходимларига табрик йўллайди. Бу кўнгилларимизга ғурур бахш этиб, барчамизни янги-янги марралар сари чорлайди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, иқтисодиётимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминловчи кўплаб истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда. Хоразм вилоятида ҳам иқтисодий-ижтимоий соҳалардаги ўзгаришлар самараси аҳоли ҳаёт тарзида ўз ифодасини топмоқда.

Бутун дунёда давом этаётган пандемия ва глобал иқтисодий инқирозни ҳисобга олиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятини комплекс ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини кўтариш бўйича долзарб вазифаларни муҳокама қилиш, уларнинг ечимини ҳал этиш мақсадида 2020 йилнинг ўзида вилоятимизга икки марта ташриф буюрди.



АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ, УЛАРНИНГ РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Хоразм вилояти ҳокими Фарҳод ЭРМОНОВ вилоятда амалга оширилаётган ислохотлар, галдаги вазифалар ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди

Маълумки, кейинги йилларда барча давлат идораларида, ҳокимликлар фаолиятида «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғоя асосий мезонга айланди. Давлат хизматчилари, аввало, биринчи раҳбарлар кабинетда ўтирмасдан, жойларга бориб, аҳолини безовта қилаётган долзарб муаммоларнинг амалий ечими билан шуғулланмоқда.

Мен 2020 йил мобайнида 31 марта сайёр қабул ўтказдим. Ушбу жараёнда 1 минг 739 мурожаат қабул қилиниб, шундан 632 таси қаноатлантирилди, 886 тасига тегишли тушунтириш берилди ва қолган 221 таси ижро этилмоқда.

Йил якуни бўйича вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 22,8 триллион сўмга етиб, аҳоли жон бошига 12,1 миллион сўмни ташкил қилди. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 104,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш 103,5 фоиз, қурилиш ишлари 103,9 фоиз, инвестиция ҳажми 114,8 фоиз, чакана савдо айланмаси 100,1 фоиз, жами хизматлар 103,1 фоиз бажарилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аёллар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган жамғармаларга қарийб 15 миллиард сўм, «темир дафтар»га киритилган кам таъминланган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун «Саховат ва кўмак» жамғармасига 6 миллиард сўм ажратилди. Шунингдек, 333 уй-жойдаги 12,6 минг аҳолига берилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида иссиқлик таъминоти корхоналарида юзага келган зарарнинг ўрнини қоплаш учун иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчиларга 1,6 миллиард сўм миқдорида субсидия ажратилди.

Вилоятда ичимлик сув таъминотини яхшилаш, иссиқлик энергиясини узлуксиз етказиш тадбирларига 228,3 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги фармони асосида «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси ташкил этилган эди. Бу ерда 2 йиллик инвестор томонидан 274,2 миллион долларлик 3 лойиҳа амалга оширилмоқда.

Бугунги кунга қадар эркин иқтисодий зона ҳудудида 14 лойиҳа ишга туширилиши натижасида 790 янги иш ўрни яратилди. Ишга тушган лойиҳалар ҳисобига 138,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 1,8 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни ривож-

лантириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишда муҳим омилдир. Коронавирус пандемиясининг салбий оқибатига қарамасдан, қанчалик оғир бўлмасин, корхоналар фаолиятини тўхтатмадик, иш жойларини сақлаб қолдик.

2020 йил 1 декабрь ҳолатига вилоятда жами 17 минг 263 кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатаётгани, 4 минг 335 кичик бизнес субъекти янгидан ташкил этилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. 2 минг 528 корхона фаолияти қайтадан тикланди.

Вилоятда ишсизлик муаммосини ҳал этишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан, Урганч шаҳридаги маиший касб-хунар коллежи биносига «Ишга марҳамат» мономаркази ташкил қилиш ва 7 тумандаги 10 маҳаллада аҳолини касб-хунарга ўқитиш масканлари очиш кўзда тутилган. Мономарказни реконструкция қилиш ва замон талабларига мос ўқув марказига айлантириш билан бирга, ушбу мономарказ ва маҳаллалардаги аҳолини касб-хунарга ўқитиш масканларида, меҳнат бозори талабидан келиб чиққан ҳолда тикувчилик, қандолатчилик, аёллар ва эркеклар сартарошлиги, каштачилик, боғдорчилик ва иссиқхона ишчиси, пайвандловчи, қурилиш, пардозлаш ишлари устаси йўналишларида ўқувлар ташкил этилган.

2020 йил мамлакатимизда «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилиниб, бу борада катта ишлар қилинди. Вилоятимизда замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 101,8 минг рақамли, 157 замонавий телекоммуникация қурилмаси ўрнатилиб, станциялар сони 256 тага ва умумий сифими 157,4 минг рақамга етказилди.

Вилоят иқтисодиёти барқарорлигининг асосий омили, валюта захираларини кўпайтиришнинг йўли экспорт ҳажмини кескин ошириш эканлигини бугун ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар натижасида вилоятда йил якунлари бўйича экспорт ҳажми 173 миллион долларни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 136,2 фоиз ўсиши кутилмоқда.

Экспорт географияси 50 дан ортиқ давлатни қамраб олган. Асосий ҳамкорларимиз Россия, Қозоғистон, Қирғизистон давлатлари ҳисобланади. 2020 йилдан бошлаб АҚШга ҳам тайёр тўқимачилик

маҳсулотлари экспорти йўлга қўйилди.

Вилоятимизнинг шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси ўзгариб, одамлар турмуш фаровонлиги ошиб бормоқда. 2020 йил Инвестиция дастури доирасида 195 объект, яъни, 20 мактаб, 31 мактабгача таълим, 18 тиббиёт муассасаси, 18 ирригация ва мелиорация тизими ва бошқа объектлар реконструкция қилинди, мукаммал таъмирланди.

2020 йилнинг 11 ойи давомида 24 минг 694 доимий янги иш ўрни ташкил этилди. 47 минг 510 нафардан ортиқ фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди, 2 минг 727 киши меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга бепул ўқитилди.

Очиқ, аммо аччиқ бир ҳақиқатни ҳам тан олиб айтиш керакки, пандемия меҳнат бозорининг заиф жойларини аёвсиз очиб ташлади. Барқарор ишга эга бўлмаган одамлар – сотувчи, официант, ошхона ходимлари, юк ортувчилар, фаррошларнинг аксарияти ишсиз қолди.

Одамларни иш билан таъминлашда шахсий томорқалар катта аҳамият касб этмоқда. Бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилиб, камбағал оилалар томорқасига енгил типдаги иссиқхоналар қуриб бериш орқали улар бандлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Биринчи навбатда «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га кирган ҳамда чет элдан қайтган ишсиз фуқароларни доимий иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Вилоятимизда 3917 фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 1516 таси пахтачилик ва ғаллачилик, 99 таси сабзавотчилик, картошқачилик ва полизчилик, 773 таси мева ва узумчилик, 599 таси чорвачилик ва 930 таси деҳқончиликнинг бошқа соҳаларига ихтисослашган.

Бу йил аграр соҳада, фермер ва деҳқонларимиз, умуман, қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётида анча машаққатли ва синовли кечди, десак тўғри бўлади. Аслида, деҳқон учун қулай ва осон келган йилнинг ўзи йўқ. Айниқса, бу йилги мавсум ҳаммамиз учун ўзига хос қийинчилик ва мураккабликлар туғдиргани, ирода ва матонатимизни яна бир марта синовдан ўтказгани бор гап.

Қийинчиликларга қарамай, вилоятимиз ғаллакорлари Ватанимиз ғалла хирмонида 183 минг 264 тонна дон етказиб бериб, шартномавий режани ортиғи билан бажарди. Пахтачилик соҳасида машаққатли меҳнатлар эвазига 257 минг 228 тонна пахта ҳосили етиштирилди.

Чорва оила баракаси, дейишади. Чиндан ҳам, ҳовлисида битта соғин сигири бор рўзгорнинг дастурхони файзли, қўшимча даромади бисёр бўлади.

Шу боис мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш, бу борада тадбиркорликни йўлга қўйишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Мақсад – аҳолининг арзон, сифатли гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришдир.

Бугунги кунда вилоятимизда қорамоллар 968,7 минг бошга етган. Чорвачилик дастури асосида Германия, Австрия, Латвия ва Украина каби давлатлардан 3101 бош зотли қорамол, Россиядан 150 бош насли қўй ва Испаниядан 240 бош насли эчки олиб келинди.

2020 йил якуни бўйича гўшт ишлаб чиқариш 163,8 минг тоннани, сут ишлаб чиқариш 1084 минг тоннани ташкил қилади. Кўрсаткичлар яхши, албатта, лекин шу ўринда табиий савол туғилади: нега гўшт ва сут маҳсулотлари нархи тобора ошиб бормоқда?

Бунинг бир қанча сабаблари бор. Масалан, чорва молларини озиклантириш учун ажратилган ер майдонлари қорамол бош сонига мутаносиб эмаслиги, яъни, фермер хўжаликларида чорва нисбатан камлиги ёки айрим чорвачилик фермер хўжаликларида чорва умуман йўқлиги туман ҳокимларини ташвишга солиши керак.

Биржа савдоларидан омухта ем харид қилишда ҳам муаммолар бор. Хориждан келтирилган молларни белгиланган рацион асосида, тўғри озиклантиришга эътибор қаратилмаётир, уларнинг касаллигини аниқлаш ва даволаш бўйича малакали мутахассислар етарли эмас.

Аксарият хўжаликларида маҳсулдорлиги паст чорва моллари боқилмоқда. Гўшт маҳсулотлари етиштирувчи йирик бўрдоқчилик хўжаликлари деярли йўқ, қайта ишловчи қорхоналар билан ишлаш тизими яхлит йўлга қўйилмаган. Булар, табиийки, чорвачилик ривожига тўсқинлик қилмоқда.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида 106 маданият муассасаси, жум-

ладан 2 театр, 18 болалар мусиқа ва санъат мактаби ва битта ихтисослаштирилган санъат мактаби, 2 музей, битта кўзи ожизлар маҳсул кутубхонаси, 66 маданият маркази, 11 маданият ва истироҳат боғи мавжуд. Шунингдек, 36 бадиий ҳаваскорлик жамоаси, 19 мақом ансамбли фаолият юритмоқда.

Вилоятимиздаги 9 тарихий-маданий мерос объектида реставрация-таъмирлаш ишлари олиб борилди, сайёҳлар келадиган объектлар 60 тага етказилди.

Маданият ва санъат йўналишидаги турли халқаро фестиваллар, кўрик-танлов ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилиши вилоятимиз ёшлари истеъдодини юзага чиқариш, ўзбек санъатини жаҳон узра намойиш этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хоразмни Хивасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хива – вилоят туризми марказидир. Коронавирус пандемияси туризм тармоғига жиддий зарар етказди. Шунга қарамай, 2020 йил январь-декабрь ойларида 4 янги сайёҳлик компанияси рўйхатга олиниб, улар сони 2016 йилга нисбатан 5 барабарга кўпайди. 99 ўринли 4 янги меҳмонхона, 50 ўринга мўлжалланган 5 меҳмон уйи фойдаланишга топширилди. Жами меҳмонхоналар сони 161 та (шундан 70 таси меҳмон уйи)ни, ўринлар сони 4758 тани ташкил этди. Шунингдек, 5 янги туризм йўналиши ўзлаштирилиб, 19 янги объект ишга туширилди, 5800 ўринга мўлжалланган 48 замонавий ресторан, 8 йўл бўйи туризм инфратузилма объекти фаолияти йўлга қўйилди. Зиёрат туризми объектилари сони 8 тага етказилди.

Сайёҳлик объектиларига борувчи 36 километр йўл таъмирланди, 60 дан зиёд йўл кўрсаткичи ўрнатилди, 160 туристик автотранспорт воситалари келтирилди ва улар сони 203 тага етди. 2016 йил бундай автотранспортлар бор-йўғи 12 та эди.

Шу ўринда сайёҳлар учун яратилган яна бир қулайлик ҳақида гапирмасам бўлмас. Бугунги кунда вилоятимизда сайёҳларга хизмат кўрсатувчи 82 валюта айирбошлаш шохобчаси, 51 банкмат, 10499 тўлов терминали фаолият юритмоқда.

Хунармандлик соҳасида сайёҳлар учун иккита хунармандлик маркази – Хива шаҳрида Нуруллабой маркази ҳамда Янгиариқ кулчилик маркази ишламоқда.

Вилоятимизда амалга оширилган ижобий ишлар қаторида жиддий эътибор қаратишимиз зарур бўлган жиҳатлар ҳам мавжудлиги эртанги кун режаларимизга масъулият билан ёндашишни талаб қилади.

Таҳлилларга кўра, мамлакатимиз аҳолисининг саёҳатга чиқиш имкони бўлган 60 фоизга яқин қисми, вилоят аҳолисининг 30 фоиздан ортиғи Хоразмнинг тарихий қисми ва зиёратгоҳларини кўрмаган.

Хоразмда юксак зиёрат туризм салоҳияти мавжуд бўлса-да, Индонезия, Малайзия, Туркия, Эрон, Покистон, Бангладеш сингари мушумлон мамлакатлардан, Россиянинг Татаристон, Бошқирдистон, Доғистон, Чеченистон Республикаларидан ва қўшни давлатлардан зиёратчиларни жалб қилиш бўйича аниқ режа, таклифлар ишлаб чиқилмаган.

Мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналар билан ҳамкорлик ишлари ҳам тизимли ташкил этилмаган.

Пандемия сабабли музейларда сайёҳлар оқими кескин камайган бўлса-да, мавжуд музейлар комплекси экспонатлари ва янги экспозициялари ҳақида виртуал саёҳатлар ташкил этиш, интернет тармоғи ва хорижий нашрларда мунтазам равишда ахборотлар, янгиликлар жойлаштириб бориш ишлари кўнгилдагидек йўлга қўйилмаган.

Хунармандларга маркетинг борасида доимий кўмаклашиш, уларнинг маҳсулотларини электрон тижорат орқали сотишни йўлга қўйиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас.

Қисқача айтганда, вилоятимизда кишини қувонтирадиган, одамларни рози қиладиган анча ишлар қилинди ва бундай саъй-ҳаракатлар изчил давом этмоқда. Амалга оширишимиз зарур бўлган ишларимиз эса яна-да кўп. Бу ҳақда Президентимиз яқинда вилоятимизга ташрифи давомида алоҳида таъкидлади, улкан ва долзарб вазифаларимизни белгилаб берди. Эндиги мақсадимиз ана шу ишларни вақтида, тўла бажариб, одамларимиз турмуш даражасини ошириш ҳамда халқимиз розилигига эришишдир.

М.ШАМСИЕВА ва Б.ЭГАМҚУЛОВ тайёрлади.

Аҳли вараода истангиз...

***Истаганлар бизни саҳрои балода истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти фанода истангиз.***

***Вомиқу Фарҳоду Мажнундеклар ул водий аро,
Бўлсалар пайдо, мени ҳам ул арода истангиз.***

***Юз аларнинг ишқича дарду балоу ғуссаға,
Толиб эл бошиға келган можарода истангиз.***

***Эйки, истарсиз саводу-л-важҳ фиддораидин,
Бохабар бўлмоқ мени юзи қарода истангиз.***

***Кўнглум ул зулф ичрадир зинҳор ишқим шарҳини,
Истаманг мени телбада, ул мубталода истангиз.***

***Нукта янглиғ ким вафо узра қилур котиб рақам,
Ишқ ўтининг доғини аҳли вафода истангиз.***

***Оғзи шавқидин Навоий йитти, они истар эл,
Ё адам даштида, ё мулки фанода истангиз.***

Кўнгли доим изланишда. Унда истак ва излаш майллари кучли. У ўзига ҳамдам соғинганда, дунёнинг талотўплари ва ғавғолари тўйдириб, қорин-қурсоқ ҳасратиди юрганлардан бир оз бўлсин-да кўтарилганда Ўзидан Ўзини излай бошлайди. Мана шу изланиш истагида у самолар қадар юксалади ва жамики инсониятнинг ибтидо ва интиҳоси, боқияси ва охирати учун куюнади. Ва элига муружаат қилади:

***Истаганлар бизни саҳройи балода истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти фанода истангиз.***

Дастлабки сўз сизга бежодай туюлиши мумкин: «истаган» эмас, «излаган» бўлса керак, деб тахмин қиласиз. Бироқ излаш ҳаракати билан истак майли бир эмас, «излаш»дан «истак»ка қайтасиз. Сизга ҳофизларнинг хонишидан ёд бўлган оҳангвор сўз тинчлик бермайди. Яна шаккоклик билан «балода» эмас, «балодан» деб юборасиз. Шунда ўзингизни тушунчангизга мослаб, бизни излаганлар бало саҳросидан изласин, дея маъно чиқарасиз. Бироқ Ҳазрат ғазали ўз сўзлари билан бутун. Бизни истаганлар – соғинч билан ёдга олмоқчи бўлганлар саҳройи балода (биз билан) бўлиб кўринг – шоир мантиқи сизни фавқулдда маънилар сари етаклайди. Нега «мени» эмас, «бизни» деярсиз яна. Исташ истаги ва топши саодати «мен»ни «биз»га айлантиради, энди шоирнинг беназир туйғуларига надим бўла бошлайсиз.

Иккинчи мисрадаги водийи ҳижрон тушунарлидай туюлади, бироқ дашти фано эса сизни бу борлиқ мавжудликдан йўқлик охирати сари йўналтиради. Яна зукколик қилиб, «фано» – муваққат, ўткинчи. Дашти фано бу дунёнинг ўткинчилигига ишора эмасми, деган маъни топгандай бўласиз. Бироқ Навоийнинг маънилар хазинаси бизнинг фикримиздан-да чуқурроқ,

тахайюлимиздан-да кенгроқ. Тасаввуфий ғояларга кўра инсон комиллик сари юксалар экан, унинг-чун Фано дашти Илоҳ сари элтувчи йўл эмасмикин, дея ўйга толасиз. Навоийдан илҳом олган улуғ озарбайжон шоири Фузулий сизга кўмак бергандай:

***Чун бақо базминдадир дилдор мен ҳам турмазам,
Бу фано оламда базми васли дилдор истарам.***

Демак, ишаш истаги чин, ҳақиқий бўлса, шоир ортидан фано дашти сари йўлланасиз. Боринки, не машаққат-ла, Фано дашти ҳақидаги тушунчага етдик ҳам дейлик, унда ёлғиз «мен» борми? Ёки «мен»ни «биз» қилган бошқаларга дуч келсангиз:

***Вомиқу Фарҳоду Мажнундеклар ул водий аро,
Бўлсалар пайдо, мени ҳам ул арода истангиз.***

Ҳижрон водийсида шоир «биз»ини истаётганда Вомиқу Фарҳоду Мажнунлар пайдо бўлса, ажабланарли эмас, сиз ҳам зора ўзингиз улар орасида кўрсангиз. Бироқ яна шоирнинг грамматикага мос келмаган инверсияси сизни безовталантиради: нега «Мажнунлардек» эмас, балки «мажнундеклар»? Агар шундай бўлса, Вомиқу Фарҳоду Мажнун у ёнда, сиз эса, шоир мантиқидан маъни тополмай, бу ёнда қоласиз. Сиз истаган шоир «мен»и шаксиз у орасида. Бу кабилар орасидан шоирни истасангиз, улар ҳақиқатан ҳам муаллиф «мен»идан ишқ машрабларига айланган «биз» ҳосил бўлади. Шундай бошлангичда айтилган Истаганлар бизни саҳройи балода истангиз мисрасига яқин маъно топгандай бўласиз.

***Юз аларнинг ишқича дарду балоу ғуссаға,
Толиб эл бошиға келган можарода истангиз.***

Уларнинг ишқ йўлида чеккан юз дарду балою ғуссалари даражасида андуҳ чекмаган бўлишингиз мумкин, бироқ эл бошиға келган можаронинг ичида бўлишлик «мен»дан кўра «биз»ликнинг вазифаси эмасми? Яна бу толиб эл – талаб қилувчи, истовчилик истагида изланувчи эл. Бизни нафақат фано дашtidан, балки эл можаросида истангиз, биз доимо эл кўнглидамиз, унинг кўнгли можароларини ҳал қилмоқ истагида юрамиз. Оддий қорин-қурсоқ ғамида юрганлар эмас, балки толиб – талаб қилувчи эл бошида доим можаролар синади.

Шундай эл орасида бўлиш сизни ёки шоирни ишқ машрабларидан узоқлаштирамайди, аксинча, севгилиси васлига восил бўлиш истаги уни улуғ Илоҳ сари етаклайди, энди истаганларнинг истак доираси янада кенгайди. Бу юқоридаги бало ва ғуссалардан ҳам юз чандон ортиқ истак – дил, кўнгли истаги.

***Эйки, истарсиз саводу-л-важҳ фиддораидин,
Бохабар бўлмоқ мени юзи қарода истангиз.***

(давоми 17-бетда)

МУҚИМИЙ МЕРОСИ ТАЛАБАЛАР НИГОҲИДА

Олий таълим муассасалари томонидан адиблар ҳаёти ва ижоди, бой маънавий меросини ўрганиш, уларни кенг жамоатчиликка, жумладан, ёш авлодга етказиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилади. Пойтахтимиздаги Адиблар хиёбони адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантирилиб, мазкур масканда қад ростлаган ҳар бир адиб ҳайкали муайян олий ўқув юртига бириктириб берилди. Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан Муқимий ижоди ва ҳаёт йўлини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида бу ерда очиқ дарслар, турли маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Улуғ адиб ва шоирларимиз орасида Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ўзининг бетакрор маънавий мероси билан алоҳида ажралиб туради. Алломанинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш, узлуксиз маънавий тарбия концепциясини амалга ошириш, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини юксалтиришда улкан ва таъсирчан адабий-маърифий манба бўлиб хизмат қилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети адибнинг ҳаёти ва ижодини илмий тадқиқ қилаётган олимлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Республика Маънавият ва маърифат маркази, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри, Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти шулар жумласидан.

Университет томонидан Муқимий стипендияси ташкил этилди. Мазкур стипендия Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг бакалаврият 1-3-босқич ва магистратура 1-босқич талабаларига Муқимий адабий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишдаги фаолияти учун муайян талаблар асосида берилади. Махсус стипендия талабаларга ҳар йили бир ўқув йили учун белгиланган миқдорга қатъий риоя қилинган ҳолда тайинланади. Махсус стипендия миқдори Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 январдаги 59-сон қарори 2-иловасининг 2-бандига мувофиқ белгиланади.

Университет томонидан Муқимий кўкрак нишони ҳам таъсис этилди. Мазкур кўкрак нишони Муқимий адабий-маънавий меросини ўрганиш ва кенг жамоатчиликка тарғиб қилишга қўшган хизматлари учун тақдим этилади. Шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган «Энг яхши шеърий асар», «Энг яхши бадий асар», «Энг яхши анимацион асар», «Энг яхши сценарий муаллифи», «Энг яхши интернетдаги платформа муаллифи» каби ўндан ортиқ номинациялар бўйича ҳам ғолибларга берилади. Кўкрак нишони соҳибларига махсус гувоҳнома ва 1000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда 10 ойлик стипендия ҳам берилади.

Кўкрак нишон соҳиблари Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг магистратура босқичига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинади.

Муқимий адабий-маънавий меросини ўрганиш, кенг жамоатчиликка тарғиб қилишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган олимлар, шоиру ёзувчилар, муқимийшунослар, мутасаддилар ҳам ушбу кўкрак нишони билан тақдирланиши мумкин.

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан таъсис этилган Муқимий кўкрак

нишони билан тақдирланди. Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Муҳаммаджон Куронов ва Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри директори Мирза Азизовга мазкур нишон топширилди.

— Биз билан энг яқин ҳамкорлик қилаётган икки ташкилотни биринчилардан бўлиб Муқимий кўкрак нишони билан тақдирладик, — дейди университет ректори Қўнғиротбой Шарипов. — Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри жамоаси билан биргаликда илк кунлардан мазкур йўналишда иш олиб бораёмиз. Натижада Муқимийнинг янги қирраларини кашф этяпмиз. Янги қирралар нималардан иборат? Муқимий нафақат шоир, балки солиқчи, иқтисодчи ва тадбиркор ҳам бўлган. «Танобчилар», «Вексель», «Московчи бой» асарларини яратган. Бу асарларни чуқур ўрганиб чиқдик ва уларни биргаликда ташкил

этан «Талабалар театр студияси» орқали саҳнага олиб чиқамиз. Мазкур нишон билан тақдирланган Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳам фаол иш олиб бораёмиз. Муқимий яшган уй-хўжра атрофидаги маҳаллий аҳоли вакиллари, шу йўналишда иш олиб бораётган илмий тадқиқотчилар ва олимлар билан суҳбатлашиб янги маълумотлар тўпладик. Эндиги вазифамиз Муқимий саёҳат қилган йўналишлар бўйича экспедиция ташкил этишдир.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан Муқимий

номидаги Қўқон давлат педагогика институти билан ҳамкорликда «Муқимий – мангу яшар дилларимизда» номли маданий-маърифий тадбир ташкил қилинди. Адиблар хиёбонида бўлиб ўтган тадбирда профессор-ўқитувчилар, ёзувчилар, шоирлар, муқимийшунос олимлар, талабалар ва ТДИУ қошидаги академик лицей ўқувчилари иштирок этди.

Тадбир меҳмонлари Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти декани Зебо Қобилова ва муқимийшунос олим Қўлдош Пардаев университет билан ҳамкорликда Муқимий адабий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг илмий-оммабоп тизими бўйича бажараётган ишлари ҳақида маълумот берди.

Университет томонидан Муқимий ижоди ва унинг иқтисодий қарашларига оид илмий тадқиқотлар амалга ошириш, унинг асарларини хорижий тилларга таржима қилиш ва уларнинг аудио ёзувларини интернет тармоғига жойлаштириб бориш йўлга қўйилмоқда.

«Муқимий маърифати ва замон» мавзусидаги конференция ўтказиш режелаштирилган.

Университетда 5 муҳим ташаббус доирасида Муқимий ғазаллари билан айтиладиган кўшиқлар композициясини яратиш, университетнинг тиллар кафедрасига Муқимий номини бериш, университет худудида Муқимий хиёбонини ташкил қилиш ва у ерда шоир ижодига бағишланган мунтазам мушоиралар ташкил қилиш, талабалар учун Муқимий клубини ташкил этиш ишлари бошлаб юборилган.

Ойбек ҚЎШБОҚОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
матбуот котиби



ЗУККО НАВОИЙШУНОС

Илму ирфон йўлида беминнат хизматлари, тинимсиз заҳматлари билан ёрқин из қолдирган, ўз илмига амал қилган ҳолда бошқаларни ҳам маърифат манзилларига бошлаган зотлар вафотидан кейин ҳам эл-юртнинг ардоғида бўлади. Ана шундай табаррук инсонлардан бири – Шайх Қутбиддинхон Ургутийнинг вафот этганига қирқ йилга яқин вақт ўтган бўлса ҳамки, шогирдлар ва мухлисларнинг кўнглида муҳаббати порлаб турибди. Араб, форс ва туркий тилларни мукаммал билган, диний ва адабий илмларни пухта ўзлаштирган, тасаввуф тариқатининг шайхи сифатида жамиятнинг руҳий тарбиясига катта ҳисса қўшган бу зот Шарқ мумтоз адабиётининг нозик билимдони ҳисобланган. У кишининг файзиёб суҳбатлари ва сабоқларидан баҳраманд бўлган шогирдлар ва мухлислар касби камол этиб, илм-фан ва ижод бобида кейинчалик ўзлари ҳам устозлик мақомига эришганлар. Ғафур Ғулом, Эргаш Фозилов, Ботирхон Валихўжаев, Озод Шарафиддинов, Файбулла ас-Салом, Нажмиддин Комилов, Тўра Мирзаев каби миллатимиз ойдinлари Қутбиддинхон домлани ҳамиша эҳтиром ила ёд этиб, эъзозлаб юрганларининг ўзи бу кишининг юсак маънавий мақомларидан дарак бериб турибди. Қутбиддинхон Муҳиддиновнинг илмий-ижодий мероси ва у киши ҳақидаги хотиралардан таркиб топган «Зоти бобаракот» китобини («Тамаддун» нашриёти, 2020 йил) ўқиган киши бунга тўла ишонч ҳосил қилади.

Қутбиддинхон Муҳиддинов табаррук хонадонда – ургутлик Эшон Муҳиддинхон ибн Валихон хонадонидан таваллуд топганлар. Муҳиддинхон Эшоннинг ўғиллари кўп эди. Улар орасида 1906 йили таваллуд топган Қутбиддиннинг истеъдоди, илм-маърифати, обрў-эътибори алоҳида эди. 1917-1930 йилларда у аввал Самарқанд, кейин Бухоронинг машҳур мадрасаларида таълим олган. Ургутнинг Чорчинор мавзесидаги отаси қурдирган мадрасада отасидан, шунингдек, Худойберди Махсум, Асқархон эшон каби мударрислардан сабоқ олди. 1926-1930 йилларда отаси билан тасаввуфга доир масалаларда савол-жавоб, ёзишмалар олиб боради. 1937 йили колхозга аъзо бўлиб кириб, 1940 йилгача боғбонлик қилади.

Қутбиддин Муҳиддинов машаққатларга қарамай, араб, форс тиллари, тиб, мантиқ, тафсир ва адабиётшунослик фанларини мукаммал эгаллаб, олим ва шоир бўлиб етишади. Бобоси Валихон Эшон аъналарини очик бўлмаса-да, хуфиёна давом эттиради.

Бобоси оламдан ўтгач, унинг ишларини ўғли Муҳиддинхон давом эттиради. Совет тузуми илму маърифатга жаҳолат қалқонини кўйди. Бухорода мадрасалар ёпилди. Муҳиддинхон Бухоро илму маърифатини Ургутда давом эттиради. Чорчинор мадрасаси қошида 300 ўринли ётоқхона қуради. Мадраса беш йил фаолият кўрсатади. Бу ерда таълим-тарбия ишлари шу қадар мукаммал йўлга қўйилган эдики, «Бухорои шариф Ургутга кўчди», деган овоз тарқалади. Хожа Муҳиддинхон раҳмдил, саҳий ва нотик киши бўлган. Ота-бобосидан қолган бойликларидан мадраса аҳлини, чор-ночорларни едириб-ичириб, кийинтирган. Баногоҳ, мол-мулки тортиб олиниб, унга ёмон кўз билан қарай бошлашади. Шундан сўнг у Арабистонга кўчиб кетади, 1931 йил Мадина шаҳрида вафот этади. Қабри ҳазрати Усмондан тўрт қабр нарида.

Ургутда Нақшбандия сулуқининг янги ўчоғини барпо этган Эшон Валихонда Хожа Аҳрори Вали сингари ғайб илмидан хабардорлик, «увайсий»лик мужассам эди. Бу хислат Қутбиддинхон ҳазратларида ҳам бўлган.

1942 йилнинг 8 августда у «Советларга қарши фаолият юргизяпти», деган тухмат билан 10 йиллик



қамоқ жазосига ҳукм этилади. Қозоғистоннинг Оқбўта шаҳри қамоқхонасида, Оренбургда, Сибирь ўрмонларида бошқа мажбуслар қатори оғир меҳнатга мажбур қилинади. Бундай мушкул шароитда бетоб бўлиб қолгани сабабли шифокорлар тавсияси билан қамоқдан озод этилиб, Ургутга қайтади.

Афсуски, озодлик узок чўзилмайди. Ўтган асрнинг 50-йиллари бошларида юртимиздаги бир қанча таниқли олим, шоир ва адибларни ҳибсга олиш бошланганда Қутбиддин Муҳиддинов ҳам (1951 йил 27 ноябрда) қамоққа олинади. Унга яна советларга қарши тарғибот олиб борганлик айби қўйилади. Эртасига – 1951 йил 28 ноябрь куни уйда тинтув ўтказилади. Бир уйча, иккита кўй, бир сигир, гиламлар хатланади ва

домланинг рафиқаси Малика аяда вақтинча сақлаб туриш шarti билан қолдирилади. Тинтув пайтида 7 дона араб ёзувидаги китоб, 15 га яқин арабча мактуб, 1 дона Қуръон «аҳамяти бўлмагани» учун куйдириб юбориш йўли билан йўқ қилинган ҳақида акт тузилади.

Самарқанд вилояти судининг 1952 йил 17-19 май кунлари бўлиб ўтган мажлиси ҳукми билан унга 25 йилга қамоқ-сургун жазоси тайинланади.

Сталин вафот этгандан кейин 1954 йилнинг 26 июлида Қутбиддин Муҳиддинов СССР Министрлар Совети Раиси Георгий Маленков номига шикоят хати йўллайди.

Бу мактуб аввалига эътиборсиз қолдирилади ва Ўзбекистон ССР инқилобга қарши жиноят қилганлар ишини қайта кўриш бўйича комиссиянинг 1955 йил 20 апрелдаги мажлисидагина кўриб чиқилиб, 25 йиллик қамоқ жазоси 10 йил қилиб белгиланади. Кўп ўтмай, адолат тантана қилади: 1955 йил охирларида домла қамоқдан қутулиб, оиласига қайтади.

Тожикистондаги қадрдонлари воқеадан хабар топиб, катта билим эгаси Қутбиддин Муҳиддиновни Тожикистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига ишга таклиф этишади.

У ерда домла икки жилдлик «Фарҳанги забони тожики» луғатини нашрга тайёрлашда асосий тузувчи сифатида заҳмат чекади. Натижада бугунги кунгача форс-тожик тилининг энг мукаммал луғати ҳисобланган қомусий асар дунё юзини кўради.

Садриддин Айнийнинг маслаҳати билан Қутбиддин Муҳиддинов Тошкентга – Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига ишга ўтади. Бунда академик шоир Ғафур Ғулом беқиёс ёрдам кўрсатади.

Қутбиддинхон ҳазратлари 1961 йилдан бошлаб ЎзФА Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлади. Иш жараёнида Навоий асарларини ўрганиш билан шуғулланди. Ушбу даргоҳда Қутбиддинхон домла навоийшунослик фани ривожига улкан ҳисса қўшди.

1971 йил Мирзо Муҳаммад Маҳдихоннинг Алишер Навоий асарлари тилига бағишлаб ёзган «Санглоҳ» асари устида ишлаб, 65 ёшида номзодлик диссертациясини ёқлайди. Бу ишда Навоийнинг 12 назмий, 9 насрий асари грамматикаси чуқур илмий таҳлил қилинган.

Домла кўп жилдлик «Алишер Навоий асарлари тили изоҳли луға-



ти»нинг асосий муаллифларидан биридир. Академик Эргаш Фозилов масъул муҳаррирлигида чоп этилган бу луғат мукаммал фундаментал тадқиқот сифатида бугунги кунгача навоийшуносларимизнинг асосий таянч манбаси бўлиб келмоқда.

Олим «Хамса» дostonлари луғатини тўлиқ шарҳлаб чиққан. «Хазойин ул-маоний», «Лисон ут-тайр», «Мажолис ун-нафоис» асарлари луғатини тузиб, изоҳлаган.

Қутбий тахаллуси билан ижод қилган бу зукко таъб олим шеърятда ҳам ўз ўрнига эга ижодкор ҳисобланган. Зуллисонайлик аънанаси асосида ижод қилган Қутбиддинхон домла ўзбек ва тожик тилларида ёзиб, бу икки халқни кўз ва киприкдек бир-бирисиз тасаввур этиб бўлмаслигини тараннум қилган. Айниқса, Алишер Навоий ғазалларига боғланган мухаммаслари ўзига хос, дилтортарлиги билан ажралиб туради:

Ҳажр бемори учун васлинг эрур оби ҳаёт,
Чун Масих анфоси бизни ранждин бергил нажот,
Ишқ ўти ҳар лаҳза жоним қасдига ёнмишди бот,
Тийра кулбамга кириб, жоно, ўлумдин бер нажот,
Зулмат ичра Хизрға ул навъким оби ҳаёт.

Кўнглуминг ўйида акси офтобинг тушгали,
Қатраи гавҳар каби лаълинг хаёли тушгали,
Боғи уммедимга меҳринг моҳитоби тушгали,
Сода кўнглим ичра лаълингнинг хаёли тушгали,
Шишаедурким, анинг ичига солмишлар набот.

Менга хуршеди юзингни истамоқлик қилғоним,
Партави меҳринг эрур менинг гадолик қилғоним.
Ранжи тарёки юзунг деб ошнолик қилғоним,
Оразинг меҳрида оғзингдур гадолик қилғоним,
Ҳақ сени хуршид қилмиш, заррае бергил закот.

Орзуи васлинга тушдим ва лекин оҳким,
Васл боғига етолмай мунтазирмен, оҳким.
Шарқу хуршиди жамолинга боқармен оҳким,
Васл умидига тилар мен умр, лекин оҳким
Сенсизин юрсам тирикмен, ўлтурур мени уёт.

То менинг жонимга қасд этгай ўшал райҳонларинг,
Беибо саҳмин юборур тоб ила мужгонларинг.
Кўнглум ичра экти тухмин ҳар томон тугёнларинг,
То кўнгилин бош чиқормиш ҳар тараф пайконларинг
Қуш боласидек бўлубменким, бўлур темурқанот.

Ишқинг ошуби бошимга дамбадам қилғай ружў,
Кўнглуминг мулкин бузарга ҳар замон этгай шурў,
Ишқ йўлида нечук расволигим бўлғай шуюъ,
Истасангим ул қуёш чиққач санга қилғай тулўъ
Эй кўнгул, ғам сели етгач тоғдек тутгил сабот.

Шавқ сўзи тобини Қутбий агар этгай рақам
Ўт чиқиб ҳам қоғазу дафтар куяр, ёнғай қалам,
Ўтлу сўзлар тобидин кўнгилик аро ёқғай алам,
Ишқинг ўтин гар Навоий десаким, айлай рақам,
Сўзидин куёр қалам, қурур қаро, эрур давот.

Қутбиддин Муҳиддиновнинг Эски шаҳардаги ҳовлиси ҳамиша илм ва адаб аҳли билан гавжум бўлган. У кишининг маънавий ва моддий кўмагида Ғайбулло Саломов, Нажмиддин Комилов, Ҳасан Қудратуллаев, Эргаш Фозилов, Зиёдхон Ҳамидов, Исохон Носиров каби олимлар навоийшунослик фани ривожига муносиб ҳисса қўшдилар

Қутбиддинхон домлани академик шоир Ғафур Ғулом «пирим», «ҳазратим» деб эъзозлаган. Бу фариштасифат инсон шунчалар ёқимли, ҳалим сўзлар эдиларки, тинглаб тўймас эдингиз. У кишининг юксак инсоний хислатлари асарларига сингдирилганки, одамларни эзгуликка, маърифатга, дунёда яхши ном қолдиришга чорлайди.

Кичик бир мақолада Қ.Муҳиддинов фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олиш имконсиз. Умид қиламизки, навоийшунослик тарихи билан шуғулланадиган тадқиқотчиларимиз бу камтар ва зукко инсоннинг илмий фаолиятига муносиб баҳо беради.

Наргиза ШОАЛИЕВА

Алишера истангиз...

(бошланиши 14-бетда)

Эй сизлар, бу на кўнгилик истаги, бунинг важҳи сабабини билмоқ истасангиз, бу фиддорайн – икки дунё саодатини тилаган ошиқлик талабидир. Бундан хабар топиш учун аввал мен юзи қарони истангиз. Юзи қаролик – бадбахтлик эмас, тасаввуфда ранг, тимсол биз излаган маънодан-да кенгроқ бўлади. Туркийда қора – улғу, буюк маъносида. Икки дунё саодатидан баҳрамандлик осий бандани улғулик сари йўналтиради.

**Кўнглум ул зулф ичрадир зинҳор ишқим шарҳини,
Истаманг мен телбада, ул мубталода истангиз.**

Менинг кўнглим (бошқа ошиқлардан фарқли равишда) ул зулф ичрадир, бунинг сабабини мен телбадан эмас, мени мубтало этган сабабдан излангиз. Мубтало бўлган кўнгиликнинг телбалиги боиси унинг зулфи эмасми? Зулф тасаввуфда – бандлик тимсоли. Кўнгиликнинг Илоҳ ишқи билан бандлиги.

**Нуқта янглиғ ким вафо узра қилур котиб рақам,
Ишқ ўтининг доғини аҳли вафода истангиз.**

Вафо (و ا ف) сўзидаги нуқта, аслида биргина «фе»нинг белгиси эмас, балки мумтоз шеърятда хол рамзи ўлароқ жорийлашган (Фурқатнинг Нуқта лаб устида бежодир дедим, айди кулиб, саҳв қилмиш котиви қудрат магар таҳрирда байтини эсланг). Хол тасаввуфда белги, нишона. Эҳтимол, ошиқлик нишонасидир. Биз топган ожиз мантиққа кўра, ишқ ўти билан қалби оловланган ошиқнинг балки улғулик мартабасидир.

**Оғзи шавқидин Навоий етти, они истар эл,
Ё адам даштида, ё мулки фанода истангиз.**

Алишер Навоий унинг оғзи шавқидан, ўз лафзи туфайли унга эришди. Энди уни истамоқчи бўлганлар – ҳамма, яъни «биз» ё адам даштида – йўқлик саҳросида, ё ...

Дарвоқе, адам (арабча: ا د م – йўқлик, ҳеч) тасаввуф адабиётида мосуво, зулмат, ботил сўзлари билан ҳам англатилади. Адам икки хил: мутлақ ва мумкин. Мутлақ адам йўқ, мумкин адам бўлмаган, аммо бўлиши мумкин адамдир. Яъни илоҳий илмда бор, аммо ташқари оламда йўқдир. Мумкин адам эса Ҳақ тажалли этадиган ойнадир. Ҳақ йўқлик ойнасида зуҳур этилади, борлиқ Ҳақнинг тажаллисидир. Модда, борлиқ ва махлуқлар ўз аслларига ва зотларига қайтишига кўра мумкин адамдир, у Ҳаққа кўра бор бўлиб, борлигини Ҳақдан олган. Шунинг учун ҳам адам даштида Навоийни иташ, мулки фано – ўткинчи маконда иташдан кўра саодатлидир. Шунинг учун ҳам матлаъдаги «дашти фано» мулки фанога айланмоқда.

**Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор**



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор XX аср ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан. Асқад Мухтор (1920-1997) шоир, носир, драматург, таржимон сифатида ўзбек адабиёти хазинасидан муносиб ўрин олган асарлар яратди. Унинг «Опа-сингиллар», «Туғилиш», «Давр менинг тақдиримда», «Чинор», «Бухоронинг жин кўчалари», «Бўронларда бордек ҳаловат», «Жар ёқасидаги чақмоқ», «Дарёлар туташган жойда» каби қисса ва романлари, «Мардлик чўққиси», «Самандар» сингари пьесаларида ўша даврнинг долзарб масалалари кўтарилган. Бу асарлар ўқувчини ўйга толдиради, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатлари ҳақида фикр юритишга чорлайди. Асқад Мухтор асарларида ифодаланган айрим муаммолар ҳамон долзарблигини йўқотгани йўқ. Жумладан, Орол муаммоси бугун нафақат минтақамиз, балки жаҳон миқёсидаги масалага айланган.

Асқад Мухтор шеърлари тилининг содда ва равлонлиги, фалсафий мушоҳадаларга бойлиги билан ўқувчи қалбини забт этади.

Антик адабиёт вакили Софоклнинг машҳур «Шоҳ Эдип» фожеаси Асқад Мухтор таржимасида Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма (ҳозирги Миллий театр) театрида сахнага кўйилди. Шоҳ Эдип ролини буюк актёри-миз Шукур Бурхонов ниҳоятда юсак маҳорат билан ижро этган. Спектаклни кўрган ҳар қандай томошабин йиғидан ўзини тутолмас эди. Асқад Мухтор таржимасида А.Пушкин, М.Лермонтов, Р.Тагор, М.Горький, А.Блок, В.Маяковский каби кўплаб шоирларнинг шеърлари ўзбек ўқувчиларининг маънавий мулкига айланган.

Асқад Мухтор ёш адибларнинг меҳрибон устози эди. Бугунги кунда ўзбек адабиётининг етук намояндалари бўлган кўплаб шоир ва ёзувчилар Асқад Мухтордай зукко, бағрикенг, меҳрибон устоз адибнинг шогирди бўлганидан фахрланади. Асқад Мухторнинг бу фазилати у Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби, «Шарқ юлдузи», «Гулистон» журналлари ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига муҳаррирлик қилган йиллари айниқса ёрқин намоён бўлди. Бугунги авлод устоз адибнинг беғараз хизматларини миннатдорлик билан эслайди. Бинобарин, кўплаб устозлар шогирдлар тайёрлади, Асқад Мухтор шахслар – адабий шахслар тайёрлади.

Китобга, маънавият ва маърифатга эътибор кучайган бугунги кунда Асқад Мухтор асарларига эҳтиёжimiz янада ортмоқда.

Эркин АЪЗАМ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Бойсуннинг марказидаги чорраҳа аркида эртаю кеч «жағи тинмайдиган» бир радиоканрай бўларди. Бекорчи ёш-яланг кечқурунлари шунинг тагида писта чақиб «дунёнинг тақдирини ҳал қиларди». Талабалик кезлари таътилга борганимда бир оқшом мен ҳам ўшаларга кўшилиб, пойтахт ҳаётдан ахборот бермоқда эдим, радиода «Шеърят кечаси» бошланиб қолди.

Ўқилаётган шеърлар одатдагига ўхшамасди – гўё доно бир одам кўнгил кечинмаларини, мулоҳазаларини оҳанжамага ўрамасдан сокин бир тарзда нақл қилмоқда. Сўзлар содда, ҳатто жуда содда – шеърбоп эмас.

Бутпуялларнинг

Қайдан қайгача у, менинг ҳаётим? Асқад Мухтор

Аммо шу қадар ҳаётий, ҳаққонийки, беихтиёр сеҳрлаб кўяди. Ҳалигина билафонлик қилаётган одам мум тишлаб қолдим. Худди шундай ҳолатга тушиб шеър тинглаётган жўралар менга саволчан тикилади: ким, қайси шоиринг бу? Овоз таниш, жуда таниш, шу қадар юракка яқин, кадрдонки, баайни болалиқдан бу оҳанглари тинглаб ўсгансиз, баайни ҳикматларга кон мўйсафид бобонгиз бошингизни силайтуриб ҳасратли бир кўйда арзу ҳол этмоқда.

Дарвоқе, ким бу, қайси шоиримиз? Наҳотки, «адабиётни сув қилиб ичган» мендек одам билмасми?!

Ўша дақиқаларда бу овоз эгаси бир куни келиб мени ҳифзу ҳимоятга олишини, у кишидан кўп сабоқлар, кўп меҳр кўришим ва оқибатда бир умр ихлос ва эҳтиром қилиб юрадиган устозимга айланишини ҳаёлимга келтира олармидим?..

Саккизинчими, тўққизинчи синфда ўқирдим. Туман кутубхонаси «Туғилиш» романига бағишлаб китобхонлар конференцияси ўтказадиган бўлди. Маърузачи – энг фаол китобхон ҳисобланган камина. Анжуманда ўша кунлар таътилда юрган ҳамшаҳар ёзувчимиз Шукур Холмирозев ҳам иштирок этишини эшитиб баттар қалтироқ босади. Йўқ, биппа-бинойи минбарга чиқиб, бир соатлар мобайнида романнинг мазмунини бошдан-оёқ айтиб бердим. Сўзимни тугатар-тугатмасимдан мактабимиз партия ташкилотининг секретари – адабиёт муаллими сиёсий ҳушёрлик қилмоқчи бўлдим, «Романнинг ғоявий мазмуни нимадан иборат, шуни айтинг бизга», деб қолди. Эсанкираб атрофга алангладим. Энсаси қотган шекилли, Шукур ака ўтирган жойидан луқма қилди: «Мазмунини эшитдингиз, ғояси ҳам шунинг ичида! Асарнинг номи айтиб турибди-ку – «Туғилиш».

Ҳукмфармо партиялар ўтди, ғоявий талаблар ўтди – «Туғилиш» ҳануз ўқилади. Умидилла деган синфдошим ҳамон ўша романхонликни эслаб, «Зўр китобни айтиб бериб эдинг-да, ҳозиргидай ёдимда, жуда таъсирли эди», деб кўяди. Мен унга ўзимнинг китобларимдан дастхат билан совға қилганман. «Жўра, хафа бўлмайсан-у, бир бетини ўқисан, уйку босади, – дейди у. – Ҳув, айтиб берган китобинг зўр эди».

Илк талабалик йилларим эди, қишки таътилда уйга бормай, ғоявий мазмунга ишқибоз ўша ўқитувчиларимни назарда тутгандек, «Кечирасиз, ўртоқ муаллим!» деган бир қисса ёзиб ташладим. Машинкадан чиқаргач, ҳадиксирай-ҳадиксирай ҳамшаҳар-ҳамхонам Неъмат Қурбонга ўқишга бердим.

Неъмат Қурбон мандан уч-тўрт ёш катта, санъатшуносликка ўқир, ўзбек адабиёти билан унча иши йўқ, нуқул «Юность», «Дружба народов» журналларига қизиқар, ўзининг ҳам бир-икки ҳикояси «Ленин учқуни»ю «Шарқ юлдузи»да чиққан пўримнамо, «культурний» йигит эди. У мен тирмизакни кўпам менсийвермас, ёзиб-чизиб юришимга ҳам беписанд қарар эди.

Неъмат Қурбон қиссани ўқиб бўлдию индамай кўчага чиқиб кетди, ҳаял ўтмай бир шиша вино кўтариб келди. Икковлон ўтириб янги асарни «ювдик». «Буни «Юность»га юбориш керак! – деди тажриба-кор ҳамхонам бир маҳал мени ҳанг-манг қилиб. – Афсус, бизда таржима масаласи чатоқ-да. Ке, мен буни Асқад акага кўрсатай. Фақат шу одам тушунади».

Кейин, ўзининг айтишича, Неъмат Қурбон қиссани кўтариб бир-икки марта Ёзувчилар уюшмасига борган, лекин Асқад Мухторга

са, шеърлар кимсан Асқад Мухторники?! Хўп, кўрдим, ўқиб чиқдим ҳам дейлик, кейин нима?.. Гап шундаки, ўша кезлар ўзингиз бош бўлган нашрда асарингизни бостириш одобдан саналмас эди. Шунданми, бош муҳарриримиз журналга алоқадор жамики материални синчиклаб кўздан кечирар, таҳрир қилар, таҳрир қилганда ҳам бойитиб, ярқиратиб юборар, баъзиларини ўзи ёзиб берар, аммо минбаъд имзо кўймас эди. Расми шу. Бўлмаса, Асқад ака буни нега менга берди?

Шеърлар туркуми менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Ҳолбуки, биз – шартаки «гулистон»чилар унча-мунча нарсани тан олмас, манаман деган асардан ҳам бирор нуқсон топиб, уни муаллифга, ким бўлишидан қатъи назар, тап тортмасдан айтиб ташлайверар эдик. Таҳририятда шундай бир руҳ ҳукмрон эдики, раҳбариятга хушомад эмас, рўйхотирсиз айтилган дадил фикр кўпроқ қадрланарди (қаранг, ўша йилларда!).

Туркум Асқад аканинг «Собирман», «Янгам», «Аяжонимиз» каби кейинчалик машҳур бўлиб кетган шеърларидан иборат эди. Ҳаяжонимни ичимга сиғдирилмай, шеърларни кўтариб муаллифнинг эмас (ҳай-ҳай, нақд хушомад саналади-я!), бош муҳаррир ўринбосари Ваҳоб аканинг (Рўзиматов) олдига кирдим. «Шундай-шундай гап, домла, шеърлар жуда зўр, қойил қолдим, буларни нима қилай энди, нега менга бердилар ўзи?» Ваҳоб ака таъриф-тавсифларимни бир қадар совуққонлик билан тинглай туриб, «Ҳай, маъқул келган бўлса, келаси сонга тайёрлайсиз-да, оқаси», деди қуруққина. Баттар таажжубим ошди: «Ўзимизгами?!»

Ўша йили Асқад ака олтмиш ёшга тўларди, Ёзувчилар уюшмасида мазкур сана юзасидан Зулфия опа бошлиқ махсус ҳайъат тузилган, Ваҳоб аканинг айтишича, «Гулистон»да шеър эълон қилиш тадбири ана шу ҳайъатнинг қатъий қарори асосида амалга оширилмоқда экан.

Шеърларни мақтаб яна кўпира бошладим шекилли, Ваҳоб ака гапни қисқа қилиб «Бунчалик ёққан экан, ана, кириб ўзига айтинг, оқаси!» деди. «Ўзларига? Нима деб? Қандай?..»

Айтолмадим. Буни эшитса, қитмир хизматдошларим «Бош муҳаррирга ялтоқилик қияпти!» деб мени еб ташларди. Лекин шеърларни уларнинг ҳаммасига ўқитиб чиқдим, ҳаммаси бир овоздан тан берди: зўр, зўр шеърлар!

Орадан икки-уч кун ўтгач, Асқад акани қабулхонада холироқ учратиб, «Домла, шеърларингиз менга жуда ёқди, раҳмат» деб сўз бошлаган эдим, у киши эшитиб-эшитмай «Ҳа-ҳа, яхши» дедию гапни бошқа ёққа буриб юборди – «Иностранная литература» журналида чиққан аллақандай бир мақолани таърифлай кетди.

Ёзган асари ҳақида фикр эшитишга, айниқса, мактов эшитишга бу қадар лоқайд яна қайси адибни биласиз?!

буштунми



«Гулистон» журнали жамоаси. Устозлар ва шогирдлар. 1979 йил.

учрашолмаган. У киши гоҳ меҳнат таътилида бўлган, гоҳ Москвада пленумда.

Шу тариқа икковимиз ҳам бу ташаббусдан совидик. Бора-бора ёзганим кўзимга бирёқламароқдек кўрина бошлади. Бундай бўлмаганда ҳам мен, қишлоқи бир талаба Асқад Мухторга рўпара кела олармидим!

Кейинчалик билдим: бир иш чиқса-чиқмаса борсам бўлар экан – ҳарқалай, ютқазмас, кўп замон йўл қидириб улоқиб юрмас эдим.

Нега ўша йиллари янги чароқ бирор нима ёзган одам уни бошқа бировга эмас, айнан Асқад Мухторга кўрсатиб олмоққа ошиқарди?..

«Гулистон» журналида адабиёт бўлимида ишлардим. Бош муҳарриримиз Асқад ака бир куни хонамга кириб, кўлимга бир даста шеър тутқазди: «Шуни бир кўриб беринг». (Бошқа раҳбарларга ўхшаб у киши ходимларни хузурига чақириб ўтирмас, гапи бўлса, мана шундай ўзи кириб келаверарди. Умуман, машҳур «Гулистон» журнали, таҳририятдаги ғаройиб муҳит тўғрисида хизматдош биродарларимиз кўп ёзган, мен эса биргина воқеани эсламоқчиман.) Қарасам – ўзларининг шеърлари. Ҳайрон бўлдим: буни нега менга бердилар? Буларни «бир кўриб бериш»га менинг ҳаддим сиғармиди – шоир бўлмасам, қолавер-

Саксонинчи йили мен Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлдим. Осонлик билан, силлиққина эмас. Котибият йиғилишидаги қабул чоғи «номзод ҳақида ким гапирди, ким гапирди?» қилиб, Асқад акага сўз берилди. У киши гапни танқиддан бошлади. Мени бўшанглиқда, сустроқ фаолиятда айблади. Кейин, қутилмаганда бир осмонга кўтардики, у сўзларни айнан келтириш менга ноқулай. Асқад ака нима гап қилганини шундан ҳам билса бўладики, мажлис аҳли бир зум ҳангу манг бўлиб қолди. Сўнгра, чамаси, Асқад акага тескарироқ тарафдан ҳисобланган бир оқсоқолимиз тилга кириб, «Намунча, Асқад Мухторович! – деди. – Бу бола ҳали бир роман-поман ёзиб кўрсатмаган бўлса! Сиз буни ҳозирданоқ...» «Романни сиз ёзасиз-да, – деди Асқад ака бўш келмай. – Мен роман ёзиш ҳақида эмас, бу йигитнинг ёзувчилик салоҳияти ҳақида фикримни айтдим, холос!» Хийла тортишув бўлди. Мен бир ёқда қолиб, икки тараф ўзаро баҳслаша кетди – уюшмага аъзо бўлиш-бўлмаглигим хавф остида эди. Хайрият, учинчи бир тоифа – бетарафлар муҳокамага аралашиб, «Шогирди экан, кўлида ишлар экан, Асқад Мухторович яхши ниятда сал кўтариброқ гапирди, майли энди», дея муросага келтиришди.

(давоми 20-21-бетларда)

Бутпунарнинг бутпуни

(бошланиши 18-19-бетларда)

Мана, шу гапларга неча ўн йил бўлди. Менинг беш-ўнта китобим чиқди, бири – ўзимга маъқулроқдек, бошқаларга номаъқул, яна бирини ўзим хомроқ, бўшроқ ҳисоблайман, бошқалар эса, ёзган тузук нарсаси шу, дейди.

Энди устозимиз ҳаётда йўқ, сўрай олмайман: у киши ўшанда нимага асосланиб мени бу қадар таърифлаган экан? Яхши ниятда айтилган ўша сўзларни эсласам, ҳамон устознинг руҳи олдида хижолат чекаман, ўзимнинг ношудлигимдан куйиб кетаман. Нега ишонччи оқлаёлмадим, имкониятим етарди шекилли?..

«Гулистон»нинг 1979 йилги уч сонидида «Отойининг туғилган йили» босилгач, мен бир думалаб «машхур» бўлдим-қолдим. Бошда андак кескин, ғалатиноқ туюлдим, ўқиганлар унинг ютуғу камчиликлари қолиб, бунақа нарсанинг қандай чиққанига таажжубланишар, «Ҳа-а, Асқад ака зўр-да!» дея таҳсин айтишар эди.

Шундан сўнг бирдан бозорим чаққон бўлиб кетди. Мукофот оладиган ҳам мен, газетада мақталадиган ҳам мен, узоқ-яқинга ижодий сафарга, ҳар турли фестивалу анжуманларга юбориладиган ҳам мен... Босар-тусаримни билмай қолганим-ку йўқ, лекин туриб-туриб ажабланишим: наҳотки, шунчалик зўр бўлсам, ё бунда бошқа бир сиру сабаб бормикан?

Бор экан! Кейин-кейин орқаворатдан эшитиб қолардим: рўйхатларга мени аксарият бош муҳарриримиз Асқад Мухтор тавсия қилар экан. Лекин ишхонада муносабат ўша-ўша, бирон марта бўлсин, ҳой, фалончи, фалон жойга сени мен юборувдим ёки фалон рўйхатга сени мен қўшувдим, деган миннат-писанда йўқ. Худди ҳамма гапдан беҳабардек!

Бу меҳр, меҳрибонликларнинг сабаби нима, асоси бормиди – ҳали-ҳамон менга сир.

Дарвоқе, Асқад Мухтордан мурувват кўрган, баҳраманд бўлган бир менми?!

«Майда бўлманлар, майдалиқдан қочинлар». Устознинг мана шу ўгити маъзига энди-энди етаётганга ўхшайман.

Касалхонада даволанаётган эдим, бир оқшом ҳовлида тугунча кўтариб кетаётган Элдорни (Асқад аканинг кенжаси) кўриб қолдим. «Кимга келган экан?» деб суриштирсам – бир ҳафтадан буён домла реанимация бўлимида ётган экан. Ким билибди денг, ҳамма ўзининг дарди билан овора.

Реанимация бўлимининг мудирини билан гаплашиб, киришга рухсат сўрадим. «Вой, нима деяпсиз! У кишининг олдида ҳеч ким қўйилмайди». «Мен шогирдлариман. Ўзларидан сўраб кўринг, йўқ демаслар. Илтимос». «Устозингизнинг дарди оғир – инсулт. Лекин жуда бардошли, ажойиб одам эканлар, қулибгина ётибдилар».

Реанимацияга киргач, врачнинг айнан шу сўзларини эсладим. Асқад ака ҳақиқатан ҳам беозоргина жилмайиб ётардилар. Дард оғир, тил йўқ. Нуқул эғнимга ишора қиладилар. Ниҳоят англадим: «Сен бу ерда нима қилиб юрибсан? – демоқчи. – Меники-ку тушунарли, ҳарқалай, қилар ишимни қилиб, ёшимни яшаб кўйдим. Қолган гаплардан ўзинг хабардорсан. Аммо сен, ёш йигит, нимага касал бўласан?»

Шу аҳволда ётиб ҳам бировга меҳрибонлик қилиш... Умуман, бу инсонни қачон, қаерда кўрмайин, албатта бирон бир ҳикмат эшитганман, ибрат олганман десам, ишонаверинг.

Асқад аканинг дарди қайталаниб, яна касалхонага ётганида бир кўргани борганим эсимда. Келинлари бошларида қараб ўтирган экан. (Ўша вақтда кампирлари Роза опамиз ҳам оёқоғриққа йўлиқиб, юролмайдиган бўлиб қолган эди.) Яна тананинг бир томони фалаж, яна тил

йўқ – не-не дори-дармону махсус машқлар билан андак бийронлашган тил.

Бемор имо-ишора тили билан «энага» – келиндан блокноту қалам сўраб олиб, чап қўллаб нима-нидир чиза бошлайди. Узоқ машғуллик. Ниҳоят, блокнотдан йиртиб олинган қоғоз менга тегади.

Қоғозга тикиламону беморга қарайман. У бир қўллаб юзига фотиҳа тортган бўлади, кейин бемажолгина «хайр-хайр» қилади. Аммо руҳан алланечук хотиржам. Мен ўзимни тутиб туролмайман... Яхши кўрар



Асқад Мухтор Шуҳрат, Саид Аҳмад ва Раҳмат Файзий билан.

Инсоф, одамийлик, олов ва топоғонлик, тўғрилиқ ёруғ қалбиндан аримасин, дейман.

Асқад, ҳей, дунёда ҳалоллик бор бўлсин, Гирромлик ушоққа зор бўлсин, хор бўлсин.

МИРТЕМИР

Асқад кўп китоб ўқиган, кўп мушоҳада қиладиган мулло ёзувчи. Адабиётга оид илмий баҳсларда Асқад бир олимдек гап айта оладиган, фикри тиниқ ижодкор.

Саид АҲМАД

Асқад Мухтор узун ва баракали умр кўрди, ўлмас асарлар, ижодий мактаб, истеъдодли шогирдлар, маърифатли фарзандлар қолдирди, адабиётнинг жонкуяри, ташкилотчиси, арбоби ва заҳматкаши бўлиб ҳамиша ёниб яшади.

Асқад Мухторнинг ўзгаларга ўхшамаган нафаси бор эди. Ўзбек адабиёти осмонида Асқад Мухторнинг ўз ёруғ юлдузи бор ва бу юлдуз ҳеч вақт сўнмайди.

Эркин ВОҲИДОВ

эдим-да бу инсонни!

Қоғозга тобутнинг расми чизилган эди...

«Кадри Эркинжон! Саломат бормисиз?

Журналингизни кўрдим. Ҳавасим келди. Табриклайман.

Шу нарсани юборяпман Сизга. Кўрарсиз. Кексалик, бу ёғи хасталик, камуйиқ бўлиб қолар экан одам. Ушандай пайтларда хаёлга келган фикрлардан. Маъқул келса, яйратиброқ берарсиз – ораларини очиб, юлдузчалар билан ажратибми.

Ўзингиз билган одамлар ул-бул жойига тирғалса, «кечаги замон назарда тутилган» дегандай бирор ваз кўрсатарсиз.

Шу хатни ҳам чап қўлда зўрға эплаштирдим. Аввал денг, ҳарфларнинг алоҳида-алоҳида расмини солиб чиқаман, кейин бир-бирига уланади. Нимасини айтасиз!

Ёзясизми? Соғлиққа қаранг.

Омад тилайман.

Асқад Мухтор».

Бир вақтлар ажиб хушхат бўлган устозимизнинг кўли. Таниб бўлмайдиган даражада. Баъзи ҳарфлари тушиб қолган. Хўрлиги келади одамнинг.

Бу мактубни мен кўп кишига кўрсатдим, кўпларга ўқиб бердим. Бирор жойга ташлаб қўйишга кўнглим бўлмадим, негадир ирим қилибми, доимий ҳамроҳим – папкама солиб олдим. Қоғоз титилиб кетгунча, уч йилми-тўрт йил ёнимда юрди.

Асқад аканинг «Уйқу қочганда...» деб номланган «Тундаликлар»и «Тафаккур»да бекам-кўст эълон қилинди. Эълон қилиндию зўр адабий воқеага айланди. У шов-шувларни, таъриф-тавсифни айтинг! Мақола ёзганда ундан иқтибос келтирмаган шоиру адиб қолмади ҳисоб.

«Тундаликлар», моҳиятан, донишманд адибнинг юрак-юрагидан чиққан сара фикрлари, адабий-фалсафий қарашларининг қаймоғи, таъбир жоиз бўлса, устозимизнинг ижодий васиятномаси эди.

Журнал чиқишга чиқди-ю, кўнгил хижилроқ эди. Ўзимизга боғлиқ-боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, муаллиф ўтинганидек, асарни яйратиб, муносиб бир шаклга солиб беролмаган эдик.

«Тундаликлар»нинг давоми келгач, ана шу хижолатни ювиш учунми, ажабтовур қилиб муаллифимизнинг сиймосини чиздирдик, маттни йирик ҳарфларда тердириб, рамзий безаклар билан кўркамлаштирдик. Журналнинг нишона нусхаси чиққан куни уни кўтариб ёзувчи Неъмат Аминов иккаламиз Асқад акани зиёрат қилгани бордик. Таассуфки, у кишини кўриш имкони бўлмади. Оғирроқ аҳволда эканлар шекилли, уйдагилари кирмасликни маслаҳат беришди.

Асқад ака ўша журнални кўрдими, кўриб кўнгли киройи тўлдими,



Абдулла Орипов, Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов қашқадарёлик қаламкаш ва адабиёт мухлислари даврасида. 1969 йил.
(Сурат биринчи марта эълон қилинмоқда)

жиндак бўлса ҳам суюндими – буниси энди бизга қоронғи.

Ўша куни ҳаво намчил, эринибгина қор ёғар эди. Икки шогирд – Хайриддин Султон икковимиз устозни табриклагани бордик. Қўлимизда бир даста гул. Қарасак – эшик олдида «тез ёрдам» машинаси турибди. Тараддулланиб қолдик. Бир маҳал йўлакда адибнинг тўнғич ўғли Темур ака кўринди. «Кечирасизлар, йигитлар, дадам яна оғирлашиб қолдилар, касалхонага олиб кетяпмиз». Қўлимиздаги гулдастани қаёққа қўйишни билмасдик.

Шу тариқа сўнги туғилган кунда Асқад ака касалхонага тушди. Орадан кўп ўтмай эса вафот этди.

Одамзод нега бундай экан-а: тириклигида бировни ҳадеганда эспайвермаймиз, боши ёстиққа текканда йўқлаб боргани гоҳо вақт то-

полмаймиз – оламдан ўтганидан кейин эса, айниқса, марҳум номдорроқ бўлса, таърифини осмону фалакка етказиб, кўтариб-кўпиртириб хотиралар ёзамиз, гўё шу йўсин қарзимизни узган бўламиз. Аммо бефойда.

Менинг назаримда, Асқад Мухтор ҳаётлик чоғида ҳам, ундан кейин ҳам лозим даражада қадр топмагандек туюлади. Ваҳоланки, у киши, Саид Аҳмад аканинг таъбирича, «орамизда энг доно, энг мулло», ажиб новатор ёзувчи, бетакрор шоир эди. Бир ижодкорга етарли барча унвону мукофотларга муносиб кўрилган, собиқ Иттифоқдан тортиб чет элларда ҳам ном таратган улкан санъаткор эди. Лекин, ажабки, ўзича «адабиётнинг катта йўли шу бўлади» деб Эскишаҳар жинкўчаларида адашиб-улоқиб юрган унча-мунча жайдари «қўшиқчи»ларни кўпчилик яхши биларди-ю, Асқад Мухтор номи асосан адабиёт мухлисларигагина маълум эди. Нега бундай? Адиб ўзини ҳар ёнга урмагани, ўта маданиятли, камтарину камсуқум бўлгани учунми? Ё бунинг бошқа сабаблари ҳам бормиди? Балки, биз билмаган камчиликлари бўлган чиқар?

Ана шу сабабларни мулоҳаза қилиб кўриш бугун бизга тан. Токи бу сабаблар сабоқ бўлсин!

«Фоявийлик дедик, партиявийлик дедик... бизлар ютқаздик. Ёзганларимиз бугун ғариб кўринади. Энди келди чинакамига ёзиш даври. Сизлар ёзинглар энди...»

«Опа-сингиллар», «Туғилиш», «Давр менинг тақдиримда», «Чинор», «Бўронларда бордек ҳаловат», «Бухоронинг жин кўчалари» каби ажойиб адабий обидалару теран фалсафий шеърлар муаллифи бир гал бизга ўкинч билан ана шундай деган эди. Бундай мардона эътирофга нима дейсиз!

Дўрмондан ижарага чорбоғ олмакчи бўлганимда ўша кезлар ҳаёт бўлган Роза опамизу ўғиллари «Бизнинг боғимизни олинг, домлангизнинг чироғини ёқиб ўтира-сиз», деб қистаган бўлишди. Саид Аҳмад ака эса, «Олсанг, бошқасини ол, болам, – деб маслаҳат берди. – Асқадни яхши кўрардинг, биламан, ҳадеб кўзинга кўриниб кетаверади, тушларинга кираверади...» Кўндим. Аммо баъзида Дўрмон боғларини кезатуриб Асқад аканинг чорбоғларига кирман, у киши юрган йўл-йўлкаларга қарайман, у киши ўтқазган дов-дарахтга тикиламан – излари қолган, қўллари теккан...

Бир куни айланиб, яшаган хоналарига кириб қолдим. Дераза рафида ётган қандайдир китобга кўзим тушди. Олиб қарасам – «Қорақалпоқ қиссаси». Муқовалари тўзиб кетган, варақларида сиёҳ изи. Ўзиям бегона бир кимсага тегишлими, ичида сердавоғина имзо ҳам бор. Мен бу асарни мактабдалик давримда ўқиган эдим. Уйга олиб келиб қайта мутолаа қилишга киришдим.

Бу – адибнинг «назарногирроқ» асарларидан ҳисобланади. Ажабо, уни ўқиганим сари ҳайратим ошарди. Ширали тилию тиниқ тасвирларини кўрсангиз! Манаман деган қорақалпоқ ёзувчиси ҳам ҳавас қиладиган пишиқ-пухта асар. «Қизил»роқ ўринларини олиб қўйсангиз, қирқ-қирқ беш йил бурун ёзилган бу қиссадаги фожиавий ҳолатлар жажон адабиёти даражасидаги асарларга асос бўлгулик!

Қани эди, ижодий ҳасби ҳолингизда лоақал шундай бир асар бўлса!..

Асқад Мухтор халқимизни улкан чинорга қиёслаб роман ёзган эди. Биздек шогирдлари, мухлислари назарида у кишининг ўзи бир чинор эди. Мен умримда учратган бутун одамлар даврасининг бошида устоз Асқад Мухтор туради. Чин инсон Асқад Мухтордек яшаб ўтади. Чин адиб Асқад Мухтордек бўлади.

Қайдан қайғаға у, менинг ҳаётим?

МЕН ДУНЁГА КЕЛИБ ДУНЁ ОРТТИРДИМ

Гоҳо ўй сураман: нима бўларкин
Ўз зиммамга масъул иш олиб,
Ҳаётимни буткул тўкиб солсам
Бир парча қоғозга ишониб?

Бироқ уни ёзиб бўладими?
Хўш, мана—йилларим, аҳволим, зотим...
Ажрата бошласам «ўзимники» дея,
Қайдан қайғаға у, менинг ҳаётим?

Чегараси борми ўй ва ҳисларимнинг?
Узоқдаги юлдуз қалбга нур солар.
Биламан, албатта дилшикастаман
Ана у дарахтга болта урсалар.

Бугун ўйларимни безовта қилар
Узоқ космосдаги минг йиллик гардлар.
Қачон мени лоқайд қолдирган
Дахлсиз қувончлар, бегона дардлар?

Сочларимга оқ туширмадими,
Қалбга солмадими жароҳат
Заминда тикилган ҳар бир қора байроқ,
Маҳаллага келган ҳар бир қора хат?

Елкамда сезаман Бруноларнинг
Гулхан тафти каби ўт нафасини.
Ўйларимда суратлантираман
Келгуси асрлар қиёфасини.

Қайдан қайғаға у, менинг ҳаётим?—
Ўйламабман ҳатто энг оғир дамлар.
Қайғу ва қувончим кўп бўлди, аммо
Сизсиз улар йўқдир менга, одамлар.

Сиз биландирманки, бари ўзимники,
Чегараси йўқдир ўй-ҳисларимнинг.
Сиз биландирманки, йиллар ва диллар,
Қувончларим минг-минг, ташвишларим — минг.

Мен дунёга келиб дунё ортттирдим,
Ҳаммасини қолдириб кетарман.
Қалбни эса сўнгги ҳужайрасига
Ловиллатиб ёндириб кетарман.

КҮНГИЛ

Нимадир етмайди инсонга ҳамиша,
Озга қоникмайди, кўпга интилар.

Жасорати чексиз, доимо ташна,
Ерга сиғмагандай, кўкка интилар.
Шу инсон боласи жиндак ранжиса-чи,
Ё сўзда етмаса нафис малоҳат,
Бирон ноҳақликдан, бирон совуқликдан
Юрагига тушса жароҳат.
Бирон сабаб билан жонидан тўйиб,
Умидсизлик солганда соя,
Бундай пайтда кўп керак эмас,
Бир ширин сўз унга кифоя.



Шоира Зулфия ҳақида сўз.

УМР НЕГА ШИРИН?

Хавотирли, шошилинч, ширин илк бўса,
Борлиғимни титратган лаҳза!
Кейин ундайини тополмадим, аммо
Ҳануз юрагимда яшар шу ларза.
Қайта кўролмадим етим ҳаётимда,
Сира унутмадим бир онни лекин:
Устозимнинг қаттиқ кўзларида
Ота меҳрин кўриб йиғладим секин...
Бир қушча чурқ этиб, олам уйғонганда
Шабнам қатрасида кўрдим юзингни.
Сўнг бир умр кутдим, қайтиб келмади,
Бир умр изладим шу зумни.
Шундай ноёб, олтин лаҳзаларнинг
Қадрин билмас экан одамлар.
Ўтиб кетар экан, такрорланмас экан
Умрда ягона бебаҳо дамлар.
Ўтиб кетмаса-чи?
Бирдан тўхтаб бари
Музлаб қотиб қолса нима бўларди?
Йўғ-э, кимга керак музлаб қолган ҳислар!
Орзую пушаймон — бари ўларди...
Асли шундайлиги жуда оқилона,
Балки ҳаёт сири шунда яширин.

Балки такрорланмас бўлгани учун
Умр ҳам шунақа бебаҳо, ширин.

ЯПРОҚ

Очил бува юзга қўйди қадам.
Чинор чорлар уни, ёлғиз умрдош,
Фақат чинор унинг дардига ҳамдам.
Қолган ҳамма нарса, ҳатто водий ҳам,
Ундаги денгизлар, дарёлар ҳам ёш.
Турди, ҳар кунгидай, элдан илгари.
Ҳувиллаб ётарди кимсасиз гузар.
Ҳазонга бурканмиш сайхон чимлари.
Бува кўнглидаги ўйлар сингари
Кўкда паға-паға булутлар сузар.
Кеч куз, совуқ. Чинор яланғоч.
Шохлари қизларнинг сийнасидай оқ.
У тайёр, у кутар, у қишга муҳтож;
Фақат бир бутоқда, гўё ноиллож,
Қалтираб турибди ягона япроқ.
Бува, титраб оқ киприклари,
Тихилиб қолди, гўё ўз тақдирига.
Ёнида йўқ яшил, тириклари,
Узилиб учган минглаб шериклари,
Нега шафқат қилган шамол бирига?
Изғиринлар уни юлиб кетмабди.
Бу йилги баҳорнинг сўнгги мероси.
Аёзларнинг унга кучи етмабди,
Ҳамон илиниб турар.
Демак битмабди
Томирлардан келган ҳаёт шираси.
Бува илк бор сездди ғалати тўйғу.
Ёлғизлик... Сарик барг сал шитирларди.



Қўзининг оч шамоли кезарди ғув-ғув.
Изгиринда чолга чинорнинг мангу
Яшил шовуллаши эшитиларди...

ЕР

Ерга мен ўзимни жондош сезаман,
«Тупроқдан бўлган»им туфайли эмас.
Шунчаки, мен учун ҳамма нарсадан
Инсонга марҳамат ҳисси – муқаддас.
Ернинг ташвишлари битмас ҳеч маҳал,
Ҳаловат истасак биз ундан топдик.
Бир кифтин силкиса – гул, мева, асал,
Бир кифтин силкиса – қор, бўрон, софлик.
Истардим, инсон ҳам Ерга фақат дон,
Мурувват, саховат уруғин экса.
Ҳеч ким ўксимаса, ҳаммага етса
Кўк гумбаз остида тўкин дастурхон.
Назаримда, мен ҳам ерни деҳқондай
Ҳайдаб, ҳар қадамда маъно изладим.
Эҳтимол мендан сўнг бир томчи қондай
Ёнар марзаларда қолган изларим.
Ерга мен ўзимни қондош сезаман;
Тупроқдан бўлган»им туфайли эмас.
Шунчаки, мен учун ҳамма нарсадан
Инсонга марҳамат ҳисси – муқаддас.
Ҳатто, тўғри бўлар қалбдошман десам.
Тошни қайга отсанг ерга тушади.
Шунга ўхшаш, дўстим, кимга озор берсанг
Қалбим ачишади.

СОБИРМАН

Ҳаммасига секин-аста эришдим мен,
Муҳаббат ҳам келди ҳаяллаб.
Билим аста ортди, ақл кирди шошмай,
Тажриба ҳам келди амаллаб.

Ҳамма нарса аста-секин келди,
У-бу ишга энди қодирман.
Бардошим бор, ҳамма нарсани мен
Сабр билан кутдим – собирман.

Энди бу ёғи ҳам шундай бўлаверсин,
Одат бўлиб қолди секин-асталик.
Қариллик ҳам келсин секинроқ,
Шошмай қўя қолсин хасталик.

Ўлим қанча имилласа майли,
Қанча кутгил деса, ҳозирман.
Бир умр кутишга ўрганган одам
Энди шошармиди?! Собирман...

ДАРБАДАР

Юлдуз бўсасига Ер кўкси очиқ,
Абадий қовушган денгиз-ла осмон,
Ҳатто чақмоқ зулматларга ошиқ:
Фақат шамол ёлғиз, беошиён.
Фақат шамол ёлғиз, ерда дарбадар,
Фақат шамол ҳамон жуфтин излайди.
Дараларда изғиб, тунга нақадар
Озор берганини ўзи сезмайди.
Кезади тоғу тош, чангалзорларни,

Кимнидир қақирар ҳамон телбадай.
Дарғазаб юлқиниб, гоҳ зорланиб
Гоҳ нордай қутуриб, гоҳ елвагай,
Боғда, соҳилларда, қирлардан пастда
Сулувларнинг сочин сийпаб тарайди.
Ўтли сийналардан сирғалиб аста,
Хумор кўзларига тўйиб қарайди.
Яна кетади у, кимнидир истаб
Ва қўрқиб қалбларнинг ёнишларидан.
Бегона ётоқлар ҳидини искаб,
Мўралар дераза тирқишларидан.
У маскан тополмас маскан тарк этиб,
Руҳи ҳеч қаерга сиғмайди.
Кейин, Мажнун каби, саҳроларга кетиб,
Узоқ-узоқ ёлғиз йиғлайди.
У мингларни чорлаб ялинган эмиш,
Аммо қалбида йўқ ҳеч кимга вафо.
Шундан, у топилмас ишқнинг бедаво
Мангулик дардига чалинган эмиш.



АЯЖОНИМИЗ

Титраб янграр эди уфқлар тонгда, –
Гўзал куйлар эди аяжонимиз.
Булутлар тўлғанар эди осмонда,
Жажжи юракларда – ҳаяжонимиз.
Қуйни қари-қартанг мукка тинглаган,
Бунда ожиз эди ҳар қанақа сўз.
Уруш мўраларди қўлсиз энглардан,
Юпун хирмонлардан – бибарака куз.
Аям кўкка қушдай интилар эди,
Этагидан ушлаб дийдирардик биз.
Яшил кўсақларда мўлтилллар эди
Чала қолган куйдек болалигимиз.
Булутлар безовта эди осмонда,
Жажжи юракларда – ҳаяжонимиз.
Дадамизни эслаб шунда ҳар тонгда
Мунгли куйлар эди аяжонимиз.
Куй бўлиб учмоқни қиларди орзу
Дадамни бир кўриш қасдида.
Аммо қанотларин ёзолмасди у,
Чунки биз бор эдик қанот остида.

МАНГУЛИК

Ўзини денгизга бағишлаб, дарё,
Жилғалар ўлади.

Узоқ-узоқ янграб замонлар аро
Қўшиқлар сўлади.
Ёруғ ёниб,
Шон-шухратга қониб,
Юлдуз ўчади –
Йўқлик дунёсига кўчади.
Гоҳ ҳавас қиламан...
Лекин аслида:
Мен у ҳам бўлмасам,
Бу ҳам бўлмасам.
Табиатдай бўлсам: сўлсам-да фаслида,
Сира ўлмасам!

Биламан: йилларнинг оқими
Қонимни совутар қалбимда.
Лекин йилларимнинг асили
Бари бир – олдинда.

Ҳужайрамнинг ҳар бир бўлагида
Аждодлардан мерос қоним бор.
Саҳродаги қарвон йўлларида
Ёзилмаган эзгу қонун бор:
Олислардан келган ташна мусофир
Ногоҳ бир манзилда қудуқ топади.

Тўйиб ичгандан сўнг, геолог, шофёр,
Ирғай, ёвшан билан устин ёпади.
Токи қум босмасин қуюнлар келса,
То ямлаб кетмасин қуёш ёлқини.
Ундан кейин келган нотаниш кимса
Топсин қатраларнинг жонбахш салқинин.
Мен билишим керак, билишим керак,
Бир савол қалбимга ларза солади:
Аждодлардан мерос қонимдан бўлак,
Мендан издошларга нима қолади?

ЧАШМА

У кетди. Қишлоқнинг бўз болалари
Уни бир кўрмоққа ҳамон ташнаимиз.
Узоқ эмас чоғи кент оралари –
Бир кун чорлаб келди ойдин чашмаимиз.
Қайтиб кетар экан, чашма сатҳида
Юлдузлар безовта тебраниб қолди...
Турмаган эди-ку бу қиз аҳдида,
Нега чашмаимиздан яна сув олди?


ҚАЛБИМ НОЗИКЛАШДИ

Янги йилнинг яқин оппоқ туни
Болалар орзиқиб тунни кутади.
Ўтган йили учган нафис қор учқуни
Янги йил сарҳадин бузиб ўтади.
Болалар ҳовлиқиб янги йил кутади,
Менга эса йил кузатиш – ғам:
Қилт этиб узилган битта япроқ ҳам
Нақ қалбимга тегиб ўтади...

Ҳаёт шундай мўъжизаки,
Қанча жабрин тортсанг оз.
Ўлим эса унинг учун
Арзимас бождир, холос.

Наим КАРИМОВ,
академик

СЕРҚИРРА ИСТЕЪДОД СОҲИБИ



XX аср ўзбек адабиёти тарихига назар ташлаган киши адабиётимизнинг шу асрда улкан ижодий ютуқларни қўлга киритгани, янги-янги адабий тур ва жанрлар билан бойигани, турфа овозли, ранг-баранг услубли кўплаб истеъдодли адибларнинг бадиий ижод майдонида фаолият кўрсатганига гувоҳ бўлади. Шу даврда яшаб ижод қилган забардаст адиблар орасида ўз асарлари билан жаҳон адабиёти намояндлари сафидан ўрин олишга муносиблари оз эмас. Булар фақат Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир сингари адибларгина эмас, улар сафдошлари ва издошлари орасида ҳам шундай ижодкорлар борки, XX аср ўзбек адабиётини улар асарларисиз тасаввур этиш маҳол.

Иzzат Султонни шундай ижодкорлардан десак, хато бўлмас. Негаки, у XX аср ўзбек маданияти ва илм-фани тарихига драматург ва адабиётшунос олим сифатидагина эмас, балки мутафаккир ижодкор сифатида, қомусий билим соҳиб сифатида ҳам киради.

Одатда адабиётшунослар бадиий ижод билан камдан-кам шуғулланадилар. Ҳолбуки, аксар адиблар бадиий асар ёзиш билангина кифояланиб қолмай, илмий-назарий рисола ва мақолалари билан адабий-эстетик тафаккур тараққиётига ҳам ҳисса қўшадилар. Фитрат, Чўлпон, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулум, Шайхзода ва бошқалар шундай ижодкорлар сирасидан. Иzzат Султон ўзбек адабиётшунослик фани дарғаларидан бири бўлиш билан бирга драматург сифатида ҳам фаол ижод қилиб, ўзбек адабиётида шу адабий турнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди.

Иzzат Султон 1910 йили Ўш шаҳрида тараққийпарвар оилада туғилди. Ота-онаси ўнта фарзанд кўрган, аммо уларнинг аксари гўдаклик пайтидаёқ вафот этган. Тарихий давр гирдоби қолган фарзандларни ҳам ўз домига тортди. Иzzатулланинг жадидлар томонидан тарғибот ишларини олиб бориш учун «босмачилар» орасига юборилган катта акаси шоиртаъб Раҳматулла бўғизлаб ўлдирилди. (Айрим хотираларга қараганда, очликдан ўлган.) Ҳабибулла хасталикка чалиниб, ҳаётдан барвақт кўз юмди. Андижондаги ўрта ўқув юртларидан бирида муаллимлик, Комил Яшиннинг драматургияга

кириб келишида устозлик қилган Файзулла «Миллий иттиҳод» ташкилотига аъзо бўлганликда айбланиб, 1938 йилда ҳибсга олинди ва мислсиз азоб-уқубатларга дучор этилди. Отаси вафотидан сўнг етим, бошпанасиз қолган Иzzатулла дастлаб Ўшдаги болалар уйида тарбияланди, сўнгра Тошкентга келиб, Алмаий номидаги тажриба-ҳунар мактабида ва Ўқчи маҳалласидаги таълим-тарбия техникумида ўқиди.

Инсон ўз ҳаёти давомида қандай воқеаларни бошидан кечирган, қандай кишилар билан учрашган, ўз даврининг қандай момагулдиракли ёхуд қувончбахш воқеаларига гувоҳ бўлган бўлса, шу воқеалар, шу кишилар унинг «хотира фонди»ни бойитиб боради. Агар табиат унга адабий истеъдод ато этган бўлса, шу «хотира фонди» унинг ижоди учун муҳим ҳаётий манба бўлиб хизмат этади.

Адабий истеъдод куртаклари пайдо бўлгунга қадар Иzzат Султон Янгийўл туманидаги хўжалик мактабида ўқитувчилик қилди. 1930 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Миллий университет) нинг ижтимоий фанлар факультетига ўқишга кирди. Аммо орадан бир йил ўтгач, мазкур факультет тугатилди ва Иzzат Султон 1933 йилгача журналистика бўлимида ўқишни давом эттирди. Сўнгра Самарқандга бориб, «Батрак» газетасида масъул ходим бўлиб хизмат қилди.

Олим бўлиш учун ҳам, ижодкор бўлиш учун ҳам аввало қалам соҳиб бўлиш, ёзиш маданиятини мукамал эгаллаш зарур эди. «Батрак» газетасида журналистлик қаламини чархлай бошлаган Иzzат Султон 1934 йилда Низомий номидаги педагогика институтини экстерн йўли билан тугатиб, 1934-1937 йилларда Маданий курилиш институти (ҳозирги Тил ва адабиёт институти) аспирантурасида ўқиди, айни пайтда (1935 йил) «Қизил Ўзбекистон» газетасининг адабиёт ва санъат бўлимига мудирлик қилди. 1939 йили ўзининг илк саҳна асари – «Бургутнинг парвози» драмасини ёзди.

Иzzат Султон сингари турмушнинг машаққатли сўқмоқларидан ўтиб, адабиёт оламига кириб келган кишилар ижодига бугунги кун кўзойнаги билан қарасак, ғаройиб бир ҳолни кўрамыз. Улар ота-боболари ва яқин қариндошларининг шўро тегирмонида мажақланиб ташланганини ўз кўзлари билан кўрган бўлсалар-да, шўро даврини



шарафловчи, шу даврнинг «қаҳрамон»ларини тасвирловчи асарларни яратганлар.

Иззат Султон шу қалтис масала ҳақида фикр юритиб, «Талантнинг бирлаштирувчи қудрати» (1991) деган сўнги мақолаларининг бирида бундай ёзган эди: «Биз «интернационализм» деб аталмиш муқаддас ҳодисанинг жозибасига учиб, сталинизм истибдоди даврида интернационализм либосига бурканган шовинизмнинг мудҳиш қиёфасини кўрмай қолдик. Алдандик. Миллий манфаатларимизни мана шу «интернационализм»га қурбон қилдик. Натижада энг соф қалбли, халқимизга энг садоқатли фарзандлар бизнинг чин тараққиёт манфаатларимизни ифода этиб, мардларча майдонга чиққанида, уларни «халқ душманлари» деб эълон этганларни олқишладик, илғор зиёлиларимиз бўйнига ўз кўлимиз билан «тавқи лаънат»ни осиб қўйдик...»

Иззат Султон «халқимизнинг энг садоқатли фарзандлари» бўйнига «тавқи лаънат»ни осиб қўйишда иштирок этмаган бўлса-да, «интернационализм» деб аталган ҳодисанинг жозибасига учиб, Шимолдан келган шамолларга бағрини очди. Унинг илк пьесасидаги «бургут» Туркистонда шўро ҳокимиятининг ўрнатилишида, бинобарин, Туркистоннинг қонга ботирилишида фаол қатнашган кимсалардан бири Фрунзе эди. Бу ҳолнинг сабаби шундаки, биринчидан, улар шўро давлатининг ўқув юртларида таълим-тарбия олиш, шўро муассасаларида хизмат қилиш жараёнларида шу ерда олиб борилган сиёсий-ижтимоий муҳит ва тарғибот таъсирида шаклланган, иккинчидан, уларнинг ўз бошларидан кечирган ва ўзлари шоҳид бўлган ғожиавий воқеаларни эслашлари ва улар ҳақида ёзишлари ўз бўйинларига сиртмоқ илиш билан барабар эди. Шунинг учун ҳам улар шўро давлатининг дунёдаги энг инсонпарвар, адолатпарвар ва тараққийпарвар давлат эканлиги ҳақидаги эртатка ишонишга мажбур бўлганлар. Улар дунёқарашида тарих ҳақиқати тантана қилиб, коммунистик келажак ҳақидаги пуч ғояларнинг саробга айланиши учун СССР парчаланиши, Ленин ва Сталин сингари «доҳийлар» юзидаги ниқоблар олиб ташланиб, халқ уларнинг қонли башараларини кўриши лозим эди.

Шундай тарихий жараён бошлангунга қадар етмиш йилдан зиёд вақт ўтди. Бу бир кишининг ўртача умри. Афсуски, аксар ёзувчилар шу жараён бошланаётганини кўришга муяссар бўлмадилар ва улар яратган аксар асарлар тарих ғалбиридан тушиб қолди.

Иззат Султон ҳаёти шомиди «коммунизмнинг гул боғлари» сари шошиб кетаётган «қизил поезд»нинг ҳалокатга учраганини ўз кўзи билан кўрди ва ўзининг ҳам ижодий, ҳам илмий фаолиятида йўл қўйган хатоларини англашга улгурди. (Унинг қалби ва шурида рўй берган шундай эврилишлар «Қақнус» деб номланган сўнги саҳна асарида ўз тасвирини топди.) Аммо у айрим қаламкаш биродарларидан фарқли ўлароқ, ўз ҳаёти давомида шўро даври ғояларини четлаб ўтмаган ҳолда завола етмайдиган ишларни ҳам амалга ошириш имкониятига эга бўлди.

Шундай ишлардан бири ва балки, энг муҳими, Иззат Султоннинг Алишер Навоий мавзусига ҳам адиб, ҳам адабиётшунос олим сифатида ёндашганидир.

1941 йилда улуғ ўзбек шоири туғилган куннинг 500 йиллигини нишонлаш режалаштирилган эди. Шу муносабат билан 1938 йилда Навоий комитети тузилган ва шу комитетга жалб этилган машҳур олим ёзувчилар аниқ илмий ва адабий режа асосида қизгин иш олиб бораётган эдилар. Улар олдига қўйилган вазифалардан бири Навоий ҳақида адабиёт ва санъат асарларини яратиш эди. Шу йилларда адабий жараёнга раҳбарлик қилган Ҳамид Олимжон ташаббуси билан Уйғун ва Иззат Султон «Алишер Навоий» драмасини ёзишга киришди. Ҳамид Олимжон Ёзувчилар уюшмасининг ташкилий ишлари билан банд бўлганлиги ва хизмат сафарларидан ортмаганлиги туфайли бу асарни ёзишда қатнаша олмади. Уйғун би-

лан Иззат Султон драмани ўз вақтида ёзиб тугатди. Аммо мазкур пьесани саҳналаштиришдан аввал буюк шоир ҳақида кино асарини яратиш зарурати туғилди ва москвалик икки таниқли кинодраматург В.Шкловский билан А.Спешнев мазкур драма материали асосида «Алишер Навоий» киносценарийсини ёзишга киришди. Иззат Султон шу ижодий жараёнда москвалик кинодраматургларга яқиндан ёрдам берди. Хуллас, машҳур кинорежиссёр Комил Ёрматов суратга олган «Алишер Навоий» фильми шу даврдаги энг яхши тарихий-биографик фильм сифатида катта довруғ қозонди.

Мазкур фильм билан қарийб бир вақтда «Алишер Навоий» драмаси ҳам саҳна юзини кўрган. Иззат Султон ҳар икки асарнинг яратилишида нафақат буюк шоир ҳаёти ва даврини пухта ўрганган адабиётшунос олим, балки драматургия «сир»ларини эгаллаган ижодкор сифатида ҳам фаол қатнашди. Ҳам кинофильм, ҳам спектаклнинг томошабинлар ўртасида муваффақият қозониши Иззат Султонни янги-янги ижодий режаларга, янги-янги саҳна асарларини ёзишга рағбатлантириши мумкин эди. Аммо Иззат Султоннинг 1942-1943 йилларда Республика радио комитети раиси ўринбосари, 1943-1945 йилларда Тошкент бадиий фильмлар киностудияси директори, 1945-1948 йилларда Ўзбекистон Министрлар Совети раиси ўринбосари лавозимларида хизмат қилиши унинг дилидаги қутлуғ ижодий ниётлар рўёбга чиқишига монелик қилди. 1948 йили Тил ва адабиёт институтига директор этиб юборилгандан сўнг ҳам унинг вақтини кўпроқ илмий-ташкилий ишлар банд этди.

Иззат Султон 1949 йили «Алишер Навоий «Мезон ул-авзон» асарининг илмий матни» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлайди. 1950-1953 йилларда докторлик диссертацияси устида ишлаш учун Иттифоқ Фанлар академияси Шарқшунослик институтига юборилади. Олим докторантурада ўқишни тугатгач, Москва Давлат университетининг Қардош халқлар адабиёти кафедрасида ўқитувчи сифатида фаолият олиб боради. 1955 йили докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, Тошкентга биринчи ўзбек филология фанлари доктори бўлиб қайтади. Шу йили у ҳам Ёзувчилар уюшмасида котиб, ҳам Тил ва адабиёт институтида бўлим мудури вазифаларида хизмат қила бошлайди.

Ушбу сатрлар муаллифи 1958 йилнинг сўнги кунларида аспирантурани тугатиб, Тил ва адабиёт институтига ишга келган. Иззат Султон шу вақтда зиёлилар ҳаётидан олинган «Имон» пьесаси устида ишлаётган экан.

Кунларнинг бирида асар ниҳояланиб, спектакль премьераси яқинлашиб қолган бўлса керак, Иззат Султон мен хизмат қилаётган бўлимдаги Нинель Владимирова, Машхура Султонова олдига келиб, улардан премьераси учун қандай костюм тиктириш лозимлиги ҳақида маслаҳат сўради. У катта-катта лавозимларда хизмат қилгани, зўр-зўр тантаналарда иштирок этганига қарамай, тез таъсирланувчи, эмоционал-руҳий олами тез-тез порлаб ва портлаб турувчи киши эди. Унинг учун спектакль премьераси катта байрам эди. У шу байрамни муносиб кутиб олиш ва саҳнага янги либосда кўтарилиш завқи билан яшаётган эди.

Камина шу куни улкан олимнинг вужудида бокира боланинг юраги зарб бериб турганини кўрдим. Шу бола ўзининг бажариб қўйган яхши ишидан боши осмонга етиб, сафдошларидан ўзини бир поғона баланд ҳис эта бошлаган бўлса ҳам, ҳиссиёт фарзанди бўлганлиги учун хато қилиши ҳам, ҳатто ўзи ўйламаган ҳолда ноҳўя ишларга қўл уриши ҳам ҳеч гап эмас эди. Бу, назаримда, ҳақиқий ижодкор, шоирона шахс табиатининг ажралмас белгиларидан биридир. Камина Иззат Султон билан узоқ вақт ёнма-ён ишлаш жараёнида шу мушоҳадамнинг тўғри эканлигига кўп бор амин бўлганман.

(давоми 26-27-бетларда)



Отабекнинг жанозаси

Ҳикоя

Ҳурматли журналхон!

Этиборингизга ҳавола этилаётган ушбу ҳикоя таниқли адиб Хайриддин Султоннинг «Адабиёт» нашриётида чоп этишга тайёрланган янги тўпламидан олинди. Китоб ўттиз битта янги ҳикоядан иборат бўлиб, муаллиф уларни тўқиб чиқарган эмас, у фақат одамлардан эшитган ва бор ҳолида қоғозга туширган, холос.

Ҳассос шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг «Одамлардан тинглаб ҳикоя» деган машҳур шеърини сатри китобга ном қилиб олинган.

Ҳар бир қаҳрамон тақдирида ёнимизда яшаётган инсонларнинг тарихи ва қисмати, бахтию бахтсизлиги, қувонч ва қайғуси ўзининг бадиий ифодасини топган.

Эрталаб «Telegram»дан хабар келди: «Ўзбекистон халқ артисти Фалончи Фалончиев олтмиш беш ёшида вафот этди...»

«Э, Худо раҳмат қилсин, ёш эканлар ҳали», деб юзимга фотиҳа тортдим.

Бирпасдан кейин бир зукко одам «Facebook»да ўзига хос изоҳ қолдирганига кўзим тушди:

«Ўзбек санъатининг Отабеги ҳаётдан кўз юмди».

Нима учундир бу гап менга қаттиқ таъсир қилди. Ваҳоланки, мен артист-партист эмас, кичкина суғурта идорасида оддий бир гумаштаман, марҳум билан танишлигим ҳам йўқ. Бир марта «Ласетти»сини бизда суғурта қилдирганида кўрганман, раҳматли европача табиатли одамга ўхшарди, ўзбекчаниям қийналиб гапирарди. Лекин, холисона айтганда, Отабек ролини на кинода, на саҳнада бу кишидан ўтказиб ижро этган бошқа санъаткор йўқ, десам, адашмасам керак.

Одатдагидек, иш кўп, вақтим тиғиз эди-ю, азбаройи мухлислик, азбаройи Отабекнинг ҳурмати, шу инсоннинг жанозасига боришни ният қилдим.

Суриштириб билсам, соат ўн иккида уйдан кўтарилиб, пешинда Минор қабристонига жаноза ўқилар экан.

Соат ўн минути кам бирда қабристонга етиб келдим. Еру кўк халойиқ, кўчаларга машина сиғмай кетган, жанозага одам опкелган бир хил – яшил рангдаги ўттизтача «Мерседес» автобус қатор тизилиб турибди, ДАН ходимлари у ёқдан-бу ёққа югурган...

Беихтиёр тўлқинланиб, ғурурланиб кетдим. Қаранг, халқимиз ўзини, ўзлигини англаб боряпти! Миллий тимсолини, шу юртни деб шаҳид кетган Қодирийнинг Отабегини сўнги йўлга кузатиш учун шунча одам келибди-я! Ёшларнинг кўплигини айтмайсизми! Бўлмаса, иш куни, тушлик вақти, бундоқ тунонатни пул бериб ҳам йиғиб бўлмайди.

Шу пайт тобут ортилган машина ҳам келиб қолди. Дарвоза олдида ичкарига қараб саф тортган минг-минг одам, ҳурмат ва тавозе билан тобутни бир-бирига қўлма-қўл узатар, ҳамма бу улуғ савобга дохил бўлишга интилар эди.

«Жойи жаннатда бўлсин», деб ичимда пичирладим ва бир неча сония тобутга қўл

СЕРҚИРРА ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

(бошланиши 24-25-бетларда)

«Имон»да умрини илм оламида ҳалоллик билан кечираётган олим оиласида рўй берган фавқуллодда бир ҳолат тасвир этилган. Агар «Имон» драмасыни ўқисангиз ёки шу номдаги спектаклни томоша қилсангиз, асарнинг бош қаҳрамони – профессор Комилов учун Виждон бу – инсонни фоний умри давомида тўғри йўлдан етаклаб борувчи бирдан-бир Раҳнамо бўлганлигини сезасиз. Шўролар даврида динга қарши кураш баҳонасида шу Раҳнамонинг Имон деган исми ҳам қатағон этилган эди. Иззат Султон шу буюк тушун-

чани 60-йилларда биринчилардан бўлиб луғат бойлигимизга қайта олиб кирди ва ўз асари билан имони бут кишиларни алқаб, қалбини шу улуғ неъмат тарк этган кишиларни шафқатсизлик билан қоралади. «Имон» спектакли 60-йилларда ўзбек жамиятида кечаётган эврилишларга уйғун асар сифатида маданий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллади.

Шу йилларда ўзбек адабиёти ва театри тарихий ўтмиш мавзусига яна мурожаат этиш имконига эга бўлган. Агар бошқа драматурглар Беруний, Улуғбек, Нодира сингари тарихий сиймолар образини яратишга чоғланган бўлсалар, Иззат Султон, кутилмаганда, Намоз ўғри образига мурожаат этади.

Тарихдан маълумки, эл-юрт ўртасида Намоз ўғри лақаби билан машҳур бўлган киши ўз йигитлари билан бирга Самарқанд атрофи қишлоқларида мустамлакачилик зулмига қарши бош кўтариб, маҳаллий чор маъмуриятини ларзага келтирган. Иззат Султон Ўзбекистондаги миллий озодлик ҳаракати тарихининг шу қоронғи саҳифасига доир маълумотларни пухта ўрганиб, 1963 йилда «Номаълум киши» драмасыни ёзиб тугатди.



теккизиш бахтига мушарраф бўлдим.

Халқ севики актёрини – азиз Отабеги боши узра кўтариб, авайлаб-ардоқлаб, унга ўзининг сўнги, чексиз иззат-икромини билдирмоқда эди. Ана санъатга меҳр, ана санъаткорга оқибат!

Оломон ортидан аста эргашиб, ичкари-лаб боравердим.

Ҳар қадамда телевизорда, газеталарда суратлари чиқадиган казо-казоларга дуч келардим: вазиру вузаролар, ҳокиму депутатлар, формалию формасиз ҳарбийлар, энг юқори идораларнинг энг юқори амалдорлари, академиду профессорлар, кўчанинг одамлари, нуруний оқсоқоллар, ёш-яланг...

Қаранг, ғафлатда юраверган эканмиз, бу актёримиз, ўзи ҳам, бошқалар ҳам билмай, бутун халқнинг юрагидан шундоқ чуқур жой олган экан-а!

Миллатимиз халқ бўлиб ўзлигини намоён этаётган саодатли онлар эди бу.

Чамаси, икки-уч километр қўлма-қўл, елкама-елка узатилган тобут, ниҳоят, охири манзилига етиб келди. Қабристон марказидаги обод, хушхаво, ён-атрофи гулу райҳонларга бурканган, салқин бир жойда гўр қазилган экан, тобут ерга қўйилди. Йўлнинг икки чети бўйлаб бир шакл, бир рангдаги минглаб курсилар одамларга мунтазир тизилиб турибди.

Пешин ибодатини адо этиб келган аҳли уламо ўртага чиқди. Уларнинг ҳам ёши, ҳам мансаби улуғи жаноза намозига ҳозир бўлишимизни сўради.

Яна тўлқинланиб, томоғимга бир хўрси-

ник тиқилиб келди. Қаранг, бош имом ҳазратларининг ўзлари келибдилар-а! Ҳамма саф тортди, мен ҳам этакроқдаги қаторга бир амаллаб суқилиб кириб олдим. Азбаройи одам кўплигидан оломоннинг ярми мазор дарвозасидан ташқарида қолди.

Барака топкур ташкилотчилар шу томонини ҳам ўйлаб, микрофон ўрнатиб қўйишган экан, имом ҳазратларининг мулоийм овози тўрт томонга қараб таралди.

«Муҳтарам жамоат! – деб сўз бошлади у киши – Оллоҳ таоло ўзининг муборак каломида марҳамат қиладики, «Куллу нафсин заикатул мавт», яъни, ҳар бир жон ўлим шарбатини тотгувчидир. Мана, бугун барчамиз улуг инсон, қадрли биродаримиз, кўп йиллар элимизга, юртимизга садоқат билан, ҳалол-пок хизмат қилган... Эшқувват акамизни охират йўлига кузатиш учун жаноза намозига жам бўлиб турибмиз. Азизлар...»

Қулоқларимга ишонмай, ҳангу манг қотиб қолдим, ён-атрофга олазарак аланглай бошладим.

Имом ҳазратлари эса ҳамон марҳумнинг ажойиб сифатларини айтиб адо қилолмас эди.

«Муҳтарам Эшқувват акамиз кўп йиллар турли идораларда фидокорона ишлаб, бутун халқимизга танилдилар...»

Гангиб, нима қилишимни билмасдим. Жанозани бузиб, сафдан чиқиб кетиб бўлмас... Хайриятки, охират намози қисқа, бахтимга, тезгина тугади. Лекин савол қолди: бу сирли Эшқувват ака ким экан?

Оломон яна қудратли тўлқинга айланиб, қабр томон яқинлашиб келар, марҳум билан видолашиб қолишга зўр бериб уринар эди.

Қисиниб-қимтиниб, халойиқ орасидан амаллаб четга чиқдим. Сал наридаги қабрлар орасида эски бахмал дўппи, коржом кийган, челак кўтарган бир мўйсафид кўринди. Чамаси, мазорга қараб юрадиган қоровулми, фаррошми бўлса керак. Секин ёнига бориб салом бердим. «Отахон, билмайсизми, вафот этган киши ким экан?» – деб сўрадим.

Мўйсафид ишидан бошини кўтариб, «Кимнинг жанозасига келганингни ҳам билмайсанми», дегандек, менга ҳайрон бўлиб тикилди. «Анов... каттаконнинг қудаси-да»,

деди секин, худди биров эшитиб қоладигандек, кейин ҳаммага маълуму машхур бир одамнинг отини айтди.

Ҳа-а, мана энди ҳаммаси тушунарли.

«Бу ерда бундан бошқаям жаноза борми?» – деб сўрадим. «Хўв этак томонга боя бир майитни опкелишувди, ҳали жанозаси ўқилгани йўқ – домланинг бўшабини кутиб туришибди», деди чол.

Шоша-пиша ўша ёққа югурдим.

Бориб қарасам, мазорнинг энг чеккасида, кўпдан буён супурги тегмаган бир бурчақда ўзбек-ўрис аралаш ўттизтача одам тўпланиб турибди. Йўлнинг бир четида тобут, бошини оқ чит рўмол билан танғиб олган семиз гўрков ҳансираб, қабр қазиб ётибди.

Панжарага чўнқайиб, папирос чекиб ўтирган, беретка кийиб, елкасига катта сумка осиб олган соқолдор бир кишига яқинлашиб, «артист акамизни опкелдингларми?» – деб сўрадим. «Да, да, вот мулла ждём», деди у ва қўл телефонини олиб, рақам тера бошлади.

Ярим соатча кутиб ўтирдик.

Ниҳоят, қабр ҳам тайёр бўлди, Эшқувват аканинг дафн маросимидан бўшаган ёш, ҳали соқоли ҳам чиқмаган мулла биз томонга аста юриб келди, олақуроқ ғаройиб жамоатимизга ажабланиб қараб қўйди-да, жаноза намозига имомликка ўтди.

Туртиниб-суртиниб, сафга тизилдик.

«Ҳурматли жамоат! – деб сўз бошлади қори домла. – Қазои муаллақ, бугун мана шу кекса отахон бандаликни бажо келтирибдилар. Оллоҳ таоло муборак Қуръони каримда марҳамат қилиб айтадики...»

Беихтиёр кўзларимдан ёш тирқираб кетди. Чамаси, маъҳаднинг биринчи ё иккинчи босқич талабаси бўлган бечора қори домла ҳам менга ўхшаб, кимнинг жанозасига келгани билмас эди.

Шундай қилиб десангиз, «ўзбек санъатининг Отабеги»ни дафн қилиб, изимизга қайтдик.

«Ўзбек ойим қора кийиб аза очди».¹

**Қутлуғ Турсунбоев,
суғуртачи, 37 ёш**

¹ Абдулла Қодирий. «Ўткан кунлар».

«Номаълум киши» бевосита фуқаролар урушидан олдинги давр таассуротларим билан боғлиқ», - деган эди Иззат Султон шогирдларидан бирига ва куйидаги воқеани нақл қилган эди: «Ўшда Миржалолбой деган катта бир бой ўтган. Катта ҳовли-жойи, боғ-роғлари бўларди. Эсимда қолган воқеалардан бири шуки, унинг Тиллаҳон исмли гўзал қизи оғир касалга чалиниб, вафот этади. Ўша пайтда шундай бир одат бор экан-да! Бўйи етиб ўлган қизни эрга бермасдан кўмиб бўлмайди, деган... Ўша бой ўз хизматкорларидан бир йигитга: «Бир кеча чимилдикда ётасан», деган. Йигит чимилдикда ўлик қиз билан бир кеча ётиб чиққан. Эртаси куни қизни кўмганлар.

Бу нарса одамларнинг ғазабини кўзғатган эди... Бойнинг нонини еб, тузини ичиб юргани боис йигит хўжайиннинг раъйига қарши, ботиниб бир нима айта олмаган. Рози бўлган. Кейинчалик шу йигит инқилобий ҳаракатларда қатнашиб, «батрачком» (батрақлар комитети раиси – муҳ.) бўлиб юрганлигини биламан...»

Иззат Султон шу воқеани асарга сингдириб юборди ва шу воқеа мустамлакачилик даври зулмидан зада бўлган қишлоқ аҳлининг Намоз Пиримқул ўғли атрофида бирлашишига сабаб бўлган восита

ўлароқ талқин этилди.

Кейинчалик Иззат Султон «Истеҳком» (1979) драмасида ҳам ўзи гувоҳ бўлган воқеалардан истифода этди. Лекин «октябрь инқилоби»нинг фалон йиллигига бағишланган бу асар майдонга келганида, замон ҳам, «улуғ октябрь»га муносабат ҳам ўзгара бошлаган эди. Спекталнинг томошабинларга манзур бўлмаганлиги драматург учун ҳам мағлубият, ҳам сабоқ бўлди. Шундан олдин у «Кўрмайин босдим тиканни» (1974), кейин Ибн Синога бағишланган «Донишманднинг ёшлиги» (1980), «Оилавий сир» (1982), «Кумуш шаҳар маликаси» (1983), «Олов» (1984), «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» (1988), «Қақнус» (1994), «Ойдин кеча асирлигида» (1998), «Янги одамлар» (2001) сингари саҳна асарларини яратган эди. Бу асарларнинг бир-биридан узоқ мавзуларга бағишланганлиги Иззат Султоннинг қизиқиш ва билим доираси бениҳоя кенг бўлганидан шаҳодат бериб турибди.

Иззат Султон сермазмун ҳаёти ва фаолияти халқ ва мамлакатга фидойиларча хизмат қилишнинг гўзал намунаси бўлиб қолади.



Адам, менга фақат

ОНАМНИНГ ДУОЛАРИ

Онамнинг дуоси мени асрайди...

Кўшиқдан

Оғам дея атадим мен қаламни,
Юрагимда кўқарган ғам-аламни,
Қарғишлари урар бўлса санамнинг
Омон сақлар дуолари онамнинг.

Йиғлайверсам, йиғиларим оҳ бўлса,
Оҳдан унган, соғинчим паноҳ бўлса,
Ҳар қадамим минг битта гуноҳ бўлса,
Мени оқлар дуолари онамнинг.

Дўсту ғаним юрагимга отса тош,
Нима қилмоқ, билолмасам қотса бош,
Дил кўзидан дарё-дарё оқса ёш,
Кўнглим чоғлар дуолари онамнинг.

Ўйим тушар жужуқлигим – боғимга,
Кўшни қизнинг сочин тортган чоғимга,
Соғинч тўла риштани қишлоғимга
Маҳкам боғлар дуолари онамнинг.

Мен изладим ёруғина оламлар,
Бир-бирини тушунолган одамлар,
Ерни муштраб қарғайверсин санамлар,
Доим сақлар дуолари онамнинг.

ВАТАН

Она, сиз дилим сезган,
Меҳр жадвалин тузган,
Ҳозир тандирдан узган,
Кулчалар Ватан менга.

Синглим, дунё ғуборли,
Озор тўла бозорли,
Чаккандаги ифорли
Гулчалар Ватан менга.

Ўғлим, чулдирар гўзал,
Той-той, пилдирар гўзал,
Юзим сийпалар гўзал –
Қўлчалар Ватан менга.

Қизим, юракни тўксак,
Қўшиқ бўлади бешак,
Кўзингда кўкдан юксак –
Дилчалар Ватан менга.

ҲИКМАТ

Париж кўчаларин айландим узоқ,
Эйфелдан бошқача кўринар шаҳар.

Аммо дил ёришмас, ёқса ҳам чироқ,
Бирдек рутубатли шом ила саҳар.

Бормасимдан аввал муаззам, сирли
Туюлар эди-ку Чин пойтахти ҳам.
Бироқ нимадандир безовта дилим,
Шодлик топилмади уни кўрган дам.

Соҳили кўринмас уммонлар гўзал,
Хўб нозик саломлар айлайди Сеул.
Кўнглим, бағринг аро нур эди сайқал,
Нечун ошён тутди хаёллар мажҳул...

Жуда мақташарди Онадўлининг
Тароватли ифор ҳаволарини.
Билмадим, бу не сир, яйрамас кўнгли,
Кўрсамда не ажиб маъволарини.

Ахийри, аёндир бир сирли ҳикмат,
Покиза муждадан қалбим нурафшон.
Кўнглим сенда таскин топаркан фақат,
Сен бахтим экансан, жон Ўзбекистон.

Ким қандай ўйласа ўйласин, майли,
Ким не деса десин, мен учун бироқ
Дилдаги шодлигим Ватан туфайли,
Бахтимнинг мазмуни шул азиз тупроқ!

ОРЗУ

– Ўғлим, юр, – дейсиз кетмонни олиб,
Лой қилиб иккимиз пахса урамиз.
– Бугун ҳам шеър ёзай сиздан ўтинчим,
Дадажон, шу ишни эрта қиламиз.

– Дангаса, – дейсиз гоҳ жаҳлингиз чиқиб,
Онамми, ҳамини менинг ғамим ер.
– Бугун ҳам индаманг, кўйинг, дадаси,
Бугун ҳам майлига ёза қолсин шеър.

– Дада, сиз биласиз, биласиз она,
Кўнглимдан тўкилган мунис хазонни.
Мен шундай яшайман, бир куни шундай
Кафтимда кўтариб Ўзбекистонни!



АЛПОМИШНИНГ ҚЎШИҒИ

Кўнглим мамлакатин султони, моҳим,
Султон бўлармиди ултони, моҳим.
Орият қалбларнинг бўстони, моҳим,
Не бордир Ватандан азиз, Барчиним.

Одамми севмаса Кўнғиротини,
Қизғонса ёридан ишқ – баётини.
Бахшида этмоқ-чун бор ҳаётини,
Не бордир Ватандан азиз, Барчиним.

Йўлидан қайтмайди марднинг боласи,
Юракка кўмилар дарду ноласи,
Қачон ғолиб бўлган одам олмаси,
Не бордир Ватандан азиз, Барчиним.

Қалдирғоч синглим-эй, баҳодир синглим,
Муҳаббат кўксимга ҳаводир, синглим,
Олсам, элдан олдим хавотир, синглим,
Не бордир Ватандан азиз, Барчиним.

Ҳар кимга битта дўст – Қоражон даркор,
Ҳар кимга тоза ишқ, соф иймон даркор,
Кўнғирот элига учгил Бойчибор,
Не бордир Ватандан азиз, Барчиним.

Ё, Ҳақ де Ёдгорим пирлар қўллагай,
Дуолар покиза – нурлар қўллагай,
Шул чаман, шул адир, қирлар қўллагай,
Не бордир Ватандан азиз, Барчиним.

ҲОЛ

Бахтга навбат турганларнинг охириман.

Сирожиддин Саййид

Менми шундай не дард келса ютган одам,
Хув қуёшнинг нурли қўлин тутган одам,
Эй, дунёдан саодатлар кутган одам,
Бахтга навбат турганларнинг охириман.

Баланд-баланд тоғ бошида қорлари бор,
Бул тоғларнинг кўкка айтар зорлари бор.
Сорларининг сор қалбида орлари бор,
Бахтга навбат турганларнинг охириман.

Кетмоқ яхши дил кўмсаган олисларга,
Гулдан сулув, нурдан ҳарир ол ҳисларга.
Айтиб қўяй бинафшаю ялпизларга,
Бахтга навбат турганларнинг охириман.

Пойларингиз ўпадиган япроқ бўлай,
Япроқ эмас, япроқ эмас, тупроқ бўлай,
Қошингизда мангуликдан кўпроқ бўлай,
Бахтга навбат турганларнинг охириман.

гул керак

КЎНГЛУМ

Ой – сирға. Сирғалиб тушар кўзимга,
Телба юрак – уйинг, ўйлар уюми.
Мен сени кўрмайман, излар нигоҳим,
Мен сени кўраман кўзларим юмиб.

Ҳатто юлдузлар ҳам елка қисишар,
На боши бор очун,
На топган якун.
Ё кўнглум, тушунмас сени одамлар,
Ё сен тушунмайсан уларни, кўнглум.

ИШОНЧ

Ер юзида сен борсан, жоним.

Асқад Мухтор

Мен бир гул атрини сезаяпман-ку,
Буткул тилсимларга кўмилган кўнгил.
Барча-барча учун йиғлаган оҳу –
Чашмим чашмасида чумилган кўнгил.

Қизғалдоқ юзида товланади нур,
Шулмасми юракнинг улуғворлиги.
Ахир,
Сен борсан-ку, қаерлардадир,
Рост эрур қайдадир бахтнинг борлиги.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!

Ассалому алайкум!
Хатми...
«Ўқиётган пайтингизда
Мен узоқда бўламан сиздан.
Хайр, дейман, эзилар юрак,
Унутмаслик шарти билан.»
Чиндан хатми... сўзлардан
Отилиб чиқади бир нигоҳ.
Ва руҳимга айланиб бир дам
Қучоғига олади ногоҳ.
Наҳот,
Наҳот кетганингиз рост,
Томчилаб киприқдан узилар ёшим,
Дўллар ёғди бахтнинг устига,
О-оҳ...
Ҳумоларни урдими яшин.
Туфроқ гўша этаман кўкни,
Парвоз этар юрагим – тайр.
Олам, менга фақат гул керак,
Керак эмас риёкор дайр.
Хайр дема, ишондим сенга,
Осмон менинг қалбим тўла ун.
Шабнамлардан яралган дунё,
Ассалому алайкум!

ЮРАККИНАМ

Қуёшларим кунларингдан нур олса гар,
Уним чақнаб, чимматингдан дур олса гар,
Баҳорларнинг инояти зўр бўлса гар,
Биз ҳам бахтли бўлармидик, юраккинам.

Йиғладилар баҳоримда кузлар келиб,
Мени мендан излайдилар излар келиб,
Хаста дилга Аллоҳдан бир сўзлар келиб...
Биз ҳам бахтли бўлармидик, юраккинам.

Қизғалдоқнинг лабларидан ўпсам агар,
Барглари-ла кўзларимни ёпсам агар,
Сизни топсам, сизни топсам, топсам агар,
Биз ҳам бахтли бўлармидик, юраккинам.

Сўнг аршига оққуш бўлиб учиб кетсам,
Кимса етмас томонларга кўчиб кетсам,
Муҳаббатжон, сени қучиб, қучиб кетсам,
Биз ҳам бахтли бўлармидик, юраккинам.

ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК

Сиз мен каби йиғламагансиз,
Ғам нимадир, билмайсиз мендай.
Яшаш нима? Яшаяпман мен,
Пичоғидан айрилган қиндай.

Сиз мен каби йўқламагансиз,
О, йўқотган дамларни, хўнграб.
Мен кимларнинг тутдим этагин,
Мен қаёққа кетяпман, ё Рабб?!

Сиз мен каби тигламагансиз
Юрагини шафқатсизларча.
Қулаяпти минг йиллик чинор,
Сарғайяпти ям-яшил арча.

Сиз мен каби чўғламагансиз,
Юрагим-о, лахча-лахча чўғ.
Яшолмайсиз сиз менга ўхшаб,
Сиз мен каби ўлганингиз йўқ.

СЕНИ ЭСЛАДИМ

Мана, орзулари осмоннинг оппоқ,
Қорлар ёғаётир нурдаин сим-сим.
Нур тутай деб кафтим очдим шундоқ,
Мен сени эсладим, сени эсладим.

Олам чирой очди маликалардай,
Жилғалар сасига қулоқ тутдим жим.
Ҳофиз қушчаларнинг куйларин тинглай,
Мен сени эсладим, сени эсладим.

Гўё ҳансирайди адирлар, тоғлар,
Қуёш сочмоқда-ку, саратон бетин.
Чексиз хаёлларга чўмиб шу чоғлар,
Мен сени эсладим, сени эсладим.



Ғайрат МАЖИД

Сарғайган хазонлар, дил тўла ҳавас,
Дийдор ҳикмати англаган олим.
Сенсиз яшамоқлик кўлимдан келмас,
Мен сени эсладим, сени эсладим.

Мен сени эсладим, сени эсладим...

СУЙДИМ ЖОНДАН...

Суйдим жондан, суймас экан дунёлар,
Куйдим кундай, куймас экан дунёлар.
Азоб бериб тўймас экан дунёлар,
Мен кимларга йиғлайман-эй, йиғлайман.

Кунга боққин, нурлар сочган юзим бор,
Шивирлаган хазонларда сўзим бор.
Жайронларда жовдираган кўзим бор,
Мен кимларга йиғлайман-эй, йиғлайман.

Тошлар отар, тошлари кўп дунёнинг,
Ғамдан эгик бошлари кўп дунёнинг.
Бахтсиз кўзи ёшлари кўп дунёнинг,
Мен кимларга йиғлайман-эй, йиғлайман.

Адирларда қизғалдоқлар – қоним, ёр,
Қоним маним, тоза орзу – қоним ёр,
Сен йиғлама, ёшинг менинг жоним, ёр,
Мен кимларга йиғлайман-эй, йиғлайман.

ҲАЁТГА

Ибтидоми, тумонот асрор,
Билармидим охирларимни.
Ҳаёт, фақат уйғотиб юбор,
Ухлаб ётган томирларимни.

Мингта қисмат ичимда, алҳол,
Танлаш менга эмасдир қасам.
Ҳаёт, фақат тўғри йўлга сол,
Бу йўлларда адашиб кетсам.

Миттигина курраи замин,
Кичинадир ҳатто коинот.
Ҳаёт, фақат баҳорни тушин,
Ва гулларни асрагин, ҳаёт.

Керак эмас ҳасад, адоват,
Қуриб кетсин хиёнат зотинг.
Ҳаёт, фақат исминг муҳаббат,
Бўлсин доим садоқат отинг.

Юксак эътибор ва эътироф ифодаси

Президентимиз ташаббуси билан адабиёт ва санъатга, демакки, маънавият ва маърифатга, умуман, кенг маънодаги маданиятга, уларни ҳар томонлама ривожлантиришга, ижод аҳлини моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай хайрли ишлар турли шаклларда амалга оширилмоқда. Адабиёт ва санъатимиз, маданиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар юбилейлари кенг нишонланаётгани шулар жумласидандир. Жорий йилда ҳам, пандемия шароитига қарамай, бир неча адибларимиз ва санъаткорларимизнинг юбилейлари нишонланди ва бу хайрли тадбирлар давом этмоқда.

2021 йилда ҳам бир неча атоқли шоир, ёзувчи ва санъаткорларимизнинг юбилеи бўлади. Бу тадбирлар аввалида Алишер Навоий ҳазратлари таваллудининг 580 йиллигини нишонлашдек эзгу ва улуғ

иш туради. Бу ҳақда давлатимиз раҳбарининг алоҳида қарори (2020 йил 19 октябрь) эълон қилинди. Зеро, Навоийни ўқимоқ, ўрганмоқ, унинг ўғитларига амал қилмоқ ҳар бир миллатдошимиз, ҳар бир ватандошимиз учун шараф ва хайрлидир. 2020 йил 2 декабрда Президентимиз яна учта қарорни имзолади. Булар – Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ва халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарорлар. Бундай ҳужжатлар муайян шоир, ёзувчи ва санъаткор ижодини кенг тарғиб қилиш, номини адабийлаштириш билан бирга, ёш авлод учун уларнинг бой ижодий меросини ўрганиш, улардан ўрнак олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Демак, ёшлар маънавиятини юксалтиришда бундай тадбирларнинг аҳамияти каттадир.

ИККИ ҚАРРА БАХТЛИМАН

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорини ўқиб, чин дилдан хурсанд бўлдим. Абдулла Орипов халқини, Ватанини севган шоир эди. Халқимиз ҳам унинг муҳлиси бўлди. Туғилган кунларида, байрамларда муҳлислари, шогирдлари уйга келиб, йўқлаб туришарди. Шоир вафотидан кейин ҳам улар бизни йўқлаб туришибди.



Шоирнинг ижодхонаси, иш столи, ҳатто, қалами ҳамон жой-жойида турибди. Худдики, Абдулла ака сафарга кетгану эрта-индин қайтиб келиб, яна ижод билан машғул бўладигандек.

Қарор билан танишар эканман, ҳаяжон ва қувончдан бошим осмонга етди. Айниқса, «Тошкент вилояти Қибрай тумани Арғин маҳалласидаги

Абдулла Орипов яшаган хонадонда ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш» деган бандини ўқиганимда, уйимизга Абдулла аканинг ўзлари кириб келади-гандек туюлди.

Халқимиз ҳар куни мадҳиямиз янграганда, қўшиқларга айланган шеърларини тинглаганда, асарларини ўқиганда ёдга оладиган шоирга бундай юксак эътибор, ўйлайманки, нафақат мени, фарзандларимни, бутун халқимизни мамнун қилди.

Президентимиз жуда эътиборли инсон. 2019 йил 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида бир қатор олим ва ёзувчиларнинг рафиқалари сафида мени ҳам ёдга олиб, «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотлади. Бу эътирофни мен ўзбек аёлига эҳтиром, деб билдим.

Оллоҳ аёлга оналик, рафиқалик бахтини ато этган. Мен аёл сифатида икки қарра бахтли яшадим. Халқимизнинг севимли шоири Абдулла Ориповга рафиқа бўлиб, шеърларининг илк тингловчиси, илҳомчиси бўлдим.

Бугунги кунда мен яна-да бахтлиман. Халқнинг Қаҳрамон шоирга, у орқали шеърятга, адабиётга эътибори учун оиламиз, шоирнинг муҳлислари, шогирдлари номидан Президентимизга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Ҳанифа МУСТАФОЕВА

ЧЕКСИЗ МИННАТДОРМИЗ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан сўнги йилларда маданият-маърифат, адабиёт-санъат соҳасида таҳсинга сазовор ишлар ва ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундай имкониятлар замирида келажак авлоднинг бахтли, истиқболли ҳаёти мужассам. Зеро, келажак бугундан бошланади.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш

ҳақидаги қарорини ўқиб, кўзларим қувонч ёшларига, қалбим ифтихор ва шукроналик туйғусига тўлди.

Бир неча кун кўзларимга уйку келмади. Гўё, Ўткир ака ёнимизда туриб, бугунги шодлигимизга шерик бўлаётгандай, ушбу қарорни ўзлари овоз чиқариб ўқиётгандай туюлди.

Рухлар ҳамиша тирик ва яқинларининг яхши-ёмон кунларида ёнларида туришади, деган гап бежиз айтилмаган экан.

Адибнинг ижодий меросини тарғиб қилиш, китобларини чоп этиш, илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, хотираларини ёд этиш борасидаги савобли ишларга давлатимиз раҳбари бош бўлиб бошида турганлари ижод аҳлига кўрсатилаётган юксак эҳтиром ва эътиборнинг амалий намунасидир. Давлатимиз раҳбарига оиламиз номидан чексиз миннатдорлик билдираман. У кишининг халқимиз фаровонлиги, бахту саодати йўлида олиб бораётган барча эзгу ишларига омад тилайман.

Ўлмасхон ҲОШИМОВА

УНИНГ НОМИ ҚЎШИҚЛАРИДА ЯШАМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори ўзбек ашула ва мусиқа санъатига яна бир катта эътибор бўлди. Ботир акамиз кўп қиррали санъаткор эдилар. Нафақат қўшиқлари билан, айни чоғда кинодаги роллари, ранг-тасвирда чизган асарлари, ҳикоя ва шеърлари билан ҳам кўп муҳлислар орттирган эдилар. Қарор Зокировлар сулоласини беҳад мамнун этди. Айниқса, Ўзбекистон давлат консерваторияси жойлашган кўчага Ботир Зокиров номи бериладиган бўлгани санъаткор халқимизнинг дилида, тилида узоқ йиллар яшашини билдиради.

Жаҳон саҳналарида қўшиқ куйлаб, ўзбек миллий эстрада санъатини оламга ёйган устоз санъаткор номида миллий эстрада мактаби ташкил этилади. Бу Зокировлар сулоласининг бугунги авлодларини ҳам қувонтиради, ҳам улкан масъулият юклайди. Бу иш олижаноб инсонга, улуғ санъаткорга муносиб бўлиш масъулиятидир. Оилавий йиғинларда Ботир акамизни ёдга олсак, унинг қўшиқларини куйлаймиз, қилган яхши ишларини



эслаймиз. Ботир Зокиров санъати билан қалбларни забт этган санъаткор эди. Карим Зокиров ва Шоҳиста аядан бошланган санъаткорлар сулоласининг ҳар бири ўзбек санъатига ўзига хос ҳисса қўшди ва бу анъана давом этмоқда. Халқимиз учун Ботир Зокиров алоҳида ардоқли ва севимлидир.

Қарорда Ботир Зокировнинг ҳайкалинини ўрнатиш бўйича банд бор. Бу унинг номи ўчмаслиги, санъати узоқ йиллар халқимиз дилида янграшига бир омил бўлади.

Президентимизга бу эътибор учун Зокировлар сулоласи номидан сармимий миннатдорлик билдираман.

**Фаррух ЗОКИРОВ,
Гавҳар ЗОКИРОВА,
Ўзбекистон халқ артистлари**



Тарихий манбаларда Марказий Осиёда калом илмининг ривожланишида, буюк мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ўрни ниҳоятда катта бўлганлиги қайд этилган. «Имом ал-Худа» ва «Имом ал-мутакаллимин» (Ҳидоят йўли имоми ва мутакаллимлар имоми) каби номлар билан аталган алломанинг тўлиқ исми Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир.

Имом Мотуридий нафақат Марказий Осиёда, балки бутун ислом оламида ўз муносиб ўрнига эга улуғ аллома, диний арбоб бўлган.

– Аллома яшаган даврда, яъни IX аср охири ва X аср биринчи ярмида ислом динида турли гуруҳ ва фирқалар кўпайиб кетган, – дейди Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Шовосил Зиёдов. – Бу ҳол имон-этиқод масаласида кўплаб ихтилофларни келтириб чиқарди. Ана шундай вазиятда Имом Мотуридий

КАЛОМ ИЛМИ СУЛТОНИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра 2000 йилда юртимизда Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан Самарқанд шаҳридаги Чокардиза қабристонинда Имом Мотуридий мақбараси бунёд этилиб, ўша йили 17 ноябрь куни тантанали тарзда очилган эди.

диннинг асл моҳиятини очиб бериш, соф исломий ақидани сақлаб қолиш йўлида беқиёс ишларни амалга оширган. Ҳанафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа таълимотига суянган ҳолда ўзига хос калом мактабини яратган. Бу мактаб томонидан илгари сурилган ғоялар ислом дини моҳиятини тўғрилиқ, эзгулик, инсонийлик деб биладиган мўмин-мусулмонларнинг қараш ва интилишлари билан ҳамоҳанг эди.

Мотуридийнинг илмий-ижодий фаолияти асосан, калом илмига бағишланган бўлиб, «Китоб ат-тавҳид» (Аллоҳнинг яқка-ягоналиги китоби), «Китоб ал-мақомат» (Мақомат китоби), «Маъхаз аш-шариъа» (Шариатлар манбаи ва софлиги), «Китоб ал-жадал фи усул ал-фиқҳ» (Мунозара ҳақида китоб), «Таъвилот ал-Қуръон» (Қуръон шарҳи), «Китоб баён ваҳм ал-муътазила» (Муътазиллар фикрини баён этувчи китоб), «Радд ал-усул ал-хамса» (Беш асосга раддия), «Китоб радд авалъил ал-адила ли-л Каъбий» (Каъбийнинг асосий далилларига раддия китоби), «Радд китоб ал-Каъбий фи ваъд ал-фуссоқ» (Каъбийнинг фосихларнинг таҳдиди китобига жавоб) каби асарлари мавжуд.

Алломанинг бугунги кунгача етиб келган асарларидан энг машҳури ва илмий қиммати билан энг аҳамиятли саналгани «Таъвилот ал-Қуръон»дир. Мотуридия таълимоти асоси бўлган бу китобда ҳанафийлик, аҳли сунна вал жамоанинг бутун ақидаси баён этилган. Асар тадқиқоти ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган. Шу пайтгача Миср, Ливан, Туркия ва бошқа давлатлар олимлари томонидан тадқиқ этилиб, чоп этилган. Жорий йилда ушбу асарнинг Туркияда нашр этилган нусхаси Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказига келтирилди ва айни пайт бу асар ўзбек тилига таржима қилинмоқда.

Имом Мотуридий илмий меросини чуқур тадқиқ этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон Халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази ва бошқа илмий-тадқиқот муассасалари томонидан амалга ошириб келинмоқда. Энди айнан шу фаолият билан шуғулланувчи марказга асос солинди.

Жорий йилнинг 11 август куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади. Қарорга кўра, Ўзбекистон Халқаро ислом академияси ҳузурида Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди.

(давоми 33-бетда)



КАЛОМ ИЛМИ СУЛТОНИ

(бошланиши 31-бетда)

устозларнинг бир ишораси ҳам шогирд камолотида катта аҳамиятга эга. Шу ерда устоз менга иккита сабоқ бердилар. Биринчиси, менга суяниб олинг, деганимда, «Сиз мени тутиб олинг», деб лутф қилдилар. Яъни, шогирдлар устозлар етовида камолотга эришади. Кейингиси танбур ҳақидаги гаплари бўлди. Бу икки ўғит менга кўп нарсани ўргатди. Бугун мен ёшларга нохун қандай тақилишини, соз қандай ушланишини ўргатаман, устозлар ҳар бир деталга аҳамият беради, шундай қилиб бир умрга етқулик сабоқ беради, деб кўп айтаман.

– Устоз санъаткорлар мақомни маҳобатли минорага қиёслаб сабоқ беришган, дедингиз. Уни борича асраш, келажакка етказиш йўлида улар фидойлик қилишган. Сизнингча, мақом тақомили йўлида қандай ишлар қилинмоқда?

– Мақомдан олиб куй басталаш бошқа, мақомдан илҳомланиб яратиш бошқа. Масалан, «Дугоналар» ашуласи опера жанрида бўлса ҳам мақомнинг қайсидир шўъбасига яқинлик бор. Ёки Ботир Зокировнинг «Раъно» ашуласи эстрада жанрида ёзилган, аммо мақомдан илҳомлангани сезилиб туради. Бунақа мисоллар кўп. Мақомотда талқин, наср, уфор барчаси бир мажмуа. Унинг асрлар давомида келаётган асл ҳолатига тегмаган ҳолда янги куйлар, қўшиқлар яратиш мумкин. Бу йўлда Аҳмаджон Дадаев, Эркин Рўзमतов, Ўлмас Расулов каби устозлар анча иш қилди. Бугунги кундаги изланишлар мақом йўлида янги куйлар, қўшиқлар яратиш, халқимизнинг ўлмас меросини янада бойитишга хизмат қилади.

– Сизни кўп қиррали ижодкор дейишади...

– Ўзбекистон халқ артисти, машҳур режиссёр Баҳодир Йўлдошев томонидан саҳналаштирилган бир неча спектаклда роль ижро этдим. Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишлан «Хотирам синиқлари» спектаклида Ҳамид Олимжон ролини ижро этиб барча вилоятларда ва Россия Федерацияси Қозон шаҳрида бўлиб ўтган театр фестивалида қатнашдим.

Дутор бўйича профессионал чолғучиман, шу билан бирга танбур, сато, ғижжак, скрипка, доирани яхши чаламан. 2016 йил декабрь ойида Исроил давлатида бўлиб ўтган халқаро «Шашмақом» фестивалида «Шашмақом»нинг йирик шўъбаларини ижро этганимда томошабинлар кўп олқишлади. 2007 йилда устозим Малика опа билан Францияга элчихонамиз ташкил қилган концертга бордик. Устоз-шогирд концерт беряпмиз. Аввалига ҳаяжонландик, қандай ўтаркан, деб. Икки кишидан иборат ансамбль қандай бўларкан, деб томошабинлар аксарияти ҳайрон. Миллий мусиқаларимизни чала бошладик, ҳар гал гулдурас қарсақлар янгради. Уч-тўрт асбобда куй ижро этдим. Охири доирада «Мавриги»ни ижро этгандим, залда ҳамоҳанг қарсақлар бошланди. Ўн беш кун концерт берганмиз.

– Эришган ютуқларингиз, бугунги кундаги фаолиятингиз хусусида ҳам билишни истардик.

– 2002 йилда Ўзбекистон давлат консерваториясига ўқишга қабул қилинган бўлсам, 2003 йил Юнус Ражабий номидаги VI республика мақом ижрочилари кўрик танловида 1-ўринни эгалладим. 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ниҳол» мукофотини беришди. 2011 йил Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган VIII халқаро «Шарқ тароналари» фестивалида қатнашиб, ЮНЕСКОнинг махсус соврини билан тақдирландим. 2014 йил «Йилнинг энг яхши анъанавий қўшиқлар ижрочиси» йўналиши бўйича «Эътироф-2014» мукофотини қўлга киритдим. 2018 йилда Ўзбекистон Маданият вазирлиги томонидан таъсис этилган «Эътироф-2017» йил анъанавий қўшиқ ижрочиси номинацияси бўйича тақдирландим.

2018 йил Боку шаҳрида бўлиб ўтган V халқаро «Муғом олами» фестивалида қатнашиб, 1-ўринни эгалладим.

Ҳозирги кунда Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти «Мақом чолғу ижрочилиги» кафедра мудириман. Бу ютуқлар, қўлга киритилган мукофотлар устозларим, ота-онам, Ватаним олдидаги фарзандлик бурчимни адо этиш йўлидаги дастлабки натижалар, деб ўйлайман. Бу эътирофларни оқлаш, уларга муносиб бўлиш учун ҳали кўп ишлашимиз керак.

Манзура ШАМСИЕВА суҳбатлашди.

Ақида ва калом илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган Имом Мотуридий ва унинг издошлари бўлган алломаларнинг улкан илмий, диний-маънавий меросини чуқур ўрганиш ҳамда халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилиш, мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатлар кутубхоналари ва архив фондларида сақланаётган буюк алломаларнинг калом илмига оид мероси ҳамда ислом дунёси учун муҳим илмий аҳамиятга эга қўлзма, тошбосма асарларнинг асл ҳамда электрон нусхаларини тўплаш ва келажак авлодга етказиш учун тизимли илмий тадқиқотлар ташкил этиш каби мақсадлар тадқиқот марказининг асосий вазифалари сифатида бегиланди.

Жорий йилнинг 3-5 март кунлари кунлари Мисрдаги Ал-Азхар мажмуаси билан ҳамкорликда Самарқандда ўтказилган «Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун» мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам юртимиз ва хорижлик олимлар Имом Мотуридий меросини чуқур ўрганиш ва унинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш зарурлигини таъкидлаган эди. Дунёнинг ундан ортиқ давлатидан келган 70 га яқин уламолар, исломшунос олимлар, нуфузли таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари раҳбарлари Имом Мотуридийнинг бой илмий мероси, ибратли ҳаёт йўли билан боғлиқ ўрганилмаган жиҳатларни тадқиқ этиш, алломанинг асарларидаги инсонпарварлик, бағрикенглик ҳамда адашган тоифаларга қарши раддия бериш борасидаги қимматли маълумотлардан самарали фойдаланиш, шунингдек, ушбу йўналишда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласига эътибор қаратганди.

Давлатимиз раҳбарининг қароридан белгиланган кўплаб вазифа ва чора-тадбирлар айнан мана шу конференция якунлари бўйича қабул қилинган ҳужжат ғоялари билан ҳамоҳангдир.

– Имом Мотуридий илмий-маънавий меросига бўлган юксак эътибор намунасини аллома дафн этилган Чокардиза қабристони мисолида ҳам кўриш мумкин, – дейди Самарқанд шаҳридаги Имом Мотуридий зиёратгоҳи раҳбари У.Амиров. – Бир неча асрлик тарихга эга мазкур зиёратгоҳ собиқ шўролар тузими даврида оёқости қилиниб, эътибордан четда қолди. Гарчи кўплаб тарихий манбаларда Чокардиза қабристонида фақиҳ, шайх ва уламолар дафн этилгани ҳақидаги маълумотлар учраса-да, маҳаллий аҳоли ҳам бу жойларни муқаддас зиёратгоҳ деб, билган бўлса-да ўтган асрда ҳудуд уй-жой қуриш учун фуқароларга бўлиб берилди. Бунинг оқибатида кўплаб қабрлар аҳоли хонадонлари остида қолган, қайроқ қабртошлар йўқолиб кетган (фақат Чокардиза қабристонида дафн этилган уламолар, фақиҳларга қабртошлари қайроқтошдан қўйилган ва унда марҳум ҳақидаги маълумотлар ёзилган). Ўша пайтда зиёли, дину диёнатни унутмаган кишилар ташаббуси билан бу ердаги 250 дан ортиқ қабртош музейга олиб бориб топширилган. 2000 йилда Чокардиза қабристони ҳудуди обод қилиниб, Имом Мотуридий мақбараси бунёд этилгач, кўплаб қабртошлар жойига келтириб қўйилди. Лекин ҳали ҳам Самарқанддаги музейларда, ҳатто, аҳоли хонадонларида ўша қайроқтошлар сақланыпти. Келгусида мазкур мажмуа ҳудудини кенгайтириш ва бу ерни катта зиёратгоҳга айлантириш, қабристонда дафн этилган бошқа улуғ аллома ва авлиёлар номини абадийлаштириш билан боғлиқ лойиҳалар амалга ошгач, қабртошларнинг ҳаммасини келтириб қўйиш режалаштирилган.

Дунё тамаддуни, муқаддас ислом дини ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ алломалар номи билан боғлиқ масканларнинг обод этилиши, кўркам зиёратгоҳларга айлантирилиши халқимизнинг бир неча асрлик бой ўтмиши, маданияти, илмий-маънавий меросини ўрганиш ва келгуси авлодларга безавол етказишга хизмат қилади.

Ғолиб ҲАСАНОВ



БЕНАЗИР АКТЁР, МАҲОРАТЛИ РЕЖИССЁР

Театр ва кино санъатининг атоқли намоёндаларидан бири Раззоқ Ҳамроев ярим аср мобайнида театрда ранго-ранг образлар яратиб, хилма-хил спектакллар сахналаштиради, кинода бир қатор роллар ижро этди, санъатимиз хазинасига баракали ҳисса қўшди.

Раззоқ Ҳамроев 1910 йил 30 ноябрда Бухоро вилояти Шофиркон туманининг Тезгузар қишлоғида 2 (15) майда таваллуд топган.

Оиладаги уч фарзанд тақдир тақозоси билан ота-онадан жуда эрта етим қолади. Зайнаб, Раззоқ ва уч ойлик чақалоқ Абдурашид энди кунини ўзлари кўра бошлайди. Тоғаси Муҳаммаджон Ҳожибоев Раззоқни 1925 йили Тошкентга тоғасининг олдига ўқишга жўнатади. Айнан шу даврдан саодатли кунлар бошланади. У энди талаба эди! Санъатга бўлган меҳр ёш Раззоқни драма тўғарагига етаклайди. Бўш вақтини машғулотга бағишлаган йигит 1925-1926 йилларда тайёрлов синфида таълим олади.

Раззоқ Ҳамроев 1929 йил, билим юртини битиришдан олдин Наманганга муаллимларни қайта тайёрлаш курсига юборилиб, уч ой таҳсил олгач, Тошкентга қайтади. Билим юртини битириб, Наманганга муаллим бўлиб боради, ўзбек тили ва адабиётдан дарс беради. Қалбини забт этган санъат барибир тинч қўймагач, у мактабда драма тўғарагини тузади... Ёш, навқирон Раззоқ драма тўғарагига бир вақтининг ўзида ҳам режиссёр ҳам актёр эди. 1931 йил 15 июнда шу тўғарак негизда Наманган театри ташкил топади. Жамоа 1934 йил Тошкентга гастроль билан келади ва «Лайли ва Мажнун», «Отсиз» спектакллари катта муваффақият билан намоёиш этилади.

Раззоқ Ҳамроев Маннон Уйғурдан актёрлик ва режиссёрлик маҳорати бўйича дарс олади. 1940 йил таҳсилни Москвада давом эттиради. Ўқишни тамомлагач, Наманган театрида профессионал актёр ва режиссёр сифатида иш бошлайди.


1946 йил у Муқимий номидаги мусиқали театрга ишга таклиф қилинади. Умрининг охиригача шу даргоҳда актёр, режиссёр, сўнгра бош режиссёр лавозимларида ишлайди. Шу тариқа ўзбек мусиқий драмаси асосчисига айланади.

Санъаткор умрининг энг самарали, жўшқин палласи театр ҳаёти билан чамбарчас кечади. Актёр ҳар бир ролига жиддий ёндашиб, асар устида тинимсиз ишларди. Раззоқ Ҳамроев театрда жуда кўп пьесалар яратилишига кўмаклашди. Актёр сифатида у 500 дан ортиқ роли билан мухлислар қалбидан жой олди.

Собир Абдулланин «Тоҳир ва Зухра»сидаги Нозим, Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин»сидаги Ҳисрав образлари актёрнинг театр сахнасида яратган илк ролларидир. Кейинчалик У.Исмоиловнинг «Рустам»ида Рустам, Фридрих Шиллернинг «Макр ва муҳаббат»сида Фердинанд, Карло Гоццининг «Маликаи Турондот»сида Панталоне, Собирнинг «Муқимий»сида Муқимий, Комил Яшин ва Амин Умарийнинг «Ҳамза»сида Ҳамза, Иноят Маҳсумовнинг «Навоий Астрободда»сида Алишер Навоий, Карло Голдонининг «Икки бойга бир малай»сида Труфальдино, «Мусофирхона бекаси»сида Кавалер, Вильям Шекспирнинг «Ўн иккинчи кеча»сида Мальволио каби кўплаб ёрқин образлар яратди.

Юракдан юракка нур ёғсин фақат

Жуманиёз ЖАББОРОВ



Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов (1930-2010) замонавий ўзбек адабиёти тарихидан шоир ва драматург сифатида муносиб ўрин олган. Унинг илк шеърий тўплами 1953 йилда «Ватанимни қуйлайман» номи билан нашр этилган. Бу ном шоирнинг бутун ижодий фаолиятига қизил ип бўлиб ўтди. Унинг «Она ер қўшиғи», «Субҳидам хаёллари», «Эътиқод», «Севгим самоси», «Муҳаббат чоғи» сингари кўплаб шеърий китоблари бунга ёрқин мисолдир. Шоир 2009 йилда «Ягонасан, муқаддас Ватан» кўшиқлар танловининг ғолиби бўлгани ҳам бежиз эмас. Зеро, Жуманиёз Жабборовнинг ўнлаб шеърлари кўшиқ бўлиб янграган ва ҳамон янграмоқда.

Жуманиёз Жабборов драматургия, айниқса, мусиқали драма жанрида ҳам баракали ижод қилди. Унинг «Ўжарлар», «Йиллар ўтиб», «Тўйдан олдин томоша», «Чўл чақмоғи», «Жон қўшнилари», «Зиёфат», «Нексия» каби драматик асарлари Муқимий номидаги мусиқали драма театрида, қатор вилоятлар театларида сахнага қўйилган. Драматургнинг пьесалари Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикалари театларида ҳам сахналаштирилган.

Ўзбек ўқувчилари Фирдавсий, Байрон, Лермонтовнинг қатор асарларини Жуманиёз Жабборов таржимасида она тилида ўқиган. У Ўзбекистон санъат арбоби фахрий унвони билан ҳам тақдирланган эди.

УМР МАЗМУНИ

Бешиқдан то қабрга қадар
Одам умри ажабдир, ажаб.
Боғча фасли тугалса агар,
Қучоғига олгайдир мактаб.
Бир энтиқиш, маънос бир лаҳза
Гўдак қалбин имтиҳон этар.
Бу айрилиқ – илк оғир ларза –
Ҳувиллатиб боғчани... кетар.
Сўнг мактабда ўн йиллик ҳаёт,
Ёшлик кечар сойдай гувиллаб.
Бир кун келиб «хайр», дер, хайҳот,
Мактаб қолар ортда хувиллаб.

РАЗЗОҚ ҲАМРОЕВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИ

Халқимиз Раззоқ Ҳамроевни фақат театр актёри сифатида эмас, балки истеъдодли киноактёр сифатида ҳам яхши билади.

Раззоқ Ҳамроев режиссёр Йўлдош Аъзамовнинг Абдулла Қодирий романи асосида суратга олинган «Ўткан кунлар» фильмида, Равил Ботировнинг «Дорбозлар»ида, Латиф Файзиёвнинг «Улуғбек юлдузи»да бир бирига ўхшамас роллар ижро этди. 1950-йилларда уни тақдир кинорежиссёр Шўҳрат Аббосов билан учраштирди. Раззоқ Ҳамроев Шўҳрат Аббосовнинг «Маҳаллада дув-дув гап», «Ибн Сино» ва бошқа фильмларида суратга тушди. 1969 йилда таниқли актёр ва режиссёр Раззоқ Ҳамроев СССР халқ артисти унвонига сазовор бўлади.

Кинорежиссёр Наби Ғаниев Раззоқ Ҳамроевни Наманган театри спектаклларида кўриб, ўзининг «Тоҳир ва Зўҳра» фильмидаги ривоятчи Нозим ролига таклиф қилади. Бу топшириқни аъло даражада бажаргани учун, 1946 йил уни «Насриддиннинг саргузаштлари» фильмидаги Насриддин ролига таклиф қилади. Айнан шу фильм Раззоқ Ҳамроевга машҳурлик олиб келади.

Фильмни суратга олиш ишлари гавжум жойларда - гузар, чойхона ва қишлоқларда олиб борилган. Ана шу жиҳат кино асарининг тўлақонли чиқишига хизмат қилган бўлса, асосий ижрочилар Раззоқ Ҳамроев, Обид Жалилов, Раҳим Пирмуҳамедов, Соъйиб Хўжаев, Соат Толипов, Сайфи Олимов, Саъдихон Табибуллаев, Юлдуз Ризаевалар маҳорати фильмни ўзбек кино санъатининг ҳақиқий дурдона асарига айлантирди.

Раззоқ Ҳамроев ижодининг энг юқори чўққиси Алишер Навоий образи бўлди, десак, янглишмаган бўламиз. 1946 йил таниқли кинорежиссёр Комил Ёрматов «Алишер Навоий»ни суратга олади.

Алишер Навоий ҳақида фильм олишга 1941 йил – унинг 500 йиллик юбилеи арафасида киришилган эди. Афсуски, уруш жараёни кейинга суриб юборади. Қанчалик қийин бўлмасин, Комил Ёрматов ушбу фильмни барибир суратга олади. Ҳар бир ролга актёрларни моҳирона танлайди. Алишер Навоий ролини Раззоқ Ҳамроев, Ҳусайн Бойқарони Асад Исмаилов, вазир Маждидинни Обид Жалилов, Ёдгор Муҳаммадни Соат Толипов, Гулини Тамара Назарова, уста Жалолдинни Лутфулла Нарзуллаев, ошпаз Абул Маликни Раҳим Пирмуҳамедов ижро этади.

Раззоқ Ҳамроев Навоий образини маҳорат билан яратган. У Алишер Навоийни буюк шоир ва мутафаккир, адолатли давлат арбоби сифатида гавдалантирди, шоирнинг ички кечинмаларини очиб берди.

Фильм экранга чиқиши билан жуда катта шўҳрат қозонади. Образни ишонarli, самимий гавдалантирган актёрни халқ севиб қолади.

Фильм режиссёри Комил Ёрматов шундай деб ёзган эди: «Биз ёш актёр, ақл-заковати, аристократик қиёфаси, теран ақли ва юсак саҳнавий истеъдоди билан ажралиб турадиган Раззоқ Ҳамроевни Навоий ролини ўйнашга таклиф қилдик. Бундай кучли ва ёрқин образни экранга чиқаришда Ҳамроевнинг филолог сифатида Навоий ҳаёти ва ижодини чуқур ўргангани ҳам ёрдам берди».

Раззоқ Ҳамроев яратган Равиль Ботировнинг «Дорбозлар»идаги Тоштемир дорбоз, Шўҳрат Аббосовнинг «Абу Райҳон Беруний»сидаги ибн Ирок, Довженко киностудиясида суратга олинган «Мирзачўл» фильмидаги Раҳимжон, Юлиан Степачукнинг «Жайхун»идаги Жаъфарбек, «Кекса устанинг васиятлари»даги Усмонбой, «Хоразм афсонаси»даги Уста Носир, Шўҳрат Аббосовнинг «Оловли йўллар» телефильмидаги Ҳазрат, Зоҳид Собитовнинг «Самолётлар қўна олмайди»сидаги Исмоил каби роллар ўтган аср 70-йиллари ўзбек киносида яратилган сара образлар ҳисобланади.

Театр ва кино санъатида ўз ўрнига эга бўлган санъаткор режиссёрлик соҳасида ҳам ижод этиб, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Олтинкўл», «Нурхон», «Мақр ва муҳаббат», «Муқимий», «Гули сиёҳ», «Фарғона тонг отгунча», «Тошболта ошиқ» сингари кўплаб асарларни муваффақиятли саҳналаштирди.

1981 йил 5 май куни Раззоқ Ҳамроев 71 ёшида оламдан ўтди. Бу инсон чин маънода маданияти юсак актёр бўлиб, энг гўзал инсоний фазилатлар билан сийланган. Одамлар руҳиятини яхши тушунар, ўта меҳрибон, ўз ўрнида талабчан ва қатъиятли инсон эди. Айни ҳислатлар у яратган образларда ҳам яққол сезилиб туради.

Раззоқ Ҳамроев саҳнада, фильмларда, демаки, мухлислари қалбида ҳам яшамоқда. Демак, у халқимиз қалбида мангу қолади.

Насриддин АСРИДИНОВ



ЖУМАНИЁЗ ЖАББОРОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ

Сўнгра эса олий илмгоҳ,
Бунда умр сабоғин олар.
Бул қаср ҳам бир кун қолур, оҳ,
Олтин давр хувиллаб қолар.
Сўнг... ҳаётда минг синов кечиб,
Кўражақдир узоқ-ёвуқни.
Гоҳо ширин, гоҳ аччиқ ичиб,
Кўп кўражақ иссиқ-совуқни.
Ҳар бир одам ўзи бир олам,
Йўқ ўхшаши, тақрори асло.
Дунё ичра дунёдир одам,
Бир-биридан фаркли, мустасно.
Кўз олдида эврилар замон,
Фарқ этади бахтни, рўёни.
Авж нуқтага етганда инсон
Хувиллатиб кетар дунёни.

* * *

Дунёда Ватандан азирроқ не бор,
Не мавжуд Ватандан гўзал, улуғвор.
Ватандир ҳаётнинг кўрки, гултожи,
Яшамоқ маъноси, умр ривожи.

Одамлар, авайланг бир-бирингизни,
Асрангиз келажак, тақдирингизни.
Юракдан юракка нур ёғсин фақат,
Ватанга бахшида меҳру муҳаббат!

Билинги ҳаётда ҳар битта одам.
Ватандан кўнгилга олгайдир малҳам.
Эл юрт тақдирдан бўлингиз огоҳ
Ким огоҳ бўлгайдур, севгайдур Оллоҳ.

ШУКРОНА

Икки ўттизман, яна ўттиз керак,
Ёргинам, ёнимда доим Сиз керак.
Истарам, дунёни кезсам, сайр учун
Тоғ керак, ўрмон керак, денгиз керак.
Ишқ оқар томирларимда мавж уриб,
То ғазал ёзсам, париваш қиз керак.
Ўйламанг саркаш экан деб, аҳли дил,
Менга ул жонона ёр ёлғиз керак.
Қалбим ичра турфа ҳислар жилвагар,
Талқин этмоққа неча ҳофиз керак.

Минг ташаккур бу саодатлар учун,
Раббано, қошингда чўкмоқ тиз керак.

* * *

Ич-ичимга шўнғиб кетмоқ истадим,
Истадим, шўнғисам қалбим қаърига.
Ҳаёлим отини неча қистадим,
Вале ўтолмадим сендан нарига.
ЕТТИ мўъжиза бор, дерлар, жаҳонда,
Ким билсин еттидир ё балки етмиш.
Фақат сен барқарор эурсан жонда,
Оллоҳ сени менга мўъжиза этмиш.

* * *

Донолар китобин кўп ўқиб чиқдим.
Дилбар ўлкаларни этдим томоша.
Ҳайрат манзиллари ичра чиниқдим,
Сенга етмоқ бўлдим тоғма-тоғ оша.
Сен ҳамон олисда, ҳамон олдинда,
Қанча юрган сарим бўлурсан йироқ.
Гоҳо қоронғуда, гоҳо ойдинда
Сени қидиришдан толмасман бироқ.



АСОСИЙСИ – МУҲАББАТ

**Ўзбекистон халқ рассоми Баҳодир Жалолов
билан суҳбат**

Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор, Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти совриндори Баҳодир Жалолов 1948 йил 27 майда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1968 йили П. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини тугатган. 1974 йилда И. Репин номидаги Санкт-Петербург рассомлик, ҳайкалторошлик ва меъморлик институтининг монументал безатиш факультетини тамомлаган. Портрет санъати устаси Абдулҳақ Абдуллаевдан таълим олган. Аслида у ҳамон табиат ва борлиқдан сабоқ олаётган ижодкордир.

– Баҳодир ака, болалик даврингиз ва тасвирий санъатга илк қизиқишингиз ҳақида гапириб берсангиз.

– Оилада қанча фарзанд вояга етмасин, ҳар бирининг ўзига яраша қобилияти бўлади. Оилавий муҳит таъсирида ота-онасининг касбига қизиқиб қоладиганлар ҳам бўлади. Умуман, дунёни англаш жараёнида қизиқиш иқтидорга айланади. Ҳар бир бола расм чизишга интилади, бу унинг дунёсини очиб беради. Улар кўрган, кузатган воқеа ва шаклларни ўзича чизишга ҳаракат қилади. Шу чизишга интилиш қолиб кетмаса, иқтидор бўлса, бир куни бўй кўрсатади.

Ўзимни англай бошлаганимдан расмларга этибор берадиган бўлдим. Отам раҳматли чизган расмларни кўриб жуда қизиқарди. Отамнинг исми Фазлиддин эди. Асли марғилонлик бўлиб, атлас тўқиш цехида ишлаган. Атлас ишлаб чиқариш жараёнида ранг-баранг шакллар яратилиши, атласнинг мўъжизавий кўриниши таъсирими, мен чизаётган расмларни кўриб ўша ҳолатларни эслаганим, билмадим, хурсандлигидан рангли қалам дейсизми, бўёқми, умуман, чизиш учун нимаики зарур бўлса, ҳаммасини олиб берган. Шу тариқа эртаю кеч расм чизиш билан машғул бўлиб кетганман. Мактабда ўқий бошлаганимда отам менга янада кўпроқ эътибор берадиган бўлди. Дарсдан ташқари расм тўғрагига қатнашимга шароит яратиб берди. Мактабни битиргач, Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртига ўқишга кириб, ранг-тасвир бўлимида ўқий бошладим. Билим юртини аъло баҳолар билан битирдим. Шу тариқа тасвирий санъат сирларини яхшироқ англай бошладим.

Рассом ижодий фаолиятининг дастлабки намуналарида миллий ҳис-туйғулар турли рангларда ўз ифодасини топади. Б. Жалолов тасвирий санъат борасидаги таҳсилни давом эттириб, Чингиз Аҳмаров, Рўзи Чориев, Мельников, Королёвлардан тинимсиз ўрганган. Шу сабабли яратган портретларида юк-

сак маҳорат кўзга ташланиб туради. Унинг ижодидаги туйғулар уйғунлиги томошабинни ўзига маҳлиё этади.

– Билим юртини тугатгач, Россияда ўқишни давом эттиргансиз. Оддий ўзбек йигитининг бошқа муҳитга мослашиши, тасвирий санъатдан кенг қўламли таълим олиш жараёни қандай кечган?

– Ленинградда Репин номидаги рассомлик, ҳайкалторошлик ва меъморлик институтининг монументал безатиш факультетига ҳужжатларимни топширдим. Билим юртида ўқиб юрган пайтларимизда аудитория ишларидан ташқари этюдларга чиқардик, табиат манзараларини акс эттирдик. Самарқанд, Бухоро, Хоразм шаҳарларидаги меъморий ёдгорликлар, халқнинг турмуш тарзини, ҳунармандлар, косиблар меҳнати, кўйинги, серқуёш юртимиз колоритини очиб берадиган турли мавзуларда этюд чизардик. Устозларимиз берган сабоқлар, ўзимизнинг тиришқоқлигимиз сабаб тасвирий санъат сирларини яхши ўзлаштирган эканмиз. Ўқишни бошларканмиз, умуман бошқача муҳит, бошқача дунёқарашни хис қилдик. У ердаги шароит, шаҳардаги маҳобатли бино, кутубхона, театр ва музейлар, айниқса, Эрмитаж маҳлиё қилиб қўйди. Ўқиш даврида устозим профессор Андрей Мельников ҳар доим бошқа талабаларга «Баҳодир Ўзбекистондан келган, тинимсиз ўз устида ишлайди. У чизган ишларини кўрсатавериб мени чарчатиб юборди», деб мақтарди. Ҳар шанба устозга ўн тача иш кўрсатардим-да. Ўзимга ёққан мавзуларда янгича қарашларимни ранг ва қаламда ифодалар эдим. Устозим бундан жуда хурсанд бўларди. Баъзан «Мен ҳозир сенга бирор фикр билдирмайман, лекин изланишларинг келажакда албатта, ўз мевасини беради», дерди.

Баҳодир Жалолов портрет санъатида кўп ютуқларга эришди. Унинг тўлақонли асарларида ўзбек халқининг севимли фарзандлари сиймоси ифода топди. Академик рассом Ўрол Тансиқбоев, буюк олим академик Воҳид Зоҳидов, машҳур санъат дарғалари Комил Ёрматов, Малик Қаюмов, Муҳиддин Раҳимов, Ақром Тошкенбоев, Дамир Рўзиев каби устозлар сиймоси сўзимизга мисолдир. Рассом доимо инсон шахсини ўрганишга, уни ҳар тамонлама ҳис қилишга интилиб, рангин оламини янги-янги жилолар билан тобора бойитиб келмоқда. Б. Жалолов эришган етуқликнинг яна бир жиҳати шундаки, у Шарқ ва Ғарб аънанасини ўзлаштириб, шу аъналардаги муштаракликни топиб, юзага чиқаришга муваффақ бўла олган. Шунинг учун ҳам хорижий мамлакатлар санъат ихлосмандлари эътиборига сазовор бўлган. Рассом яратган монументал паннолар дунёнинг илғор давлатлари ҳашаматли сарой ва биноларини безаб келмоқда.

– Ўқишни битиргач, она юртга қайтдингиз. Ўшанда келажакни қандай тасаввур қилардингиз?

– Тенгдошларим Жавлон Умарбеков, Алишер Мирзаев ва Шухрат Абдурашидов билан ижодий ҳамкорлик олиб бордим. Бу орада Комил Ёрматов портрети учун СССР Бадиий академияси томонидан йилнинг энг долзарб портрети сифатида кумуш медаль билан тақдирландим. Кейинчалик маҳобатли ранг-тасвир йўналишида Чингиз Аҳмаров билан бирга ишлаш малакам ошишида катта ёрдам берди. Вақт ўтиши билан маҳобатли ранг-тасвир йўналиши бўйича таклиф, буюртмалар туша бошлади. Фарғонада «Сув оҳанги», «Улоқ», «Янги ҳаётга кириш», «Шоҳ овда» каби мавзуларда бир нечта деворий ишим эътибор тушди. Кейин Мукаррама Турғунбоева ва «Баҳор» ансамблига бағишлаб, «Рақсинг тўғилиши» асарни ишладим. Қашқадарёнинг Тол-

ВА ЁРУҒЛИК

лимаржон сув омборида «Ҳосил байрами» мавзусида чиройли иш қилдим. Заҳматкаш халқимиз ҳақида қуйловчи бир асар дунёга келди. Бу ерга Шароф Рашидов ташриф буюриб, ишларимга юсак баҳо берди. Навбатдаги Қўқон театрида яратилган уч қисмдан иборат деворий ишим учун Навоий номидаги давлат мукофотини беришди.

Рассом кенг тафаккурли ижодкор сифатида одам, олам, коинот сирларини ўрганишга интилади. 2018 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Баҳодир Жалоловнинг 70 йиллиги муносабати билан кўрғазма бўлиб ўтди. «...ва ўшанда барчаси бошланди!» деб ном олган ушбу кўрғазма рассом ижодий йўлининг сири ва мазмунини англашга имкон беради. Унинг асарларини кузатаётган ҳар бир киши ижодкор тафаккуридан ҳайратланиб, қандайдир саволлар билан рассомга муурожаат қилишга интилади. Саволлардан бирига «Мен ҳеч бир анъанага боғлиқ эмасман. Асосийси – муҳаббат ва ёруғлик...» деб жавоб берди ижодкор.

– Шарқ ва Ғарб услуб, анъаналарини юқори даражада ўзлаштира олган ижодкорсиз. Шунинг учун дунё санъат ихлосмандлари этиборига сазовор бўлгансиз. Бугунги кунда иккала мактаб классикаси уйғунлиги сизнинг асарларингизда бўй кўрсатмоқда...

– Вақт ўтиши билан хорижий давлатлардан ҳам таклифлар туша бошлади. Бельгия, Англия, АҚШ, Ҳиндистон ва Сурия давлатларига сафар қилдим. Ҳаётимда мен учун энг қадрли бўлган Ҳаж амалларини адо этишга муяссар бўлдим. У ерда ҳам ижод намуналаримни қолдирганман. Фатх Абдул Азиз Шоҳ портретини чизиб, оиласида меҳмон бўлдим. У менга ўз саройида жамланган экспонатларни кўришни таклиф қилди. Ўша жойда Шоҳ авлодларига бағишланган кўплаб ранг-тасвирдаги портретларни учратдим. Деярли ҳаммаси Европа рассомлари томонидан ишланган. Бельгиянинг Кортрейк шаҳридаги маданият мар-



кази биносига 6 метрга 8 метр ҳажмдаги тарихий расм чизиб бердим. Бу ишим уларга жуда ёқди, менга уч йиллик шартнома тузишни таклиф қилишди. Бельгиядан қайтгач, Москвадаги Ўзбекистон

тон элчихонаси биносига витраж (ойнада ишланадиган услуб) ишлаб бердим.

У ҳамиша Шарқ ва Ғарб маданияти мулоқотида очиқ ва ҳар бир пласттик концепцияда ўхшаши йўқ вариантлар устида изланади. Икки кутб санъати моделида улғайган рассом нафақат модернистик шакл ва ранглар асосида ижод қилади, балки Шарқ маънавияти тажрибаларига таяниб, орнаментнинг абстракт асосларини татбиқ эта бошлайди, ўзининг математик аниқлиги ва геометрик бенуқсонлигида мутлоқ комиллик образи сифатида ҳақиқатни акс эттиради.

– Айни пайтдаги фаолиятингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Ҳозирги кунда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти маҳобатли ранг-тасвир кафедрасида педагогик фаолиятни давом эттиряпман. Институтимизга Жанубий Кореянинг Ким Ен университети вакиллари ташриф буюришди. Улар институтимизнинг ўқитувчи-рассомлари ижоди билан танишди, талабаларга дарс бериш услубларини кузатишди. Уларга менинг ишлаш услубим маъқул келди шекилли, Жанубий Кореяда ишлашни таклиф қилишди. Шу тариқа Корея Республикасида бир йил ишлаб келдим. Улар ижодимни юқори баҳолаб, менга иккинчи бор иш таклиф этишди. Бу сафар меҳнатларимни Корея Республикаси университети буюк профессори унвони билан тақдирлашди.

Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан эркин ижодга кенг йўл очиб берилган. Эндиликда нафақат биз рассомлар, шоиру ёзувчилар, созандаю бастакорлар, наққошу ҳунармандлар ҳам эркин ижод қилишяпти. Шулар қаторида мен ҳам қанотни кенг ёзиб, ижод қилиб юрибман. Бунга бир мисол, Италияда «Skira» деган йирик нашриёт бор. Улар дунёдаги энг таниқли рассомлар ижоди тўғрисида китоб ва альбомлар чоп этишади. Дубайда ўтган кўрғазмамни кузатган нашриёт раҳбарлари Ўзбекистонга ташриф буюришди. Улар билан расмий учрашув ўтказилди. Ушбу нашриётда Ўрта Осиё ижодкорлари орасида биринчи бўлиб менинг ижодим тўғрисида инглиз тилида «Абадиятга тортилган чизиқ» номли китоб чоп этилиши меҳнатларим меваси бўлди.

Бугунги кунда ҳам олдимга қўйган катта режаларим бор. Бутун дунёни карантинга солган пандемия ҳақида ўз ижодим орқали фикр билдирмоқчиман. Аввалига иккиланган бўлсам-да, келажак авлод бу фожеани унутмаслиги, ҳар доим огоҳ бўлишга ундаб турувчи восита бўлиб қолиши учун бу мавзуга қўл уришга қарор қилдим.

Баҳодир Жалолов тарихий меросга бу – ўзига хос паришон олам, севги ва гўзаллик олами, деб таъриф берган. Бу оламни ўз ижодида доимий қизиқиш билан тасвирлайди. Рассом асарларида асосий ва юқори поғоналарда турувчи объект – бу, албатта, инсондир.



Комил ЖОНТӨЕВ



БУ ДАРГОҲ ФАХРУ ҒУРУР БАҒИШЛАЙДИ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг маънавий тикланиш ва янгилаш жараёнида Амир Темур бобомизнинг муборак номи, бой мероси ҳам тикланди. 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги мгносабати билан 1996 йил 14 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент шаҳрида Темурийлар тарихи давлат музейи учун махсус бино қуриш ҳақидаги қарори чиқди. Уша йили 18 октябрда музейнинг очилиш маросими бўлди.

Ўзида темурийлар даври ва замонавий меъморлик санъати услубларини мужассамлаштирган музей биноси Амир Темур давридаги саройлар кўринишида қурилган. Очилгандан буён мажмуадан зиёратчилар қадами узилмайди. Ушбу маскан Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини ҳаққоний акс эттириш ва кенг тарғиб қилиш, чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган тарихий ютуқларимиз, анъаналаримиз асосида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Музей «Давлат ноёб илмий объектлари» рўйхатига киритилган бўлиб, хазинасида Ўзбекистон тарихини акс эттирувчи ашёлар сақланади. Булар – Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид қўлёмалар, ёзишмалар, олтин, кумуш ва мис тангалар, Амир Темур мақбарасидан, Бибиҳоним масжидидан топилган ашёлар, сопол ва мис буюмлар, меъморий қопламалар, XIX-XX асрларга оид китоблар, этнографик буюмлар. Экспозициядан 1000 дан ортиқ экспонат жой олган.

Халқимиз моддий ва маънавий меросини жаҳонга тарғиб қилиш мақсадида музей халқаро кўргазмаларда ҳам иштирок этмоқда. Бу ердаги ноёб экспонатлар Франция, Германия, Австралия каби давлатларда ўтказилган кўргазмаларда намойиш этилди. Музей залларида халқаро кўргазмалар ташкил этилиши анъанага айланди. Мамлакатимизга ташриф буюрган кўплаб хорижий давлатлар раҳбарлари, расмий делегациялар халқимиз ўтмиши, маънавий мероси, хусусан, Амир Темур ва темурийлар даври тарихига катта қизиқиш билан қарагани туфайли ушбу масканга ташриф буюради. Ўтган давр мобайнида музейга жаҳоннинг турли давлатларидан 1300 га яқин расмий меҳмонлар, давлат ва жамоат арбоблари, БМТ, ЕХҲТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган ва «Музейнинг фахрий меҳмонлар китоби»га ўз таассуротлари, самимий дил сўзларини ёзиб қолдирган. Келгусида музейнинг Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганувчи, тарғиб қилувчи асосий маънавий-маърифий, илмий марказ сифатидаги ўрнини кучайтириш, музей экспозициясини темурийлар даври тарихига оид янги ёдгорликлар билан бойитиш, чет элдаги нуфузли музейлар билан алоқларни янада кенгайтириш режалаштирилган.

Мажмуада ўзбек давлатчилиги тарихини, Амир Темур ва темурийлар даври тарихини, анъана ва қадриятларимизни акс эттирувчи 90 дан ортиқ кўргазма ташкил этилди. «Темурийлар даври мусиқа асбоблари», «Темурийлар тарихига оид китоблар», «Мовароуннаҳр ҳукмдорлари», «Меросимиз давомчилари», «Амир Темур ҳаётидан лавҳалар»,



ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИ

«Шоҳруҳия – қалъа шаҳри Темурийлар даврининг ноёб ёдгорлиги», «Хориждаги меросимиз», «Амир Темур – Клавиҳо – Самарқанд», «Ўзбекистонда ёзув маданияти тарихи», «Тошкент – Шарқ дурдонаси», «Ноёб қўлёмалар хазинасидан» «Тошкент – ислом маданияти пойтахти», «Темурийлар даври ренессанси», «Темурийлар давлатининг дипломатик муносабатлари», «Жаҳон хазиналаридаги Темурийларга оид жавоҳирлар», «Тарихий обидаларимиз: кеча ва бугун», «Музей хазинасидаги нодир қўлёмалар», «Амир Темур даврида боғ яратиш санъати», «Тангаларда акс этган тарих», «Бобурийлар даври миниатюраларида Темурийлар меъморчилиги анъаналарининг давомчилиги» каби кўргазмалар шулар жумласидан.

Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва миллий истиқлол ғоясини синдириш мақсадида юбилейлар, тарихий сана ва байрамлар муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

– *Замонавий технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратяпмиз, – дейди мажмуа директори Хуршид Файзиев. – 2018 йил музейнинг мобил иловаси (ўзбек, рус, инглиз тилларида), 2019 йил 148 ноёб экспонатнинг QR-коди (ўзбек, рус, инглиз тилларида) яратилди. Республика музейлари ичида биринчи бўлиб интерактив сенсорли проектордан фойдалана бошладик. 2020 йилнинг илк кунларидан смарт-технологиялар жорий қилиниши музейшунослик соҳасида катта бурилиш ясади. Музейга келувчилар замонавий интерактив воситалар ёрдамида турли экспонатлар ва музей ҳақида қўшимча маълумот олиш имкониятига эга бўлдилар. Музей экспонатлари ҳақидаги маълумотлар Nazzag – инновацион иловаси ёрдамида реал элементлар билан бойитилди. Смартфонингизни музейнинг 21 нуқтасига ўрнатилган экспонат тасвири таъширилган АК белгили махсус тахтачаларга йўналтириб, керакли маълумотга ўзбек, рус, инглиз, француз тилларидаги аудио-видеогид ёрдамида эга бўлишингиз мумкин. Шунингдек, 3D динамикали голограммалар ҳам акс этиб, турли эффе́ктлар билан тўлдирилган. Ушбу инновацион лойиҳа Амир Темур ва темурийлар тарихини янада кенгроқ ёритиб беришга ҳизмат қилмоқда. Музей қошида ташкил этилган илмий гуруҳ юбилейлар муносабати билан чоп этиладиган китобларни нашрга тайёрлаш ишларини амалга оширди. Ўтган давр мобайнида «Амир Темур жаҳон тарихида», «Хива – минг гўмбаз шаҳри», «Бухоро – Шарқ дурдонаси», «Мозийдан таралган зиё», «Жалолиддин Манғуберди», «Термиз», «Шаҳрисабз – минг йиллар мероси» каби китоб-альбомлар чоп этилди.*

Музей жамоаси халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, ўзбек халқининг бой моддий ва маънавий меросини жаҳонга тарғиб қилиб келмоқда. Хусусан, Францияда ўтказилган «Темурийлар ренессанси», Германиянинг Ганновер шаҳрида ўтказилган «Экспо – 2000», Австралиянинг Сидней шаҳридаги Паурхаус музейида ўтказилган «Ёрқин гуллар: Марказий Осиё газламалари ва керамикаси» халқаро кўргазмаларида музейнинг ноёб экспонатлари намойиш этилди.

Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция доирасида «Дунё хазиналаридаги Темурийларга оид жавоҳирлар» фотокўргазмаси ташкил этилди. 2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан Туркистон шаҳридаги «Азрет Султан» давлат тарихий-маданий кўриқхона-музейи таклифига биноан 2018 йил «Темурийлар тарихи давлат музейи дурдоналари» фотокўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмадан Темурийлар тарихи давлат музейининг ноёб экспонатлари сурати ва музей нашрлари ўрин олди.

Музейда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда «Ноёб қўлёмалар», Эрон элчихонаси билан ҳамкорликда «Амир Темур ва Темурийлар даври миниатюралари», Ўмон Султонлигининг Хужжат ва архивлар Миллий бошқармаси билан ҳамкорликда «Узоқ ва яқин Ўмон» ҳамда «Азрет Султан» давлат тарихий-маданий кўриқхона-музейининг «Буюк дашт мероси» деб номланган фотокўргазмаси ташкил этилди.

Халқлар ўртасидаги дўстона муносабатлар, маданият ва музей иши соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида Темурийлар тарихи давлат музейи 2018 йил Озарбайжон Республикаси «Ширвоншоҳлар саройи» давлат тарихий меъморий кўриқхонаси, 2019 йил Беларусь Республикаси Миллий бадиий музейи ва 2020 йилда Қирғиз Республикаси Ўш шаҳри «Сулаймон Тоо» миллий тарихий-археологик музейи билан меморандум имзолади.

Темурийлар тарихи музейи Амир Темур ва унинг авлодлари даври ҳақида ҳикоя қилади. Бу ҳикоя ҳар биримизга фахр ва ғурур бағишлайди.



ХОНИМОЙ

АШША ГЕРМАН



Машхур эстрада хонандаси Анна Герман ҳаёти ва ижодини ўрганган москвалик тадқиқотчи Иван Ильичёв таъкидлашича, вояга етгач, туғилган шаҳри Урганчга бора олмагани санъаткорнинг энг катта армони бўлган.

Ўз даврининг машхур ва ҳозир ҳам севиб тингланадиган хонандаси Анна Герман 1936 йил Урганчда туғилган. Хўш, авлодлари польшалик бўлган Аннанинг тақдири қандай қилиб Хоразм билан боғланиб қолган?

Тарихдан маълумки, келиб чиқиши Нидерландиянинг Витмарсум шаҳрилик бўлган файласуф ва диншунос Менно Симонс христиан динини ислоҳ қилиб, ўз мазҳабини яратган. Анна Германнинг онаси Ирма Мартенс ўз хотираларида аждодлари ана шу мазҳабга эътиқод қилганини айтиб ўтади.

Меннонитлар эътиқодига кўра, кўлига қурол олиб урушда қатнашиш, одам ўлдириш, умуман, ёмонликка қурол кучи билан қаршилик кўрсатиш ёвузлик, ғайринисоний, ғайридиний ҳолат ҳисобланган. Табиийки, Менно Симонс яшаб, ўз эътиқодини тарғиб қилган даврда қироллар, ҳарбийлар ва улар итоатидаги руҳонийлар учун уруш бойиш ва ўз ҳудудини кенгайтириш манбаи эди. Шу боисдан Нидерландияда меннонитлар оқими қаттиқ қаршиликка учрайди ва улар XVI аср ўрталарида Пруссия, айримлари эса XVIII аср охири, XIX аср бошларида Украина, Россия ҳудудларига йўл олади. Хусусан, 1850-1884 йилларда Пруссиядан Россияга 18 мингдан зиёд меннонит кўчиб келган.



Ана шу муҳожирлардан бирининг авлоди бўлган ва Украинада яшаётган Давид ва Анна Мартенслар оиласида 1909 йилнинг 15 ноябрида қизалоқ туғилади. Унга Ирма дея исм қўйишди. 1911 йилда оилада Вильмар, 1920 йилда Герта туғилади.

Октябрь тўнтаришидан сўнг шўролар юритган демографик, мафкуравий сиёсат туфайли 1934 йил кўплаб поляк ва немислар Украина ва Россиядан Ўрта Осиёга кўчирилади. Шу тариқа Ирма Фарғона водийсига келиб, мактабда ишлай бошлайди. Уларнинг бахтига Ирманинг укаси Вильмар ҳам Фарғонада ҳарбий хизматда эди.

Кунлардан бир куни Ирма Чимёндаги нефть заводида ишлаётган Евгений Герман билан танишади. Асли Польшанинг Лодзь шаҳридан бўлиб, заводнинг мусиқа ансамблида дирижёрлик қиларди. Немис, голланд, рус тилларини мукамал билладиган Евгений билан Ирма турмуш қуради.

Бу янги оиланинг водийдаги осойишта ҳаёти, афсуски, узоққа чўзилмайди. Кунларнинг бирида фарғоналик ўзбек кадрдонлари Евгенийни чекистлар суриштира бошлаганини айтиб

қолади. Бу таъқиблар ва тақдир йўллари уларни янада чеккароқ туюлган Урганчга боришга мажбур қилади. Ёш оила айнан Хоразмни танлагани бежиз эмасди. Негаки бу пайтда Ирманинг укаси Вильмар Фарғонадан Урганчга келиб, зоотехник бўлиб ишлаётганди.

Ирма Урганчда Крупская номидаги мактабга немис тили ўқитувчиси бўлиб ишга киради. Евгений севган касби мусиқачиликни ташлаб Урганч нон заводида ҳисобчи бўлиб ишлайди. Урганчнинг Кўнақаъла қисмида яшовчи Германлар уйига театр яқин бўлиб, кечки пайтлари очиқ саҳнада намойиш этиладиган концерт овози улар хонадонига баралла эшитилиб турарди. Шунингдек, Ирма ва Евгений дам олиш кунлари ўша вақтда Акмал Икромов номи билан аталган театрга борар, ўзлари учун қизиқарли туюлган ўзбекча спектакль, концертлардан завқ олиб қайтарди. Маҳаллий аҳоли ила қилинган мулоқот боис улар ўзбекчани ҳам ўргана бошлаганди.

Герман оиласи қадимий Хивага ҳам тез-тез бориб турар, шаҳардаги кўкка буй чўзган миноралар, шарқ меъморчилиги обидаларини кўриб ҳайратга тушар, завқланарди.

1936 йил 14 февралдаги ёмғирли кун бу хонадонга қувонч ҳада этди – оилада қиз фарзанд дунёга келди. Евгений ва Ирма қизалоққа Анна-Виктория дея исм қўйишди. Кейинроқ оилада ўғил бола – Фридрих туғилади.



Ирма Мартенснинг «Хотиралари»да ёзилишича, урганчлик ўқувчилари немис тили ўқитувчисининг қизини овунтириш ниятида улар оиласига келиб туришарди. Ирма ўз ёдномасида ўқувчиларининг ўзбек тилида «Апа, апа, сизнинг қизингиз чиройли» дея айтган самимий сўзларини келтириб ўтган.

«Ҳаётимиз Урганчда сокин кечар, Хоразмдаги ўқитувчилик фаолиятимда тажрибам ортиб борарди. Афсуски, 1937 йилнинг ёзи иссиқ келиб, Анна касалланиб қолди. Кўз ўнгимда қизалоғим сўлиб бораётгандек эди. Уни даволатиш

учун Тошкентга боришга мажбур бўлдик. Эски шаҳардаги ўзбек хонадонидан ижарага уй олдик. Хонадон эгаси Аннани кўрибоқ «Бу паратиф, тезроқ докторга кўрсатиш керак», деди ва кўчага чиқиб, бир зумда керакли дорини топиб келди. Докторга кўринганимизда у ҳам юқоридаги ташхисни қўйди ва даволашга киришди», деб ёзади Ирма кундаликларида.

Ирманинг кундаликларида Тошкент ҳақидаги таассуротлар кўп бўлиб, ушбу шаҳарнинг гўзаллиги, таровати, Пушкин номидаги истироҳат боғи худди Лондондаги паркка ўхшаши, нозик дид билан дўппи кийган ўзбекларнинг чинни ликобча ушлаганча қўшиқ куйлаши, бу оҳангларнинг қалбларни тўлқинлантирувчи

АРМОҶИ

жозибаси ҳақида сўз юритилади.

Кўп ўтмай улар Урганчга қайтиб келишади. Ирма яна мактабда немис тилидан сабоқ беришда давом этади. Афсуски, бу пайтга келиб қатағонлар, қатлиомлар бошланади. 1937 йил 25 сентябрда Ирманинг эри Евгений ва укаси Вильмар «халқ душмани» сифатида қамоққа олинади.

Ирма эрини излаб кўп жойга боради. Хоразм ва Ўзбекистоннинг бошқа жойларидаги қамоқ, меҳнат лагерларидан қайтган одамлардан суриштириб, аниқ бир маълумот тополмайди. Ўшанда «қамоққа олинганлар Сибирга юборилганмиш», деган миш-миш тарқалганди. Шу боис Ирма болаларини Тошкентда, онасига қолдириб, эрини излаб Новосибиргача боради. Бир муддат ўша ердаги мактабда ҳам ишлайди. Маҳаллий халқдан, меҳнат лагерлари, қамоқхоналардан турмуш ўртоғи ва укасини суриштиради. Афсуски, изланишлар ҳеч бир самара бермайди. Ана шундай қайғу-ғамга берилиб юрган кунлардан бирида Тошкентдан яна ташвишли телеграмма келади: «Ўғлинг Фридрих оғир бетоб». Бу хабар Ирмани шошилини Тошкентга қайтишга мажбур қилади. Шу ўринда айтиш лозим, Евгений ҳамда Вильмар олиб кетилгандан сўнг, кўп ўтмай отувга ҳукм қилинган ва тезда ҳукм ижро этилган эди.

Ирма Тошкентга келгач, ўғли Фридрих вафот этади. Анна ҳам оғир бетоб бўлиб қолади. Ўзбек врачлари бор маҳоратини ишга солиб қизалоқни оёққа турғазашади. Энди уни соғлом қилиб вояга етказиш учун маоши кўпроқ иш топиш керак эди. Шундай иш топилади – Ирма Мартенснн Тошкент давлат педагогика институти кечки факультетида немис тили ўқитувчиси сифатида ишга таклиф қилишади. Кўп ўтмай Ўрта Осие давлат университетида ҳам немис тилидан талабаларга сабоқ бера бошлайди. «Мен аспирантурага кириш учун тайёрлана бошладим. Инглиз тилини мукамал ўрганишга киришдим. Шукурки, биз – ойим, мен ва Анна учаламиз ўзимизни хотиржам ҳис қилардик, чунки биз ижарага олган уй эгалари бўлмиш ўзбеклар жуда меҳмондўст, илиқ муомалали, доимо жилмайиб турувчи кишилар эди», деб ёзади Ирма.

Бундай сокинлик узоққа бормади. Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Бунинг устига уруш сабаб қатағон бошқача тўлқинда давом этди. 1942 йил январь ойи охирида кутилмаганда уларнинг эшиги тақиллайди. Бемаҳал келган чекистлар «пропискасиз яшайсизлар» деган баҳонада Ирма, онаси ва қизини темир йўл вокзалига олиб боришади. Бу ердан Бухоронинг Ромитан туманига жўнатишади. Кўп ўтмай улар Қозоғистоннинг Жамбул шаҳрига юборилади.

Бу орада Анна катта бўлиб қолган эди. У ўзбек ва қозоқчани тушунар, рус тилида бемалол гапирарди.

Ирма 1943 йили Герман Бренер деган поляк муҳожир билан танишиб, кўп ўтмай унга турмушга чиқади. Шундан сўнг оиланинг иқтисодий аҳволи бироз бўлса-да, яхшиланади. Аммо орадан кўп вақт ўтмай, Герман Бренер вафот этади.

Тақдирнинг бу зарбаларидан сўнг 1946 йили Ирма оиласи билан Польшага бориб яшашга рухсат олади. Олдин улар Но-



вая Руда, кейин Вроцлав шаҳарларида ҳаёт кечиради. Анна ҳам мактабда таҳсил ола бошлайди. Ўқувчилик давридаёқ нафақат мусиқага, балки тасвирий санъатга ихлоси боис турли тадбирларда қатнашиб, танловларда фахрли ўринларни эгаллайди.

Анна 1955-1961 йилларда Болеслав Берута номидаги Вроцлав университетининг геология факультетида таҳсил олади. Бироқ санъатга бўлган ҳавас Аннани сахнага бошлайди. Вокал, жаз ва эстрада жанрларида кўшиқлар куйлаб обрў-эйтибор ортиради.

Анна Герман 1965-1982 йиллари дунёнинг энг машҳур санъаткори сифатида танилади. Унинг «Катюша», «Надежда» сингари юздан зиёд рус тилидаги кўшиқлари нафақат собиқ иттифоқда, балки бутун дунёда оммабоп кўшиқларга айланади. Аннани, ҳатто, Рим папаси ва дунёдаги кўплаб давлат раҳбарлари концерт дастурлари бериш учун ватанига таклиф қилишади. У Тошкент, Самарқанд шаҳарларида ҳам бир неча бор ўз дастурларини намойиш этади. Афсус, Урганчга бориш, туғилиб ўсган, болалиги кечган Хоразмни тавоф қилиш унга армон бўлиб қолади. Зеро, 1967 йил 27 августда Италияда бўлган автохалокатдан олган жароҳати унинг олис Урганчга боришига монелик қиларди. Анна Констанчин шаҳридаги клиникада даволаниб чиққач, 1969 йилдан яна сахнага қайтади.

Дунё бўйлаб Аннанинг концерт дастурлари ғоят шов-шувли тарзда давом этади. Европа давлатлари, собиқ иттифоқ, Австралия, АҚШ, Канада... Хуллас, ўз давридаги доврқли ҳамма санъат қошонасида унинг олқишларга бурканган кўшиқлари янграрди.

Ана шундай доврқу шодликлар, тантаналарга тўла 1979 йили Анна Тошкентга келади ва Урганч сафарини режалаштириб кўяди. Афсуски, бу сафар ҳам хасталик қайталаниб, оғриқлар кучайганидан шифокорлар уни олис Хоразмга боришига рухсат бермайди.

Шундай қилиб, Анна Германнинг орзуси армон бўлиб қолади. Ўз даврининг ва ҳозир ҳам шону шухратини йўқотмаган хонанда 1982 йилнинг 26 августидан оғир касалликдан сўнг вафот этади. Бу вақтда у эндигина 46 ёшга тўлганди...

Умид БЕКМУҲАММАД

Guliston 2020/6 41

Музей — Шаҳар

Хитой дунёнинг қадимий ўчоқларидан бири. Тарихдан маълумки, дунёдаги барча ҳукмдорлар ўз давлатининг кучини маҳобатли бино ва ишоотлари орқали намоён қилган. Бу борада хитойликлар айрим эътирозлар Буюк Хитой деворидан ошиб ўтолмайди, деб ҳисоблашади.

Эгаллаб турган майдони, маҳобати ва ажойиб меъморий ечимга эга бинолари билан дунё маданий мероси рўйхатига олинган Хитой императорлари саройи бу заминнинг яна бир тилсимотидир. Қадимий бинолар комплексининг тўлиқ номланиши ЦЗИЦЗИНЧЕН, яъни, тақиқланган қизил шаҳар деб аталган экан. Кейинчалик, ГУГУН – ўтган ҳукмдорлар саройи, деб юритилган. Ҳозир уни император саройи, ёки қишқик сарой деб аташади. Саройни шаҳар ичидаги шаҳар, деб ҳам таърифлашади. 72 гектар майдонда жойлашган бу мажмуа дунёдаги энг йирик сарой ҳисобланади. Бинолардаги хоналар сони 9999 дан иборат. Хитойликлар 9 сонини яхши кўриши сабабли яна бир хона қўшмаган. Пекин шаҳри марказидаги Тяньаньмень майдонида жойлашган сарой Мин сулоласидан бошлаб Цин сулоласигача, яъни, 1420 йилдан 1912 йилга қадар Хитой императорлигининг асосий мажмуаси бўлган. Ўша вақт мобайнида сарой ҳам императорлар ва уларнинг оила азолари яшаш жойи ҳамда Хитой ҳукуматининг тантаналар ва сиёсий маркази сифатида хизмат қилган. Мин ва Цин сулоласининг 24 императори айнан шу ердан давлатни бошқарган. Хитой императорлари саройи 1406-1420 йилларда қурилган. Ўтган даврларда сарой бинолари мажмуасида ёнгин ва табиий офат туфайли кўплаб таъмирлаш ишлари олиб борилган. Албатта, бу ишлар ўта синчковлик ва юксак маҳорат билан бажарилиши натижасида бинолар кўринишининг асли ҳолати сақлаб қолинган.

1925 йилдан бошлаб сарой музейга айлантирилиб, Мин ва Цин сулоалари императорлик коллекциялари базаси яратилди. 1987 йилда сарой-мажмуа ЮНЕСКО томонидан бутун жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Шунингдек, ЮНЕСКО томонидан дунёдаги қадимий ёғоч иморатлари энг кўп сақланган шаҳар сифатида ҳам рўйхатдан жой олган. Ички шаҳарнинг умумий лойиҳасидан бошлаб, майда деталларгача фалсафий ва диний тамойилларни намоиш қилиш, император ҳокимиятини ифодалаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Айрим деталлар ўзи ҳақида сўзлаб туради. Масалан, сариқ – импе-

ратор ранги. Шу сабабли саройдаги барча томлар сирланган сариқ плиталар билан ёпилган. Фақат икки ҳолат бундан мустасно. Сарой кутубхонаси томи қора. Сабаби Хитойда қора ранг сувни англатади, яъни бино ёнмайди, деган маънони ифодалайди. Тахт вориси қароргоҳи томи яшил рангда. Хитой



анъаналарига кўра, яшил ранг дарахтга қиёсланган бўлиб, юксалиш, ривожланишни англатади.

Ички ва ташқи саройнинг барча асосий заллари осмонни ифодаловчи Цянь триграммаси шаклида уч гуруҳдан ташкил топган. Бошқа томондан ички сарой қароргоҳлари ерни ифодаловчи Кунь триграммаси шаклида олти гуруҳга тартиб-лаштирилган.

Бино томи нишабларида Қақнус устида ўтирган инсон тасвирланган. Унинг ортидан аждар хайкалчалар қатори билан безатилган. Охирида император аждари жойлаштирилган. Хайкалчалар сони бино нуфузини билдириб турган.

Унчалик аҳамиятсиз бўлган биноларга 3 ёки 5 хайкалча қўйилган. Олий уйғунлик залида 10 та хайкалча бўлиб, империя даврида олий мақомга сазовор бўлган ягона бинодир.

Иморатлар қадимий анъаналар асосида лойиҳаланган. Жумладан, аждоқлар ибодатхоналари сарой рўпарасида, омборлар мажмуанинг олд қисмида, турар жойлар орқа томонда жойлашган. Мажмуа уч тарафдан император боғлари билан ўралган. Шимолда Манзарали тепалик номи билан машҳур Цзиншань боғи жойлашган. Ғарб томондан Чжуннаньхой – подшоҳ боғи ўрин олган. Шимоли-ғарбда Бейхай – икки жанубий кўл туташган жойда яна бир подшоҳ боғи жойлашган. Қизиғи шундаки, сарой худудида бирорта дарахт экилмаган. Император хавфсизлигини таъминлаш мақсадида боғлар фақатгина сарой деворлари ортида барпо қилинган. Кўп асрлик дарахтлар ҳозирги кунгача боғда сақланиб қолган. Бугунги кунда, ҳатто, қуриб қолган дарахтлар ҳам хотира сифатида муҳофаза қилинади.

Сарой, асосан бир қаватли бинолардан иборат. Қадим Хитой меъморчилиги томнинг ёпилиш қисмида кўзга ташланади. Бинолар томини бу услубда ёпиш ва уларга ишлатиладиган минглаб сопол плиталар оғирлигини кўтариб туриш учун бино деворларига қўшимча устунлар қўйилган.

Музей ичи Хитой халқи амалий санъатида оид сан-саноксиз экспонатлар тўплами билан безатилган. Коллекцияда қадимий чинни буюмлар, сопол идиш намуналари, нефрит, бронза ва кумушдан ишланган заргарлик буюмлари, ранг-тасвир, мрамар ва ёғоч ўймакорлиги, фил суякларидан ясалган буюмлар, қадим хитой график санъати намуналаридан тортиб император либосларигача



учратиш мумкин.

Шаҳар ичидаги шаҳар номини олган бу мажмуада фақат император ва унинг оиласи, давлат бошқарувига тегишли амалдорлар, саройнинг махсус кўриқчилари ва хизматчилари яшаган. Саройдан рухсатсиз чиққанлар ёки яширинча саройга киришга уринганлар жазоланган.

Ҳозирги кунда император музейи – «ГУГУН» дарвозалари барча томошабинлар учун очиқ. Тақиқланган шаҳарни томоша қилиш учун дастлаб чипта сотиб олиш ва асосийси 72 гектар майдонда барпо этилган, 9999 хонадан иборат бинолар комплексини айланиб чиқиш учун истак ва хоҳишнинг ўзи камлик қилади, куч-қувват ҳам зарур бўлади.

Ўз даврида ёпиқ шаҳар ҳисобланган ушбу меъморий ансамбль бугунги кунда очиқ музей ҳисобланади. Бу ердаги ҳар бир экспонат кадрланади. Мажмуа директори Шань Цзисян фикрича, ушбу музей – шаҳар қиёфаси хитой халқининг ҳунармандлик, амалий санъат, хайкалторошлик, тасвирий санъат ва меъморчилик соҳасида



эришган ютуқларини сўзсиз намоиш қилиб туради. Биноларга қўйилган бир дона ғишт ҳам аслида бебаҳо ва нодир ҳисобланади.

Музейга ташриф буюрувчиларнинг аксарияти император тахтини кўришни истайди. Сарой юраги ҳисобланган тахт асоси ёғочдан ишланган бўлиб, юза қисмлари ва атрофлари тилла рандаги аждар тасвирларига уйғунлашган нақшлар билан безатил-

ган. Император оиласига тегишли кундалик буюмлар ва либослар атрофи ҳам ҳар доим музей меҳмонлари билан гавжум. Энг нодир экспонатлар қаторига болалар ўйинчоқлари ҳам кирар экан. Цин сулоласининг сўнгги 12 императори орасидан беш нафари болалик чоғида тахтга ўтирган. Улар давлат бошқаруви ва зарур расмий маросимлар пайти тахтга чиққан. Бошқа пайтлари ўйинчоқлар билан овунар эди. Ўша ўйинчоқларни кўриш учун бугунги кунда минглаб одамлар император саройига ташриф буюради. Шань Цзисяннинг таъкидлашича, Хитой музейлари чет давлатлардан экспонат олмаган. Гугун эса бу анъанани бироз бузган ҳолда императорликка чет эллик элчилар томонидан келтирилган антиқа совғаларни, 13 мингдан ортиқ санъат асарлари тўпламини йиға олган.

Хитойда нефритга ишлов бериш анъанаси беш минг йиллик тарихга эга. Нефритдан ясалган буюмлар ҳар доим юқори баҳоланган. Тақинчоқ, гулдон, ҳатто муҳр асоси ҳам нефритдан ишланган. Император саройига келган одам Хитой халқининг фахри бўлган чинни буюмларини ҳам катта қизиқиш билан томоша қилади. Чин-мочиннинг чинничилик анъаналари авлоддан авлодга ўтиб, такомиллашиб бораётган бўлса-да қадим чинничилик санъати ўзининг латиф жозибаси билан меҳмонларни жалб қилиб туради.

Ҳар бир халқ ўз анъаналари, теран томирларини асрашга, авлодлардан авлодларга ўтказишга ҳаракат қилади. Хитой халқи Буюк Хитой девори даражасида сайёҳларни жалб этадиган Император саройи музейини борича асрашга, йиллар ва ташқи таъсирлардан ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратади.

Комил НИЁЗОВ тайёрлади.

ЎЗ ИШИЧИЧГ УСТАСИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Содиқ Маҳкамов 75 ёшга тўлибди. Вақтнинг ўтишини қаранг, гўё кечагина танишган эдик. Шунга ҳам 55 йил бўлибди.

Мен 1965 йили «Ўзбекистон маданияти» газетасига ишга кирдим. Ўша пайтда «Ўзбекистон маданияти» газетаси таҳририяти машҳур «Навой-30»да эди. Газета бирлашган нашриёт (ҳозирги «Шарқ» НМИУ) босмахонасида босиларди.

Менинг асосий вазифам тайёр материалларни босмахонага олиб келиб топшириш ва бошқа майда-чуйда дастёрлик ишларини бажариш эди.

Иш бошлаган кунимнинг эртаси куни масъул котиб Миад Ҳакимов олдига чақириб, қўлимга бир даста материал берди. Хонасида ўтирган қадди-қомати келишган, кўри-нишидан зиёли оиланинг фарзанди экани сезилиб турган йигит билан таништирди.

– Бу йигит фотомухбиримиз Содиқ Маҳкамов, – деди масъул котиб. – У сизни ҳозир босмахонага олиб боради, материалларни кимга топшириш кераклигини, хуллас, барча йўл-йўриқни ўргатади.

Шундай қилиб, Содиқ Маҳкамов раҳбарлигида редакция ва босмахона ўртасида



Озарбайжонда ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасини ёритиш учун борган ўзбекистонлик журналистлар. Чапдан иккинчи С.Маҳкамов, Боку, 1979 йил. (Сурат биринчи марта эълон қилинмоқда).

қатнаб, кимга нимани топшириш лозимлигини билиб олганман. У мендан икки ой олдин ишга келган, тез орада барча ишларни ўрганиб, ҳамма билан қадрдон бўлиб олишга улгурган экан. Кейинчалик билдимки, Содиқнинг отаси Жўра Маҳкамов Эски жўва бозорида ўша пайтдаги машҳур китоб магизини директори экан. Шунданми, у китобга ўч, ғоят одобли, маърифатли, хушмуомала эди.

Шу-шу Содиқ билан қадрдон бўлиб кетдик. Кейинчалик мен адабий ходим, катта адабий ходим вазифаларида ишладим. Бу йилларда Содиқ Маҳкамов билан жуда кўп сафарларга бордик. Республикамининг барча вилоятларида бўлганмиз, десам хато бўлмайди.

1970-йиллари Қарши чўлини ўзлаштириш авжига чиққан. «Қаршистрой» деган жуда катта ташкилот бўларди. Бутун чўлни ўзлаштириш ишини шу ташкилот бошқарарди. Ўша пайтларда йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан муайян таҳририятлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатилганди. «Ўзбекистон маданияти» газетаси ана шу «Қаршистрой» билан ҳамкорлик қилар, шу боис Қарши чўлини ўзлаштириш жараёни газетада мунтазам ёритиб бориларди. Бу ишда фотомухбирнинг ўрни алоҳида эди. Чўлга Содиқ Маҳкамов икковимиз деярли ҳар ой бир бориб

МУШТАРИЙЛАР ИЖОДИДАН

ДИЛ ҚУШИ

Айланг кўкка кўшиқларим, парвоз-парвоз,
Сўйланг, кўпдир дилда элга дилроз-дилроз.

Чарх урсинлар сахналарни обод этиб,
Товус мисол хиром ила дилноз-дилноз.

Шўх шамоллар, майли сирим айтинг ёрга,
Муҳаббатим айлағумдир эъзоз-эъзоз.

Машҳурликка зарра қадар даъвойим йўқ,
Машҳурлар кўп олам аро мумтоз-мумтоз.

Тўйлар бўлсин, келин келсин ҳар бир уйга,
Давраларда ўзим куйлай «Шаҳноз», «Шаҳноз».

Анджон-у Тошкент аро йўлим менинг,
Гул-чечаклар йўлларимга пешвоз-пешвоз.

Ул муқаррам, ул муҳаррам волидалар
Дуолари, тилаклари ҳамроз-ҳамроз.

Икромжоннинг кўшиқлари қанот ёзса,
Куйга тушса байтлари ҳам қийғос-қийғос.

Ёзмади бир бора менга ул қамар рухсор хат,
Келмади меҳрин ифорин айлабон ошкор, хат.

Ўзга ошиқларга етди қанча мактублар равон,
Гоҳида гулхат етишди, гоҳи етди қорхат.

Нечалаб хатлар оқиздим, оқди-ю кетди тамом,
Ёки ёрим сори элтиб бермади анҳор, хат?!

Тонгда офтобу шабистон ичра ойга термулиб,
Бир дарак кутдим, дилимни айлади бедор хат.

Кузда кетган турналардан йўладим беҳад салом,
Келса, деб кўкларда шояд битта хуш гуфтор хат.

Билмасин, деб оташин туйғуларимнинг авжини,
Йўлдамасдир, эҳтимол, ул шўху шаън айёр хат.

Лаб уза хаттин ўқиш ҳам ҳеч муяссар бўлмади,
Ёзма бас Икромжон энди, йўллама зинҳор хат.

Икромжон АСЛИЙ
Анджон

келардик. Ўша йиллари жуда кўп мақола, лавҳа, очерклар ёзилган. Тўлғаной Норбўтаева, Ҳайитмурод Фармонов каби ўша даврнинг машҳур пахтакор, чўлқуварлари билан суҳбатлар, улар ҳақида ёзилган очерклар ҳамон ёдимда.

Содик билан республикаимиздан ташқарига ҳам бир неча марта командировкага борганмиз. Москва, Озарбайжон сафарлари сира хотирадан кўтарилмайди. Айниқса, 1979 йил июнь ойида Озарбайжонда ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси жуда қизиқарли, мазмунли, эсда қоларли бўлган. Тадбирда ўша пайтдаги Ўзбекистон Компартияси Марказий кўмитасининг мафкура бўйича котиби Оқил Салимов раҳбарлигида юртимиздан юзга яқин ёзувчи ва шоир, санъаткор, олим иштирок этган. Содиқ Маҳкамов билан мен «Ўзбекистон маданияти» газетаси муҳбири сифатида қатнашиб, декада кундалигини мунтазам ёритиб борганмиз.

Шуларни ёзганману ҳозирги муҳбирларга анча осон ва қулай эканига ҳавасим келади. У пайтда бошқа республика у ёқда турсин, вилоятлардан материал жўнатиш ҳам минг азоб эди. Асосан сафарга бориб келингандан кейин ёзиларди материал. Суратлар ҳам кейин ишланарди. Ҳозирги имкониятлар у вақтлари ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаган. Ҳатто оддийгина, бугун деярли ишлатилмайдиган факс ҳам йўқ эди-да.

1982 йили газетамиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» номи билан ҳафталикка айланди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор бош муҳаррир этиб тайинланди. Мени масъул котиб лавозимига ўтказишди. Шундан кейин фотомуҳбир, яъни Содиқ Маҳкамов билан ишимиз янада яқинлашди. Газетанинг ҳар бир сонини қандай безаш лозимлиги, биринчи саҳифага қайси суратни бериш кераклиги хусусида обдон фикрлашардик. У пайтлар ҳозирги фотоаппаратлар йўқ, суратлар плёнкага олинар, қоронғи хонада ишланар, хуллас, жараён жуда узоқ ва мураккаб эди. Содиқ Маҳкамов ўз ишининг ҳақиқий устаси эди, касбини севарди. Кутилмаган рақурслардан кадр олар, газетанинг деярли ҳар бир сонига лоақал битта бўлса-да, ҳаммининг ҳавасини келтирадиган фото тушириб келарди. Жума куни газета чиққач, таниқли журналистлар, ёзувчилар, санъаткорлар, оддий газетчилар кўнгирак қилиб, жамоани табриқларди. Содиқ Маҳкамов ўша йиллари республикадаги энг маҳоратли, истеъдодли фотомуҳбирларнинг олдинги сафида турарди. Айниқса, бадиий фото олишда унинг олдида тушадигани йўқ эди, десам муболаға бўлмайди.

Шу ўринда муҳбир ва фотомуҳбир ҳамфикрлиги, улар бир-бирини тушуниши ниҳоятда муҳим эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу борада ҳам Содиқ Маҳкамов ишончли ҳамкор эди. Сафар давомида ўзаро маслаҳатлашиб иш кўрардик. Тошкентдаги 22-Меҳрибонлик уйдан, Қариялар уйдан материаллар тайёрлаганимизда бу ҳамжиҳатлик жуда кўл келган. Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болаларнинг мунгли кўзлари, Қариялар уйидаги отахону онахонлар юрагидаги дард, ҳасрат акс этган суратлар ҳамон кўз ўнгимда. Бу нигоҳларга қарашга юрагим чидамасди. Ана шулар таъсирида «Меҳр



Шахмат ҳам саҳна каби истеъдод ва маҳорат талаб қилади. Ўзбекистон халқ артистлари Сора Эшонтуряева, Ёқуб Аҳмедов. С.МАҲКАМОВ фотоси

кўп кўргиздим...» пьесасини ёздим. Асар кўпгина театрларда қўйилди, телевидение орқали бир неча марта намойиш этилди, радиода қайта-қайта эшиттирилди...

Яна бир жиҳат. Маҳкамовнинг жуда бой архиви бўлиб, республиканинг барча ёзувчи ва шоирлари, хонандалари, актёр ва актрисалари, режиссёрлари, олимлари, шунингдек, қардош республикалар иждоқорлари суратлари жамланган эди. Бу бебаҳо архив ҳозир қарерда, қай аҳволда, афсуски, билмайман. Содиқнинг ўзидан бир-икки сўраганимда ҳафсаласизлик билан қўл силтаган. Шунинг ўзидан кўп нарсани тушунганман...

Содиқ Маҳкамов анча йилдан буён пенсияда. Мамлакатимиз журналистикасида, айниқса, фотожурналистикасида муносиб ўрни бор. Зеро, ҳозирги ўзбек матбуотида унинг кўплаб шогирдлари ишламоқда.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, таниқли фотомуҳбир, садоқатли дўст, диёнатли, инсофли инсон Содиқ Маҳкамовни муборак 75 ёши билан чин дилдан қутлайман, унга узоқ умр, сихат-саломатлик тилайман.

М. ҲАЗРАТҚУЛОВ

СЕНГА ЖОН ФИДО

Ҳаётимда азизам сен ёлғиз, танҳо,
Бунга гувоҳдир еру бепоён само.
Ёнингда эмасман, сен билгин аммо,
Сенга жоним фидо, сенга жон фидо.

Соғиниб яшайман кеча-ю кундуз,
Сен қалбимдаги энг ёрқин юлдуз.
Оллоҳимга бўлсин кўп ҳамду сано.
Сенга жоним фидо, сенга жон фидо.

Осмонларга учаман меҳрингдан, ишқдан,
Сени доим севаман, ишон, чин дилдан.
Сенсиз қиламан то абад нидо,
Сенга жоним фидо, сенга жон фидо.

Бегим, дея мени суюб атадинг,
Баъзан севмайман, деб мени алдадинг.
Айтгин, жоним, сенмисан ҳумо,
Сенга жоним фидо, сенга жон фидо.

Доим кулиб боқасан, мисли ой каби,

Сен менга ёқасан, худди ой каби.
Токи ҳаётимдан бўлгунча жудо,
Сенга жоним фидо, сенга жон фидо.

Тентираб юрибман қоронғу чўлда,
Аждодлар руҳини қилиб безовта.
Олий мақсадлар бор ҳали йўлимда,
Авлодлар камоли менинг бўйнимда.

Сокинлик ичидан келар бир овоз,
Уйғонгин отажон, уйғонгин болам.
Кимнинг ноласи бу, тортади уввос,
Балки бу бобомми, балки бу онам?

Бирдек қучгим келар ҳаммани бирдан,
Севгим келар барчани юрагим ёниб.
Лек, кимдир итарар менинг кўксимдан,
Жигарлар дилимни парчалаб, ёриб.

Бу она юртга тегдими корим,
Қандай зурриёд бўлдим она Ватанга?
Орқалашга юкни етмади ҳолим,
Уҳшаб қолдим, наҳот, бевурд сатанга

Кўчада юраман кўксимни кериб
Кимсалар қарайди менинг оғзимга
Балки қачондир қаро кун келиб,
Бир содиқ дўст келмас, ҳатто, соямга.

Севдим санамларнинг оҳу кўзларин,
Ой мисол барқ урган гўзал юзларин
Тополмадим аммо Кумушбибидай
Иболи, ҳаёли тўғри сўзларин

Бу дунё ўткинчи ҳавасларидан,
Яшнаб турган чўғларга урдим танимни.
Билмабман мен ўша олтин қафасда,
Чеккан азобларин шўрлик булбулни.

Тентираб юрибман қоронғу чўлда,
Аждодлар руҳини қилиб безовта.
Аммо олий мақсадим – муносиб бўлмоқ,
Аждодлар бошлаган порлоқ бу йўлда.

Аббос МҶМИН
Самарқанд

Куч ишлатиш кишининг руҳини ошқор этмайдиги



Маҳатма Гандининг «Менинг ҳаётим» асари инсоннинг шахсий ва ижтимоий юксалиши, ўзлиги ва Ҳақиқатни англашидаги узоқ, машаққатли йўл ҳақида. Маълум бир жамият ёки миллат, бундан ҳам ортиб инсоният фаровонлигига хизмат қилган шахсларнинг биографик асарлари ҳақида, ҳамма замонда кўпчиликнинг эътиборини тортган, қадрланган. Бундай асарлар мутолаасини танлаган китобхон ўз олдига завқлинишни эмас, ўзидан икки, балки ўн чандон тафаккури юксак, ҳатти-ҳаракати гўзал инсондан ибрат олиш, унинг ҳаётий тажрибасини ўрганишни мақсад қилади. Шу маънода «Менинг ҳаётим» ўзини топишга интилган ҳар бир одам учун қимматлидир.

Муаллиф «Агар ушбу китобнинг ҳар бир саҳифаси китобхонга ҳақиқатни англашнинг ягона воситаси аҳимса эканини англамасан, асар устидаги барча меҳнатимни бир пулга қиммат ҳисоблайман», дейди. Хўш, Ганди бир умр интилган аҳимсанинг ўзи нима? Аҳимса – зўравонликдан тийилиш, куч ишлатмаслик сиёсати. Браҳмачарйа – иффат, аниқроғи, фикр, сўз ва ҳатти-ҳаракатдаги туйғулар тийиқчилиги, апаригра – таъма қилмаслик. Маҳатма Ганди бир умр мана шу уч хислат, руҳий поклик ва бошқа инсоний фазилатларга нисбатан мутлақо онгли равишда ёндашиш, мудом шу туйғуларга амал қилиб, содиқ қолишга интилиб яшаган.

Ганди ва унинг оиласи, ҳатто, энг оғир дамларда ҳам ҳиндлар учун муқаддас саналгани, шунингдек, дин тақиқлагани боис сигир сути ва гўшти истеъмолдан тийилган. Ўғли безгақдан, хотини кўп қон йўқотиб, ўзи эса руҳий зўриқиш туфайли ажал ёқасига келиб қолганда ҳам ирода кучи тақиқни бузишга йўл қўймаган. Бу жараёни улар иймон синови, деб билганлар.

Маҳатма Ганди шахсий баркамолликка етишиш йўлида нималар қилган?

Аввало, китобга дўст тутинган. «Бхагавад-Гита», «Упанишадлар», «Инжил. Янги Аҳд», Вашингтон Ирвиннинг «Муҳаммад ва саҳобалар ҳаёти», Томас Карлейлнинг «Қаҳрамонлар ва тарихдаги қаҳрамонликлар», Эдвин Арнольднинг «Осиё зиёси», Фридрих Нитшенинг «Зардўшт таваллоси», Елена Блаватскаянинг «Илоҳийшуносликка кириш», Анни Безантнинг «Қандай қилиб илоҳиётчи бўлдим?» ва «Самовий кўшиқ» каби диний асарларни ўқигач, унда динларга нисбатан ҳурмат, муроса шаклланган. Ахлоқ барчасининг негизи, ҳақиқат эса ахлоқнинг моҳияти эканини тушуниб етган. Англияга жўнаш олдидан ичган қасами – уч нарса, яъни шаробга, аёлга ва гўштга даҳл қилмаслик унинг бир умрлик эътиқодига айланган.

Ўз соҳаси – ҳуқуқшуносликка доир «Жон Кей ва Жорж Брюс Маллесоннинг 1857 йилги қўзғолон тарихи», «Қонунийлик тамойиллари»,

Жон Мейннинг «Ҳинду ҳуқуқи», Ричард Шеллнинг «Адолат ҳуқуқи», Жон Уайт ва Елизавета Тюдорнинг «Суд жараёни» китоблари билимини мустаҳкамлаш, мазлум халқини қуллик кишини ва хўрликдан озод этишда асқотди. Шунингдек, Ганди айнан мутолаа натижасида касбий фаолиятда юқорилаш учун зийрак, кучли хотира ва қобилият эгаси бўлиш у қадар шарт эмас, ҳалоллик ва меҳнатсеварлик кифоя, деган қарорга ҳам келган.

Маҳатма Ганди Толстой асарларини севиб, қаттиқ таъсирланиб ўқиган. Макс Мюллернинг «Ҳиндистон. У бизга нимани ўргатади?», Лаватор ва Шеммельпенникнинг «Физиогномика», Нармадасанкарнинг «Дҳарма Вичар», Жон Рёскининг «Ҳам биринчи, ҳам охири бўлганга» сингари асарлари уни ўз халқи тарихини чуқурроқ ўрганиши, омма билан самарали мулоқот қилиши, нотиклик сирларини ўзлаштиришида муҳим омил бўлган.

Албатта, ҳар қандай билим амалиёт билан боғланса, инсон ҳаёти давомида қўллансагина, қимматлидир. Ганди назария билан чекланиб қолмаган, одамлар ҳаётини ўрганиш ва оғирини енгил қилиш учун тинимсиз хизмат сафарларида бўлган. Жумладан, Жанубий Африка ва Ҳиндистоннинг барча музофотларида туб аҳоли ҳаётини ўз кўзи билан кўрган, кишилар билан мулоқот қилган ва албатта, қаерга бормасин, ўз олдига қўйган асосий мақсади бўлмиш халқини зулмдан қутқарган.

Шу ўринда савол туғилади: Гандининг халқи олдидаги унутилмас хизмати нимадан иборат эди?

У аввало, ҳиндларни ўз ҳуқуқини билишга ундаган. Норанжлар республикасидаги ҳиндлар 1888 йилда, ҳатто, ундан олдинроқ махсус қонунлар билан қабул қилинган барча ҳуқуқлардан маҳрум эдилар. Масалан, Трансваалга кириш чоғида ҳиндлар 3 фунт стерлинг миқдорига жон солиғи тўлаши шарт, мулкчилик, сайлаш-сайланиш ҳуқуқидан мосуво бўлганлар. Бундан ташқари, улар «рангилар» учун белгиланган бошқа қонунларга ҳам бўйсунушга мажбур эдилар. Ҳиндлар учун тротуарда юриш, кечки соат тўққиздан кейин кўчага рухсатсиз чиқиш ман этилган, қонунни қўллаш полиция ихтиёрига ташлаб қўйилганди. Ганди Трансваал, Претория, Натал каби шаҳарлардаги ватандошлари тақдирини ўзгартириш учун «Сатйаграҳ» (сат – ҳақиқат, аграҳ – қатъийлик) жамиятларини тузади ва ҳиндларни ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишга чақиради. Алал-оқибат Жанубий Африкада ҳиндлар учун «дахлсизлик» қонуни бекор қилинади.

Ҳиндистоннинг ўзида эса унинг саъй-ҳаракатлари билан юз йил давомида амал қилиб келинган тинкантия тизими бекор қилинди. Натижада планаторлар ҳукмронлиги барбод бўлди. Ҳар доим камситиб келинган раиятлар бироз ўзларига келиб олишди, индиго доғини ювиб

кетказиб бўлмади, деган ақида барҳам топди.

Мамлакатда қашшоқлик ва очлик юқори даражага чиқиб, нон учун курашиш ҳар қандай одоб ва ўзаро ҳурмат туйғуларини йўққа чиқаради. Саховатпеша инсонлар эса одамларни нон берадиган иш билан таъминлаш ўрнига уларга садақа итқитганлар. Ганди амалдор хўжайин эмас, балки халқ хизматкоридир, чунки у солиқ тўловчи чўнтагидан маош олади, деб одамларнинг миясига синдириб, деҳқонларни кўркувдан халос қилди. Уларни ҳартоп (иш ташлаш)га чақириш орқали халқига ўз қадр-қимматини билишни ўргатди ва амалдорларнинг попугини пасайтириб қўйди. Шунингдек, эрта никоҳга барҳам бериш (Ганди 13 ёшида, ҳатто, огоҳлантирилмай, ота-онаси томонидан уйлантириб қўйилган), солиқларни камайтириш, яқка ҳокимликни йўқотиш, тақиқланган адабиётларни сотувга қўйиш, ҳинд тили обрўсини тиклаш каби кўплаб масалаларда амалий ишлар қилган.

Моҳандас Карамчандни Маҳатма (Буюк қалб) Ганди деб аташларига унинг шахсий камолоти ва халқи олдидаги чексиз хизмати сабаб бўлган. Бинобарин, унинг ўзига ҳеч қачон «маҳатма» деб номлашлари, уни мақташлари ёқмаган. Гандининг фикрича, мукамал покликка эришиш фикр, сўз ва ишда эҳтиросдан тўла халос бўлмоқ, мақтов каби бошқа туйғулардан юқори турмоқ керак.

ИҚТИБОСЛАР:

Инсоний эҳтирослар устидан ғолиб келиш менга қуролли кучлар ёрдамида дунёни забт этишдан ҳам қийинроқ ишга ўхшаб кетади.

Шу мамлакатнинг ўзида бўлаётган мажлисларда, бевосита шу мамлакатга тааллуқли ишда унинг тили «табу» деб эълон қилинса ва менга ўхшаган тасодифий одамнинг ҳиндустонийда ирод қилинган нутқи, ҳатто, табрик-олқишларга сазовор бўлса, мамлакат учун нақадар фожиали! Бундай кўнгилсиз воқеалар бизнинг нақадар пастга уриб юборилганимиздан гувоҳлик беради, холос.

Баркамолликка тинимсиз интилиш – ҳар кишининг ҳуқуқи. Бу унга берилган шахсий мукофот. Қолган ҳаммаси Худонинг қўлида.

Даъволашаётган томонларни яраштириш – оқловчининг ҳақиқий мақсади эканини англаб етдим.

Бойлик, ҳокимият ва мартаба йўлида инсон содир этган гуноҳ ва қилмиш тўлови нақадар оғир!

Браҳмачарйага интилган одам ҳар доим ўз камчиликларини англайди, қалбининг энг чуқур жойида яширинган эҳтиросни қидириб топади ва муттасил ўз муаммоларидан халос бўлишга интилади.

Беихтиёр юзага келадиган фикр ақл бетолидир.

Севара АЛИЖОНОВА

ЛАТИФАЛАР

Янги йил оқшоми.

Олти ёшли Хадича дадасидан сўради:

– Дада, Қорбобо қачон келади?

Дадасидан олдин тўрт яшар Умар жавоб берди:

– Бу йил Қорбобо келмайди.

– Нега келмайди?

– Ахир, карантин, коронавирус, тушундингми?

Насриддин Афанди шифокор экан. Бир куни олдига бир киши келиб, бели оғриётганидан шикоят қилибди.

Афанди ўрнидан туриб, беморга «энгашинг» дебди. Бемор энгашибди.

– Оғрияптими? – сўрабди Афанди.

– Оғрияпти, – дебди бемор.

– Яна энгашинг.

Бемор яна энгашибди.

– Энди-чи?

– Оғрияпти, – дебди бемор.

– Кўпроқ энгашинг.

Бемор букилавериб, «Г» шаклига келиб қолди.

– Ҳалиям оғрияптими? – сўрабди Афанди.

– Йўқ, оғримаяпти, – дебди бемор.

– Ана, жойига тушди. Энди шундай юраве-ринг, белингиз оғримайди, – деб чиқариб юборибди Насриддин беморни.

Уруш йиллари.

Бир куни Берия Сталин ҳузурига бораётган экан, унинг хонасидан Жуков чиқибди-да, жаҳл билан «Мўйловли шайтон», деб Берияга салом ҳам бермай ўтиб кетибди.

Берия кирибди-ю, Жуков «Мўйловли шайтон», дея чиқиб кетди, дебди. Сталиннинг жаҳли чиқибди ва ёрдамчисига тезда Жуковни қайтаришни буюрибди.

Жуков киргач, Сталин унга дағдаға қилипти:

– Мўйловли шайтон деддингми?

– Ҳа, – дебди Жуков.

– Бу билан кимни назарда тутдинг?

– Кимни бўларди, – дебди Жуков. – Гитлерни-да.

Сталин важоҳат билан Берияга қарабди.

– Сен кимни назарда тутган эдинг?

Никита Сергеевич Хрушчев чўққачилик фермаси фаолияти билан танишиш учун ерга борибди. Обдон айланибди. Чўққаларнинг

семизлигини кўриб қувонибди, чўққабоқарларни роса мақтабди. Кетиш олдидан ўша семиз чўққалар орасида туриб суратга тушибди.

Ушбу суратни газеталарга бериш буюрилибди. Газетачилар суратга қандай тагсўз ёзишни ўйлаб, бош қотиришибди. «Н.С.Хрушчев чўққалар билан» деса бўлмайди, «Н.С. Хрушчев чўққалар орасида» деса ҳам тўғри келмайди. Ҳеч кимга жўяли бир фикр келмабди. Охири «Известия» газетасининг ўша пайтдаги бош редактори, таниқли журналист, Н.Хрушчевнинг куёви Аджубейга мурожаат қилишибди. Аджубей суратга тикилиб турибди-да, кичкина қоғозчага нималарнидир ёзиб, мана шу тагсўзни ҳамма газеталарга беринглар, дебди. У «Чақдан учинчи Н.С.Хрушчев» деб ёзган экан.

Америка астронавглари Ойга учгач, бунини Брежневга маълум қилишибди. Брежнев бамайлихотир жавоб берибди:

– Ойга учса учаверсин, америкаликлар. Биз Қуёшга учамиз.

– Леонид Ильич, Қуёшга учиб бўлмайди... Ёниб кетади космонавтларимиз...

Брежнев жаҳли чиқиб столга мушт урибди:

– Нима, мени калласи ишламайди, деб ўйладиларингми... Қоронғу тунда учамиз, – дебди.



Хусан СОБИҚОВ
ЎЖОҒЎҒАН



«ШАРҚ МУМТОЗ АДАБИЁТИ» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

АЙЛАНМА КРОССВОРД

Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофи-га соат мили йўналишида: 1. Ўзбек мумтоз шоири Дурбек қаламига мансуб дoston қахрамони. 2. «Қуръони Карим» суралари ҳамда Марказий Осиё, Хуросонда таниқли шоирларнинг ғазал ва дostonларини ёддан айтувчи инсон. 3. XVIII аср охири XIX аср бошларида яшаб ижод қилган ўзбек масалнавис шоири. 4. Аёллар мадҳ этилган халқимизга мансуб эртақлардан бири. 5. «Қиссаи-Сайфулмулк» ишқий саргузашт дostonини ёзиб қолдирган мумтоз шоир. 6. «Сўз кўрки» – таърифни олган халқ оғзаки ижоди жанри. 7. Адиблар ҳақида қисқа маълумот берилиб, асарларидан намуналар келтирилган мажмуа. 8. Шарқ халқлари адабиётига мансуб асосий шеърий вазн. 9. Халқнинг нозик фаҳмлилик билан айtilган мўъжаз ҳикояси. 10. Муҳим тарихий воқеалар ва машҳур шахслар ҳақида тантанали услубда ёзилган назмий асар. 11. Маълум го-яни аниқ образларда ифодалаш. 12. Анъанага айланган шеър ижодкорлари баҳси. 13. Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» дostonидаги олтинчи ҳикоя қахрамони. 14. Саъди Шерозий ижодига мансуб нодир асрлардан бири. 15. Шеърят мулкнинг султони, жаҳон бадийи ижоди намояндаси, ўзбек донишманд шоири. 16. XIV асрга мансуб ўзбек адабиёти намояндаси, «Муҳаббатнома» дostonи муаллифи. 17. «Сўз санъати» таърифни олган бадий ижод соҳаси. 18. Форс-тожик мумтоз шоири Абулқосим Фирдавсий дostonи. 19. Мактуб тарзида ёзилган шеърий асар. 20. Халқ дostonларида мардлик ва паҳлавонлик тимсоли бўлган қаҳрамон. 21. XIX асрга мансуб хоразмлик шоир, тарихнавис олим, таржимон. 22. Алишер Навоийни устоз деб билган мумтоз шоир ва олим, теурийзода ҳукмдор. 23. Марказий Осиёнинг қадимий халқлари орасида машҳур бўлган жангнома намунаси, қаҳрамон аёлга мансуб афсона. 24. Жуфт мисралар қофияланиб, тоқ мисралар очиқ ҳолда ёзиладиган назмий жанр. 25. Хоразм воҳасига мансуб халқ дostonларидан бирининг бош қаҳрамони. 26. Ватанпарварлик мадҳ этилган жангнома мавзусидаги ибратли афсона. 27. XVIII аср шоири ва адабиётшуноси Лутфалибек Озарнинг кўплаб шоирлар ҳаёти ва ижодида оид маълумотлар баён этилган асари. 28. Халқ оғзаки ижодининг энг оммалашган жанри. 29. Ижод соҳибининг назм ёки насрда ёзган мактубларидан таркиб топган, шарқ шеърятига хос ижод соҳаси.

«МУМТОЗ АСАРЛАР» МУАММОНОМАСИ Калит сўзлар:

1. XV асрда яшаб ижод қилган форс-тожик шоири ва алломаси, ҳамсанавис ижодкор Жомий дostonи - «9, 2, 21, 6, 1, 3, 15, 5, 6, 4».

2. Ўзбек мумтоз шоири ва олими Аҳмад Югнакий дostonи – «21, 3, 9, 2, 5 - 13, 8 – 21, 2, 11, 6, 22, 3, 11».

3. Ўзбек мумтоз адабиётининг буюк намояндalarидан бири олим ва шоир Аҳмад Яссавий асари - «7, 20, 16, 6, 4, 3. 21, 3, 17, 12, 2, 5».

4. Алишер Навоий таърифича «ўз замонининг малик-ул-каломи» бўлган шоир Лутфий дostonи - «14, 13, 8. 16, 2. 4, 2, 16, 1, 18, 23».

5. Ғазалнавис мумтоз ўзбек шоири Бобораҳим Машрабнинг умрибоқий кўшиққа айланган ғазали мисраларидан: «Тақдири қалам бошима етти, нетайин, ох, Ҳажринг ғамида бесару сомон 24, 1, 2, 5, 3, 9, 7, 13, 1».

6. Кўчонлик тараққийпарвар шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг Арабистонга қилган сафари асосида ёзган асари - «21, 2, 19, 4, 6, 12, 2».

7. Шох ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур рубоийсидан: «Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсан, Жонимда менинг руҳи равоним сенсан. Бобурни сенингдек ўзга йўқ 10, 1, 3. Азиза, Алқиссаки, умри жовидоним сенсан».

Энди шакл атрофидаги рақамларда яширинган муаммонoмани калит сўзлари жавобларидаги ҳарфлар орқали ҳал этиш билан ибратли таърифни билиб олинг.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

ЎТГАН СОНДАГИ «ГАНЧ ЙЙМАКОРЛИГИ» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ ЖАВОБИ:

ЧАЙНКРОССВОРД

1. Намоён. 2. Нова. 3. Андаза. 4. Алебастр. 5. Рута. 6. Андава. 7. Арслонқулов. 8. Варахша. 9. Афросиёб. 10. Барг. 11. Гумбаз. 12. Занжира. 13. Альбом. 14. Муҳаббат. 15. Турунж. 16. Жалилов. 17. Ватман. 18. Нақш. 19. Шарафа. 20. Ахта. 21. Абулқосим. 22. Маҳобат. 23. Тошкент. 24. Тупроқ. 25. Қубба. 26. Абдулазизхон.

МУАММОНОМА Калит сўзлар:

1. Товус. 2. Сир. 3. Шар. 4. Монанд.

Рақамларда: Уста Ширин Муродов.

